

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА-МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

Кўлёзма ҳуқуқида

УДК: 336.72

НИЗОМИТДИНОВ ЖАҲОНГИР МУХИТДИН ЎҒЛИ

**СУҒУРТАЛОВЧИЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИ ДАВЛАТ
РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Мутахассислик: 5A231201 – “Суғурта иши”

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:
и.ф.н. О.Т.Юлдашев

ТОШКЕНТ-2015

Магистрлик диссертация иши “Суғурта иши” кафедрасида дастлабки
ҳимоядан ўтган.

Илмий раҳбар

и.ф.н. О.Юлдашев

Кафедра мудири

и.ф.н., доц. И.Очилов

Магистратура бўлими бошлиғи

и.ф.н., доцент У.Ортиқов

Кириш.....	3
-------------------	----------

I-боб. Суғурта фаолиятини ташкил этиш шарт шароитлари ҳамда назарий ҳуқуқий асослари.

1. 1. Суғурта бозорини барпо этишнинг объектив зарурлиги ва назарий асослари.....	9
1.2. Суғурта фаолиятининг Ўзбекистон иқтисодиётида тутган ўрни.....	20
1.3. Суғурта фаолиятини ривожлантиришда, ривожланган хориж давлатларининг суғурта фаолиятидаги тажрибаларидан фойдаланиш.....	32

I-боб бўйича хулоса.....	44
---------------------------------	-----------

II-боб. Суғурта фаолияти давлат томонидан тартибга солиниши ҳамда суғурта ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказишда қўйиладиган талаблар.

2.1. Суғурта фаолиятини амалга оширишда давлат идораларини тутган ўрни.....	46
2.2. Ўзбекистон Республикасида суғурталовчилар фаолиятини лицензиялашнинг ўзига хос хусусиятлари.....	65
2.3. Суғурта ташкилотларини давлат томонидан бошқаришда ривожланган мамлакатлар тажрибалари.....	74

II -боб бўйича хулоса.....	82
-----------------------------------	-----------

III-боб. Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятининг меёрий-ҳуқуқий асосини давлат томонидан янада такомиллаштириш, шунингдек ушбу фаолиятни бошқаришдаги муаммолар.

3.1. Республика суғурта бозоридаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш истиқболлари.....	83
3.2. Суғурта фаолиятини давлат томонидан ривожлантириш ҳамда мавжуд меёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича таклифлар.....	94

III - боб бўйича хулоса.....	101
-------------------------------------	------------

Хулоса.....	104
--------------------	------------

Адабиётлар рўйхати.....	109
--------------------------------	------------

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги. Ўзбекистон ўзи танлаган йўл – эркин бозор иқтисодиётига асосланган одил жамият, кучли демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан босқичма-босқич олға бормоқда. Ҳукумат томонидан амалга оширилаётган амалий ислохотлар натижасида бир неча йиллар давомида давлат бюджети ижобий салдо, яъни профицит билан бажарилиб келиниб, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажми барқарор равишда ўсиб бормоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлаш ҳамда аҳолини кўнгилсиз ҳодисалардан молиявий ҳимоя қилишда суғурта фаолиятининг ўзига хос муҳим ўрни мавжуд. Сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг суғурта секторида барқарор ўсиш суръатлари кузатилмоқда. Унинг ўртача йиллик ўсиши охириги беш йил давомида 34,1% ташкил этди. Мамлакат молия бозорида суғурта тизими ўзининг муҳимлиги ва алоҳида аҳамиятга эгаллиги билан ажралиб туради. Мамлакатимиз президенти И.А.Каримов “Бош мақсадимиз – кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” нутқида қўйидагиларни таъкидлаб ўтди: “Ўзбекистонни 2015 йилда иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишларини белгилар эканмиз, биз аввало, ўтган йилларда иқтисодиётимизда эришилган марралар, истикболга мўлжалланган узоқ муддатли мақсадлар, шунингдек, жаҳон бозоридаги реал ва кутилаётган, прогноз қилинаётган ҳолатдан келиб чиқамиз”.¹

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, “.....бугунги кунда ривожланмаган суғурта тизимсиз хўжалик субъектлари самарали иш юритиши, инвестицион фаолият билан шуғулланиши, кредит олиши мушкулдир”². Шу билан бир вақтда мамлакатимиз раҳбари Олий

¹ “Бош мақсадимиз – кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” Президент Ислам Каримовнинг 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. www.press-service.uz

² Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т: Ўзбекистон, 2000. – 354 бет.

мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида банк молия тизимининг янада мустахкамланиши “хусусий банклар ва хусусий мулкка асосланган лизинг, суғурта компаниялари, кредит уюшмалари, микромолиявий ташкилотлар каби молиявий институтларни ташкил этишнинг қонунчилик асосларини шакллантириш ҳисобидан банк-молия соҳасига хусусий капитални жалб қилиш билан ҳам боғлиқ”³ эканлигини алоҳида устувор вазифа сифатида белгилаб берганлар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” ПҚ-1438 сонли қарори суғурта соҳасида амалга оширилётган ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди. Мазкур қарорга асосан, 2011-2015 йилларда суғурта соҳасини ривожлантириш бўйича режалар белгилаб олинди. Улардан энг асосийлари куйидагилар:

- “Хусусий банклар ва молия институтлари ҳамда уларнинг фаолиятини кафолатлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш.

- Республика молия-банк тизимининг фаолиятини баҳолаш учун “Фитч рейтингс”, “Мудис” ва “Стандарт энд Пурс” халқаро рейтинг компаниялари томонидан қўлланадиган халқаро нўрмалар, мезонлар ва стандартларни қўллаш.

- “Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонунини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

- Хаётни суғурталаш соҳасини, жумладан узоқ муддатли ва жамғарилиб боровчи хаётни суғурталаш турларини янада ривожлантиришга қаратилган меёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

³ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.

- Суғурта бозори профессионал иштирокчилари, шу жумладан, аджастер, сурвейерлар, актуарийлар ва ассистанс хизмати кўрсатувчи компанияларининг фаолиятининг кенгайтириш орқали суғурта бозори инфратузилмасини янада ривожлантириш.

Ҳозирги шароитда, яъни иқтисодий мустаҳкамлашга қаратилган устивор йўналишларни белгилашда, давлат, жамият ривожига ва бошқа долзарб ижтимоий-иқтисодий вазифаларни бажаришда, барқарор ва мустақил молия бозори ва ушбу молия бозорида барқарорликни таъминловчи суғурта фаолиятини илмий ўрганиш, ундан иқтисодий инструмент сифатида фойдаланиш дунёнинг ривожланган мамлакатлари мисолида ўз тасдиғини топди.

Тадқиқот объекти ва предмети. Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорининг иштирокчилари ва суғурта фаолиятини ташкилий ҳуқуқий асослари ҳамда суғурта компанияларини давлат рўйхатидан ўтказиш тизими тадқиқот объекти ҳисобланади.

Ўзбекистон суғурта бозорининг меърий-ҳуқуқий асосларини ва суғурта компанияларини давлат рўйхатидан ўтказиш, шунингдек ундаги профессионал иштирокчиларининг суғуртани амалга ошириш билан боғлиқ фаолият кўрсатиш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар ушбу тадқиқот ишининг предмети саналади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари – Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда суғурта фаолиятини ташкилий ҳуқуқий асосларини ва суғурталовчиларни давлат рўйхатидан ўтказишни тадқиқ қилиш ва амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Юқорида кўрсатилган мақсадга эришиш учун тадқиқот ишида қўйидаги асосий вазифалар белгиланган:

Ўзбекистон суғурта бозорида Ўзбекистон Республикасини қонунларини тутган ўрни;

Ўзбекистон суғурта бозорининг Республика молия тизимидаги тутган муҳим ўрнини асослаб бериш;

Ўзбекистон суғурта бозорида суғурта компанияларини давлат рўйхатидан ўтказишни тадқиқ қилиш;

суғурта хизматлари асосий турларининг ривожланиш тенденцияларини тадқиқ қилиш;

суғурта ташкилотлари фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш, суғурта фаолиятини бошқаришнинг назарий асосларини ўрганиш ва суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш механизмини шаклланиш босқичларини баҳолаш;

суғурта фаолиятини ривожланишидаги муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этишга қаратилган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

жаҳон амалиётида суғурта фаолиятини давлат томонидан бошқариш асосларини таҳлил қилиш асосида унинг илғор тажрибаларини республикамизда ижобий қўллашга қаратилган илмий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги суғурта фаолиятини ривожланишини таҳлил қилиш масалаларининг специфик аҳамиятга эгалиги ҳамда тадқиқотда кўзда тутилган муаммоларни бошқариш методини қўллаган ҳолда комплекс равишда ўрганилди ва:

- Ўзбекистон суғурта бозорининг Республика молия тизимидаги тутган муҳим ўрни асослаб берилди;

- суғурта хизматлари асосий турларининг ривожланиш тенденцияларини тадқиқ қилинди;

- суғурта ташкилотлари фаолияти самарадорлигини таҳлил қилинди ва баҳоланди, суғурта фаолиятини бошқаришнинг назарий асосларини ўрганилди ва суғурта фаолиятини давлат томонидан рўйхатдан ўтказиш ва уни тартибга солиш механизмини шаклланиш босқичларини баҳоланди;

- суғурта фаолиятининг меёрий-ҳуқуқий базасини мукаммалаштириш ва уларни янада такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

- жаҳон амалиётида суғурта фаолиятини давлат томонидан бошқариш асосларини таҳлил қилиш асосида унинг илғор тажрибаларини республикамизда ижобий қўллашга қаратилган илмий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг асосий фарази. Тадқиқот фарази сифатида суғурта фаолиятини давлат томонидан бошқариш сифатини яхшилаш натижасида суғурта бозори бўйича кўрсаткичлар кескин ошади, деган илмий фараз қабул қилинган.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи. Диссертация мавзуси бўйича қатор изланишлар олиб борилган. Суғурта фаолиятини такомиллаштириш масалалари билан умумий олганда қўйидаги хорижий тадқиқотчилар Г.В.Чернова, С.А.Калайда⁴, Ю.Т.Ахвледиани⁵, Н.Н.Никулина⁶, В.Ю.Абрамов⁷, В.П.Галаганов⁸, Д.Д.Хэмптон⁹, О.Нор-Аревян¹⁰, С.В. Ермасов, Н.Б. Ермасова¹¹, шу жумладан ўзбек тадқиқотчилари М.А.Мирсодиқов¹², Х.А.Шеннаев¹³, О.Г.Икромов¹⁴, С.А.Умаров¹⁵, Б.Б.Ашрафханов¹⁶, Қ.М.Қўлдошев¹⁷ ва бошқа илмий тадқиқотчилар томонидан олиб борилган.

Республикамизда нисбатан ёш лекин барқарор ўсиш суръатларини намоён этаётган суғурта бозори мавжуд. Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ривожланиши давлат томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида юридик ва жисмоний шахсларга суғурта хизматларини кўрсатиш қўлами кенгайиб, сифат кўрсаткичларида ижобий ўзгаришлар юз беряпти. Суғурта

⁴ Г.В. Чернова, С.А. Калайда «Страховое дело» Журнали 2010 №12 24-31 бет.

⁵ Ю.Т. Ахвледиани Страхование. Дарслик. Юнити Дата, 2006 .

⁶ Н.Н. Никулина ва б. Страховой маркетинг.М.: Юнити, 2009 й. 211 бет.

⁷ В.Ю. Абрамов Страхование: теория и практика.-М.; Волстер Клувер, 2007.

⁸ В.П. Галаганов Страховое дело. – М.: Академия, 2009г.

⁹ Д.Д. Хэмптон Д.Д. Финансовое управление в страховых компаниях. изд. Центр СО. -М.:Анkil, 1995.

¹⁰ О. Нор-Аревян Социальное страхование. Дарслик. Дашков и К,2011.

¹¹ С.В. Ермасов, Н.Б. Ермасова Страхование. Дарслик. Высшее образование 2008.

¹² М.А. Мирсодиқов, Б.Б. Ашрафханов, Основные тенденции развития страхового рынка Узбекистана. Бозор, пул ва кредит. 2002 №4 38-40 бет.

¹³ Х. Шеннаев Суғурта иши. –Т.: «Турон иқбол», 2006. – 224 б.

¹⁴ О.Г. Икромов «Ўзбекистон суғурта бозори ривожланиш тенденциялари» Т.: «Тошкент инвестиция ва молия форуми» материаллари, 2012 йил 7 апрель

¹⁵ С.А. Умаров Ўзбекистонда суғурта фаолияти ривожланишини бошқариш. Т.: Фан, 2009 й.

¹⁶ Б.Б. Ашрафханов, М.М. Мирсодиқов Основные итоги и перспективы развития страхового рынка Узбекистана. «Страховое дело» Журнали. - 2004. - №3.- 57-64 бет.

¹⁷ К.М. Қўлдошев Суғурта бозорини ривожлантириш ва бошқариш муаммолари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2009. –23 б.

фаолиятининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиб, мунтазам такомиллаштирилиб борилмоқда. Шуларни инобатга олганда, суғурта фаолиятини ташкил этиш, уни бошқаришнинг институционал асосларини такомиллаштириш, суғурта хизматлари бозори ривожланиш тенденцияларини баҳолаш ҳамда уни давлат томонидан тартибга солиш, шунингдек, суғурта фаолиятини ривожлантириш концептуал қоидаларини, миллий суғурта компанияларини бошқаришнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш ҳамда суғурта бозорининг истиқболини белгилаш мамлакатимизда иқтисодийни модернизация қилиш ва демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштиришнинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқотни амалга оширишда мантиқий таҳлил, иқтисодий, молиявий, қиёсий таҳлил, кузатиш, умумлаштириш усулларида фойдаланилади.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг назарий натижалари суғурта фаолиятини ривожлантириш ва уларни давлат рўйхатидан ўтказиш механизмини такомиллаштиришда қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот иши натижаларининг амалий аҳамияти, диссертациянинг илмий таклиф ва амалий тавсиялари республикаимиз суғурта ташкилотлари фаолияти ва суғурта хизматлари комплекс ривожлантирилишига қаратилган ҳукуматнинг мақсадли дастурлари, чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилишида қўлланилиши мумкинлиги билан белгиланади.

I Боб. Суғурта фаолиятини ташкил этиш шарт шароитлари ҳамда назарий ҳуқуқий асослари.

1. 1. Суғурта бозорини барпо этишнинг объектив зарурлиги ва назарий асослари

Инсоннинг фаолиятига уни ўраб турган муҳитнинг ҳўжалик тизими, моддий-иқтисодий ҳолати, жамиятнинг ривожланганлик даражаси, жамият аъзоларининг маданий - маърифий тарбияси, ҳамда уларнинг моддий жихатдан қай даражада таъминланганлиги каби омиллар таъсир курсатади.

Ҳар бир инсон узининг атрофидаги уни ўраб турган муҳитдан турли даражада таъсирланиши, бу таъсир натижасида эса ижобий ёки салбий оқибатлар ҳам келиб чиқиши мумкин. Бир хилда меҳнат ва капитал сарфланган ҳолда, маҳсулот бирида кўп, бошқасида эса кам миқдорда олиниши мумкинлиги маълум. Буларнинг сабабини инсон таҳлил этиб, жуда қуп табиий ҳолатлар - совуқ бўлиши, қурғоқчилик, ёмғир ёғиши, ер қимирлаши, зараркунанда ҳашаротларнинг хужуми, турли хил касалликлар ва турли иқтисодий, ҳамда молиявий ҳолатлар оладиган фойдага салбий таъсир этиб келганлигини яхши билади.

Шуларни ҳисобга олиб, инсон моддий жихатдан кийин аҳволга тушиб қолмаслик учун узининг меҳнати натижаларини қафолатлаб қўйишга, маълум мақсадда сарфланган маблағини ҳам қафолатлаш йулларини излаб топишга ҳаракат қилади. Бундан ташқари, инсон бутун умри давомида тулиқ актив фаолият билан шуғуллана олмайди, унинг ҳаёт босқичларида ишга яроқсиз бўлиб қоладиган даврлари, кексалик даврида эса бутунлай ишга яроқсиз бўлиб қолиши ҳамманинг бошидан ўтадиган табиий жараёндр. Демак инсонлар ўз меҳнат фаолиятининг актив босқичида оғир кунларида керак бўладиган моддий маблағларни олдиндан ҳозирлаб қўйиши заруриятга айланади.

Иқтисодчиларнинг ҳисобларига қараганда, аҳолининг учдан икки қисми турли сабабларга қўра ўзини-ўзи ишлаб боқа олишдан у ёки бу сабаблар туфайли маҳрумдир. Айрим ҳолларда бевақт ўлим, касаллик, ногирон бўлиб қолиш оилани боқувчисидан жудо қилади. Ўзининг боқувчисидан маҳрум

бўлган оила аъзолари моддий ёрдамни фақат жамият аъзоларидан, меҳнат жамоаси, маҳалла, ҳамда бошқа меҳрибонлик жамиятларидан олишга умид боғлашлари мумкин.

Жамиятда юз берадиган турли сиёсий, ижтимоий, иқтисодий тангликлар ҳам инсонларнинг моддий ахволига салбий таъсир этиши, уларнинг тирикчилик даражасининг пасайишига олиб келиши мумкин.

Юқорида санаб ўтилган турли салбий ходисалар етказадиган зарарлардан жамият ўз аъзоларини ҳимоялаш чора - тадбирларини кўриб кўйишга мажбур.

Таниқли классик иқтисодчи Адам Смит таъкидлаган эдики, иш ҳақи натижасини ўзгартириш озми-кўпми меҳнатнинг натижаси билан боғлиқ бўлади. Аммо меҳнат натижалари тасодифий ходисалар туфайли пасайиши мумкин. Кўрилган зарарни коплаш учун инсон яна кўпроқ меҳнат килиши ва маҳсулот яратиши, тирикчилигини таъминлаши зарур бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам инсон доимо ўзининг хўжалигига хавф солаётган тасодифий ходисалар билан курашиб келади.¹⁸

Инсон табиатда ва жамиятда бўладиган хавфларга доимо қарши туриши билан бирга, бу хавфларнинг олдини олиш ва айрим жараёнларни бошқаришга ҳаракат қилиб келади. Инсоният асрлар давомида олиб борган бундай кураши туфайли ва тўплаган тажрибасининг натижаси уларок табиат ва жамиятда юз берадиган айрим салбий ходисаларнинг олдини олишга ёки уни олдиндан билиб эҳтиёт чораларини кўришга муяссар бўлмокда ёки ҳеч бўлмаганда табиий офатларнинг келтирадиган зарарларини камайтиришга эришиб келмокда.

Турли касалликларга қарши кўриладиган чоралар бир корхона, маълум ҳудудда, ҳатто бутун мамлакат миқёсида амалга оширилиб, эмлаш, карантин қилиб куйиш каби тадбирлар воситасида бу касалликларнинг эпидемияларга айланиб кетишининг олди олинмокда, ҳатто айрим

¹⁸ Б.Ю. Сербиновский В.Н. Гарькуша. Страхование дело. Ростов-на-Дону.Феникс -2004 9- с.

касалликларнинг тарқалишига умуман чек қўйилмоқда. Жамият учун зарарли бўлган ишсизликнинг олдини олиш мақсадида куриладиган чоралар, сув тошқинларининг олдини олиш учун дамбаларни куриш каби тадбирлар жамиятни зарарли ва хавфли ходисалардан сақлаб қолинишига олиб келади.

Инсоният ўзини халокатли, хавфли ходисалардан ҳимоя қилиш учун турли кўринишдаги, моддий жиҳатдан кафолатлайдиган жамиятлар тузишга узок йиллардан бери ҳаракат қилиб келган. Худди шундай жамиятлардан бири инсонга энг якин бўлиб қолган, унга ҳаётининг оғир даврларида моддий томондан ёрдам берадиган суғурта жамиятларидир.

Юз берадиган табиий офатларнинг олдини якка ҳолда олиш, қўрилган зарарни бир хўжалик маблағлари ҳисобидан қоплаш мушкулдир. Шунинг учун суғурта жамиятлари ўз аъзоларининг аъзолик бадалларини тўплаш ҳисобига еғилган маблағ ҳисобидан хўжалиги зарар кўрган жамият аъзоларига қўрилган зарарни қоплашда ёрдам берадилар ёки зарарни тўлиқ қоплаб берадилар.

Дунёнинг йирик иқтисодчи олимлари суғуртани ўрганиб, уни назарий жиҳатдан турлича талқин этиб келганлар. Жумладан, Россиялик таниқли иқтисодчи олим А.П.Архипов суғуртага шундай таъриф беради: суғурта - хавфли, нохуш воқеалар оқибатидан ҳимоя воситаси бўлиб, аммо барча шу каби воқеалардан эмас, балки ғавқулотда юз бериши мумкин бўлган ва зарар даражаси олдиндан баҳоланган эҳтимолликлардан ҳимоя бўлиб, бундай воқеаларнинг қачон, қаерда ва қандай ҳолатда юз бериши номаълумдир.¹⁹

Немис олими Кросита суғуртани субъект нуқтаи назаридан, қўрилган зарарларни қоплайдиган, зарарларни қоплаш учун буладиган талабларни қондирадиган фан деб таърифлайди.²⁰ А.Вагнер суғуртани шундай хўжалик ташкилоти дея таърифлайдики, курилган зарарни маълум даражада қоплаши, инсон соғлиғига ва мулкига етказилиши кутилаётган ҳодисанинг олдини олиши мумкин дейди.²¹

¹⁹ А.П. Архипов, В.Б. Гомелля, Д.С. Туленты Страхование. М.: финансы и статистика 2007 10- с.

²⁰ Н.Н. Никулина, С.В. Березина Страхование М.: Юнити -2003 5-с.

²¹ Белых В.С. Страховое право. - М.: Инфра-М, - 2001.—20 с.

Хукукшунослар суғуртани суғурта шартномасига асосланган ҳолда баҳолашади ва таърифлашади. Уларнинг таърифлашларича, бир томон, яъни суғуртачи ўз мажбуриятларини бажарувчи дея тушинилса, иккинчи томон, яъни суғурталанувчи ўзининг курган зарарини қоплашни талаб қилувчи бўлиб, суғуртани ушбу иккала томон ўртасидаги шартнома деб қарайдилар. Бизнингча, суғурта инсонлар уюшганда пайдо бўлади. Суғуртанинг мақсади касаллик туфайли, ёнғин натижасида ва бошқа ҳодисалар туфайли қўрилган зарарни қоплаш, келажакдаги турли ижтимоий ва иқтисодий талабларни қондириш, яъни қўшимча стипендия, нафақа ва бошқа шу каби талабларни қондиришдан иборатдир.

Машхур иқтисодчи Герман суғуртани уйин деб атади ва у суғуртани иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларида қўллаш мумкинлигини таъкидлайди. Бу ерда суғурта мукофоти ўйин ставкасини билдирса, суғурта шартномаси эса ўйин шартини билдиради дейди.²²

Бизнинг фикримизча суғурта жамиятда ва табиатда бўлиб турадиган салбий ҳодисалар натижасида инсоннинг жисмоний, маънавий ва иқтисодий жиҳатдан қўрган зарарларини қоплаб берувчи кафолатли соҳадир.

Умуман, суғуртани инсонларнинг моддий фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган, жамиятнинг равнақига пул билан ҳисса қўшадиган, мамлакатда пулнинг қайта тақсимланишини таъминлашга хизмат курсатадиган институт деб қараш мумкин.

Инсоният жамиятининг ривожланиб бориши билан суғурта жамиятлари ҳам ҳар томонлама ривожланиб, юксалиб борди. Рим империяси даврида диндорларнинг узаро бир-бирига ёрдам бериш жамиятлари шаклида пайдо бўлган суғурта жамиятлари замонлар ўтиши билан легионерларнинг ҳам суғурта жамиятлари барпо этишларига олиб келган ва улар ҳам узаро бир-бирига ёрдам курсатганлар. Кейинчалик суғурта жамиятлари Европанинг бошқа мамлакатларида ҳам турли шаклларда барпо этилган, жумладан

²² Балабанов ИХ Риск-менеджмент, - М.; Финансы и статистика, -1996. -28 с

Германияда савдо гильдалари шаклида вужудга келган. Бу суғурта жамиятлари ўз аъзоларига касаллик даврида ёрдам бериш, вафот этганда дафн маросимларини ўтказишдан ташқари, вақт ўтиши билан алоҳида тармоқ сифатида ривожланиб, иқтисодий ҳамда ижтимоий кучга айланган.

Суғурта бадаллари ҳисобидан тўпланган маблағлар суғурта фонди номи билан аталиб бошланди ва бундан ташқари алоҳида суғурта захираларининг барпо этилиши ўз навбатида суғурта соҳасида қонунлар қабул қилиш заруриятини келтириб чикарди. Чунки пул маблағларидан фойдаланиш, уларни туғри тақсимлаш қонуний тарзда бўлсагина суғурта жамиятларини давлат томонидан назорат қилиш, маблағларидан самарали фойдаланиш ва суғурта ташкилотларини бошқаришни тартибга солиш мумкин бўлади. Бундай қонунлар дастлаб Европа мамлакатларида 1446 йилда қабул қилинди беш йилдан кейин дунёнинг бошқа мамлакатларига ёйилди.

Суғурта бозорининг пайдо бўлиши ва ривожланишини ўрганиш учун, унинг дунёда илк пайдо булишини ўрганиш ва ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиб, аниқ бир хулосага келиш мумкин. Суғурта бозорининг дастлабки куртаклари суғурта жамиятларини шакллантириш даврига бориб тақалади. Дастлабки суғурта жамияти Лондон шаҳрида 1791 йили ташкил этилган. Бу жамият ёнғиндан суғурталаш билан шуғулланар эди.

Гамбургда 1797 йили акционерлар суғурта жамиятининг ташкил этилиши турта бозорининг шаклланишига қуйилган дадил қадамлардан бири булди дейиш мумкин.

1866 йили АҚШда ҳам суғурта жамиятлари шаклланиб, универсал тариф ставкалари қабул қилинган. Бу суғурта жамиятлари асосан ёнғиндан суғурталаш билан шуғулланиб келганлар.

Туркистонда суғурта жамиятлари Цар Россияси томонидан бу ўлка босиб олиниб, Европа хўжалик тизимини жорий этилиши билан пайдо бўлди. Бу жамиятларда ёғ-мой ишлаб чиқарадиган заводларни ва пахта заводларини суғурталаш амалга оширилган бўлиб, бунинг асосий сабаби маҳаллий аҳоли томонидан бу заводларни ёқиб юборилишининг олдини олиш, мабодо бу хавф

амалга ошган такдирда завод эгалари қурилган зарарни қоплаш учун суғурта компанияларидан қоплаш суммасини олишни қонунийлаштирган эдилар.

Октябр инкилобигача Ўзбекистонда суғурта ишида юксалиш сезилмади, сабаби маҳаллий аҳоли онгидаги асрлар давомида сақланиб келган хурликни таъкидлаб келинганлиги каби Туркистон ҳудудидаги айрим иллатлар туфайли суғурта туғрисида нотўғри қарашларнинг давом этиши ҳам суғурта соҳасининг ривожланишига йўл қўймади.

Факат Октябр инкилобидан кейин Давлат янги суғурта тизимини жорий этиб, суғурта соҳасида Давлат монополиясини урнатди ва мажбурий суғуртани амалга ошириш туғрисида қонунлар қабул қилди. Бунинг натижасида Ўзбекистонда турли ходисалардан суғурталаш европа мамлакатларидагидек алоҳида суғурта компаниялари томонидан эмас, балки давлатнинг ягона суғурта ташкилоти томонидан амалга оширилиб келинди. Давлат суғурта соҳасида ўзининг монополиясини ўрнатган ушбу шўролар давридаги суғурта фаолияти туғрисида гап кетганда, суғурта бозори ҳақида гапириш унчалик ҳақиқатга тўғри келмайди.

Шўролар давридаги давлат суғурта монополияси асосан мажбурий суғуртани амалга ошириб, йиғилган суғурта бадаллари асосан давлат бюджетини тўлдиришга йуналтирилар эди. Суғурта қопламалари камдан-кам ҳолларда тўлаб берилар, шунинг учун корхоналар, ташкилотлар ва аҳоли суғуртага бефарқ ва ишончсиз қарар эди.

Мамлакатимиз мустақилликга эришгандан кейин бошқа соҳаларда бўлгани каби суғурта соҳасида ҳам ислохотлар ўтказилди. Ислохотларни амалга оширишда қўйилган биринчи қадам 1993 йили 6 майда Ўзбекистон Республикасининг тарихида биринчи марта «Суғурта туғрисида»ги қонуни қабул қилиниши бўлди. Ушбу қонун талаблари асосида 1994 йилда «Ўзбекинвест» миллий суғурта компанияси ташкил этилди, кейинчалик уни Президентнинг 1997 йилдаги (18.02.97 й.) 1710 сонли фармонида биноан «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясига айлантирилди. 1995 йилда «Мадад» суғурта агентлиги ташкил этилиб, ушбу агентлик орқали

тадбиркорлик фаолиятини суғурта хизматлари билан таъминлаш йулга қўйилди. 1997 йили собиқ “Давлат суғурта ташкилоти” негизида иккита ихтисослаштирилган компания ташкил этилди. Булар ихтисослашган “Кафолат” Давлат акционерлик суғурта компанияси ва “Ўзагросуғурта” давлат акционерлик суғурта компаниясидир. Шу даврларда яна бир нечта турли мулк шаклидаги суғурта компаниялари ташкил этилиб, шу асосда миллий суғурта тизими шакллантирилди. 1993 йилда қабул қилинган “Суғурта туғрисида”ги қонунда назарда тутилмаган кўпгина камчилик ва мунозарали ҳолатлар, масалан қайта суғурта, суғурта фаолиятини лицензиялаш, миллий суғурта бозорида чет эл суғурта компанияларининг фаолияти кабиларни қонунийлаштириш керак эди. Шу муносабат билан 2002 йилга келиб Ўзбекистонда суғурта тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда халқаро андозалар талабига жавоб берадиган суғурта тизимини барпо этиш мақсадида суғурта туғрисидаги қонун қайта ишлаб чиқилди ва у янги тахрирда “Суғурта фаолияти туғрисида” ги қонун номи билан 2001 йилда "Халқ сўзи" рўзномаси орқали халқ муҳокамасига қўйилди. Муҳокамадан кейинги ўзгартиришлар билан 2002 йил 5 апрелда ушбу қонун Олий мажлис томонидан қабул қилинди. Қонун Олий мажлисининг 2002 йил 5 апрелдаги 359-I сон қарорига мувофиқ амалга киритилди.

Ушбу қонуннинг мақсади суғурта фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат, деб қонуннинг 1-моддасида алоҳида кўрсатиб утилган. Янги қабул қилинган қонун суғурта тизими юксак ривожланган тўрт мамлакатларнинг амалдаги суғурта туғрисидаги қонунларини ўрганган ҳолда, йирик назариётчилар ва амалиётчилар иштирокида ишлаб чиқилди. Унда суғурта соҳалари ва турлари (класслари), суғурта соҳасининг профессионал иштирокчилари булган суғурта брокери, қайта суғурта брокери, суғурта агентига таъриф берилган, суғурта компанияларини ташкил этиш за давлат руйхатидан утказиш, суғурталовчиларнинг устав фонди, суғурта фаолиятини лицензиялаш, лицензия амал қилишини вақтинча тўхтатиб қўйиш, умуман бекор қилиш, суғурталовчиларни қайта ташкил этишнинг ўзига хос

хусусиятлари, суғурталовчиларни тугатиш, суғурта захиралари, суғурталовчилар тўлов қобилятининг кафолатлари, суғурталовчилар бухгалтерия хисобининг узига хос хусусиятлари, чет эл суғурта ташкилотларининг фаолият юритишлари каби суғурта фаолиятининг барча муҳим жихатлари алоҳида моддаларда ўз аксини топган.

Бозор муносабатлари шаклланиб, суғурта соҳасида амалга оширилган ислохотлар натижасида суғурта муносабатларининг мазмуни бутунлай ўзгарди. Ташкил этилган мустақил суғурта компаниялари иштирокида тулиқ бозор муносабатлари талабларига жавоб берадиган суғурта бозори шакллана бошлади. Ҳозирги кунга келиб бу бозорнинг мамлакат иқтисодиётидаги салмоғи анчагина ортди. Ҳозирда Республикада турли мулкчилик шаклидаги 30 та атрофида суғурта компанияси фаолият кўрсатмоқда.

Компаниялар сонининг ортиб бориши суғурталанувчиларга танлаш имконини беради ва ўзаро рақобат муҳитини яратади, ҳамда иқтисодиётнинг ўсишига салмоқли таъсир кўрсатади.

Бозор муносабатларининг ривожланиши тараққиёт йўлидаги тўсиқларни йуқ қилиб, иқтисодий ҳамкорликнинг кенгайишига олиб келади ва миллий суғурта бозорларининг жаҳон суғурта бозорига уланишига имконият яратади.

Ҳозирги кунда жаҳон амалиётида суғуртада икки тенденция амал қилмоқда: суғурталовчиларнинг ихтисослашуви ва универсаллашуви, яъни маълум суғурта компаниялари суғуртанинг деярли барча турлари бўйича хизмат курсатишни йулга қуйиб ўз фаолиятларини кенгайтирсалар, бошқа бир компаниялар суғуртанинг маълум бир турлари бўйича ихтисослашиб, хизмат турини мукаммал узлаштириб олмоқдалар. Бу йуналишларнинг бевосита меҳнатнинг ижтимоий тақсимланишининг кучайишига боғлиқдир, ушбу жараён суғурта ишида ҳам объектив зарурат туғдирмоқда.

Суғурталовчилар фаолиятининг универсаллашиш тенденциялари бозори етарли даражада ривожланмаган, суғурта хизматларига талабгорлар сони у қадар кўп бўлмаган мамлакат, ҳудуд ёки минтақаларда юз берса, ихтисослашув жараёнлари суғурта бозори ривожланган, суғурта хизматларига талабгорлар

сони кўп булган мамлакат, ҳудуд ёки минтакаларга хосдир. Чунки суғурта бозори эндигина ривожланаётган, суғурталашга талабгорлар сони у даражада кўп бўлмаган мамлакатлардаги суғурта компаниялари бир ёки икки суғурта турига ихтисослашиш билан етарли даражада мижозларга эга бўла олмайдилар. Шунинг учун ҳам улар мумкин қадар кўпроқ турдаги суғурта хизматларини амалга ошириб, кўпроқ мижозларга эга бўлишга ҳаракат қиладилар. Суғурта бозори ривожланган мамлакатларда эса суғурталанишга талабгорлар сони етарли даражада бўлиб, аммо уларнинг талаблари ҳам юқори даражададир, бундай талабни қондириш учун маълум бир суғурта турига ихтисослашиш, мукаммал билимларни эгаллаш ва катта тажрибага эга бўлиш талаб этилади. Мамлакатимиз миллий суғурта бозорида фаолият курсатаётган суғурта компаниялари суғурта фаолиятининг маълум тармоғига ихтисослашиш билан бир вақтнинг ўзида универсал фаолият юритмоқда. Бунга юқорида айтиб ўтганимиз, суғурта соҳасининг ҳали юксак даражада ривожланмаганлиги, корхоналар, ташкилотлар ва аҳолининг суғурта туғрисидаги ҳуқуқий билимларининг етарли даражада шаклланмаганлиги туфайли суғурта хизматларига талабгорлар сонининг етарлик эмаслиги сабабдир.

Суғурта бозори амал қилишининг асосий шарти, суғурта хизматларига бўлган талабнинг мавжуд бўлиши ва суғурталовчилар бу талабни қондириш имкониятига эга бўлишлари билан характерланади.

Суғурта бозори субъектларнинг мустақил бўлишини, уларнинг ўзаро тенг имкониятлар билан рақобат олиб бориши, асосий муносабат суғурта хизматларининг олди-сотдиси бўйича, яъни суғурта маҳсулотларини сотиб олиш горизонтал ҳамда вертикал ривожланиш алоқаларини олиб бориш самарал келтиради.

Суғурта бозорини икки хил хусусияти бўйича гуруҳларга ажратиш мумкин, бу хусусиятлар:

-ташкилий

- ҳуқуқий хусусиятлар;

- ҳудудий хусусиятлар.

Ташкилий-ҳуқуқий хусусиятлари бўйича суғурта бозори акционерлик шаклидаги, ўзаро ҳамкорлик асосидаги компаниялар, хусусий суғурта компаниялари ва давлат суғурта компанияларидан иборат бўлиши мумкин.

Ҳудудий хусусиятлари бўйича суғурта бозорлари маҳаллий (регионал), миллий (республика, мамлакат ва ҳ.к.), минтақавий ва жаҳон суғурта бозори кўринишида шаклланади. Хизмат курсатиш нуқтаи назаридан суғурта бозорлари маҳаллий суғурта бозори ва ички суғурта бозорига, ҳамда ташқи ва глобал, яъни дунё суғурта бозорларига бўлинади.²³

Ички суғурта бозорининг асосини маълум мамлакат ичида ташкил этилган суғурта ташкилотлари ташкил этади. Ички суғурта бозорининг асосий вазифаси мамлакат ичкарасидаги суғурта хизматларига бўлган талабни шакллантириш ҳисобланади. Бу вазифа асосан маркетинг кузатишларини олиб бориш орқали суғурта бозорини ўрганиш, суғурта хизматларини реклама қилиш ва шу асосда аҳоли ва юридик шахслар уртасида талабни ҳосил қилиш орқали амалга оширилади.

Ташқи томондан суғурта бозорига таъсир этувчи омиллар ва ички омиллар асосида суғурта бозорига таъсир кўрсатиб, унинг ҳолатини ўзгартириш мумкин. Ташқи омилларга, давлатнинг иқтисодий сиёсати, молиявий инфляция, валюта курсининг ўзгариши, ташқи бозорларнинг таъсири ва бошқаларни киритиш мумкин. Ички омиллар сифатида компанияларнинг етарли даражадаги устав капиталини шакллантириши, малакали кадрлар билан таъминланганлиги, мукамал ташкилий тузилмани ташкил қилиш, менежерлар малакаси ва маркетинг фаолиятини самарали йулга қўйиш кабиларни санаб ўтиш мумкин. Суғурта бозори алоҳида тизим сифатида ички ва ташқи кучларнинг ўзаро бирлашиши, спирал шаклида суғурта хизматларига бўлган талаб

²³ В.В.Шахов. Страхование. Учебник. М.: ЮНИТИ - 1999-С..51-52.

динамикасининг усишида ўз аксини топади. Бу тизим чегараланган эмас, чунки ташки ва жаҳон суғурта бозори ҳамда ички суғурта бозори бир-бири билан узвий боғланган бўлиб, спиралнинг ҳар бир тугуни маълум даражада бозорда суғурта хизматларига бўлган потенциал талабга таъсир этади.

Суғурта бозорида компанияларнинг мижозларни қупайтириб бориши уларга катта миқдорда фойда келтириши билан бирга, миллий суғурта бозорининг ривожланишига олиб келади ва натижада суғурта компаниялари халқаро суғурта бозорларига кириб бориш имкониятига эга буладилар. Худди шундай имкониятга эга бўлган Англия, АҚШ, Германия, Швецария, Франция, Япония каби қупгина мамлакатларнинг суғурта компаниялари транснационал компанияларга айланиб, жаҳон суғурта бозорида етакчилик қилиш билан бирга, дунёдаги етакчи банклар билан бир қаторда кредит берувчи молиявий ташкилотларга айланиб бормоқдалар. Суғурта компаниялари ўзларининг ихтиёридаги пул маблағларини ссуда капитали сифатида, пулга эҳтиёж сезган талабгорларга маълум фоиз тулаш шарти билан, қилишилган муддатга кредитга бермоқдалар. Ссуда операциялари буйича қуп мамлакатларда суғурта ташкилотлари банклардан кейинги уринни эгаллаб келмоқдалар ва йирик молиявий ташкилотларга айланиб, иқтисодиётда етакчи уринни эгаллашга даъво қилмоқдалар.

Суғурта ташкилотларидан кредит олиш банкларга қараганда анча қулай бўлиб, суғурта компаниялари кредитни мижозларга узоқ муддатга мулжаллаб беришяпти, банкларда эса бундай имконият деярли йук. Суғурта компанияларига қелиб тушадиган бадаллар ва активлар ҳисобидан ҳосил бўлган маблағларни турли кўринишдаги инвестицияларга йуналтириш, ҳомийлик ва бошқа даромадлар суғурта компанияларининг инвестицияга йуналтираётган маблағлари ҳажмини ошириш имконини бермоқда ва кредит бозорида суғурта компанияларининг маблағларига талаб ошиб бормоқда.

Суғурта бозорининг бозор иқтисодиёти шароитида ривожланиб боришига бирқанча омиллар таъсир этишини юқорида кўрсатиб ўтилди. Суғурта бозори давлат томонидан бошқарилиб ва назорат қилиб турилиши зарур. Ушбу

хулосага ривожланган мамлакатлар суғурта бозорларини таҳлил қилиш натижасида келинди. Суғурта бозорида давлат қонунларининг бузилишини назорат этиши, давлат томонидан олиб борилаётган суғурта сиёсатининг суғурта компаниялари томонидан қандай амалга оширилаётганлигини, суғурта тарифларининг қанчалик давлат белгилаган меъёрларга туғри келишини, уларнинг бозор талабига мослаштириб борилаётганлигини назорат қилиб бориши лозим.


1.2. Суғурта фаолиятининг Ўзбекистон иқтисодиётида тутган ўрни

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта назорати давлат инспекциясининг маълумотларига кўра, 2015 йил I чорак якуни ҳолатига Ўзбекистон суғурта ташкилотларининг умумий сони 31 тани ташкил этди, уларнинг устав жамғармалари сўмдаги миқдори 372 069,5 млн. сўм, АҚШ долларида 64,3 млн. АҚШ долларини ташкил этди²⁴. Устав капиталининг сўмдаги қиймати ўтган молия йилининг худди шу даврига нисбатан 128 фоизга ўсган, АҚШ долларидаги ҳажми ўзгаришсиз қолган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорида равишда суғурта мукофотлар умумий тушуми йиғиндиси ўсиб бориши билан бирга, унинг ЯИМдаги улуши ҳамда суғурта тўловларининг ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Мамлақтимизда 2009 йилдан бошлаб суғурта бозорида актуар ташкилотлар фаолияти ташкил этилди.

Оҳирги йиллар давомида аҳолининг суғуртага бўлган муносабатлари тобора яхшиланиб, фуқароларнинг суғурталовчиларга бўлган ишончи ортиб, суғурта ишига жиддий ёндошилмоқда. Республикамиздаги суғурта компаниялари ходимлари профессионалликлари ҳам сезиларли даражада ошди. 1-расмда Ўзбекистон суғурта бозорининг замонавий жорий ҳолати келтирилган.

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг www.mf.uz –интернет саҳифаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Мамлакатимиз миллий суғурта бозорида фаолият кўрсатаётган суғурта компаниялари суғурта фаолиятининг маълум тармоғига ихтисослашиш билан бир вақтнинг ўзида универсал фаолиятни ҳам олиб бормоқдалар. Йилдан йилга суғурта ташкилотларининг фаолият доираларини янада кенгайтириш ҳамда барқарор фаолият юритишлари учун давлат томонидан уларнинг устав капиталлари тегишли меърий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида оширилиб борилмоқда. (1-жадвал).



1 - Расм. Ўзбекистон суғурта бозорини тузилиши ²⁵

Бу каби ислохотларни амалга оширишдан асосий мақсад, мамлакатимизда ривожланаётган суғурта бозорининг суғурта маҳсулотларини ассортиментини кўпайтириш, барқарорлиги таъминлаш билан мутаносиб равишда аҳолида суғурта маҳсулотларига нисбатан маданиятни оширишдан иборатдир.

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг www.mf.uz –интернет саҳифаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Ҳозирги кунда мамлакат суғурта бозорида фаолият кўрсатаётган суғурта компанияларининг активлари ҳам турлича. Давлат суғурта компанияларининг устав капиталлари ва жами активлари бошқа суғурта компаниялариникидан сезиларли даражада кўп, ҳамда уларнинг таъсисчилари давлат идоралари ва ташкилотлари бўлганлиги учун уларга бўлган суғурталанувчилар ишончи юқоридир, улар томонидан 2014 йилда йиғиб олинган суғурта мукофотлари жами суғурта мукофотларининг 42,3 фоизини ташкил этди.

1- жадвал

Ўзбекистон Республикасида суғурталовчилар учун устав капиталининг энг кам миқдори минимал миқдорларининг йиллар бўйича ўзгариши²⁶

Суғурта тармоқлари / йиллар	2003 йил 1 августдан (минг АҚШ долл.)	2008 йил 1 январидан (минг АҚШ долл.)	2010 йил 1 январидан (минг евро)	2012 йил 1 июлдан (минг евро)	2014 йил 1 июлдан (минг евро)
Умумий суғурта	150	500	750	1 125	1 500
Ҳаёт суғуртаси	250	750	1 000	1 500	2 000
Мажбурий суғурта	500	1 000	1 500	2 250	3 000
Фақат қайта суғурта	2000	3 000	4 000	5 000	6 000

Миллий суғурта бозорининг юқори концентрация даражаси 2007 йилда йиғилган суғурта мукофотлари миқдорида кўринган. 2007 йилда йиғилган жами суғурта мукофотларининг 73,3 фоизи бешта - “Ўзбекинвест”, “Ўзагросуғурта”, “Uvt-Inshurans”, “Standart Inshurans Group” ва “Кафолат” суғурта компаниялари ҳиссасига тўғри келди. Бундай кўрсаткич суғурта бозоридаги соғлом рақобат муҳитининг яратилишига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатлардан биридир. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда монополия юзага келишининг олдини олиш мақсадида бир

²⁶ “Ўзбекистон Суғурта бозори” Х. Шеннаев Т.:Иқтисодиёт-Молия 2013 й 24, 52 бетлар

тармоқда фаолият кўрсатувчи компаниялар сони камида ўн ва ундан ортиқ бўлиб, ушбу бозордаги бир компаниянинг суғурта хизматлари кўрсатиш бўйича ҳиссаси 31 фоиздан ошмаслиги, икки компаниянинг ҳиссаси 44 фоиздан ошмаслиги, учта компаниянинг ҳиссаси 54 фоиздан ошмаслиги ва тўртта компания улуши эса 64 фоиздан ошмаслиги керак.

Ушбу нисбат бузилганда мазкур компанияларга нисбатан давлат иқтисодий санкциялар қўллаиди ва уларнинг ушбу бозордаги иштирокини чегаралаб қўяди. 2012 йилга келиб эса «кучли бешлик» “Ўзагросуғурта”, “Ўзбекинвест”, «Asia Inshurans», “Кафолат” ва “Transinsurance Plus” зиммасига йигилган суғурта мукофотларининг 56,7 фоизи тўғри келган. Суғурта мукофотининг бундай жамланиш даражасининг 2007 йилдагига нисбатан пасайиши мамлакатнинг суғурта бозорида рақобат кучайганлигидан дарак беради. Миллий суғурта бозорларидаги муҳим кўрсаткичлардан яна бири маълум мамлакат миллий суғурта бозоридаги суғурта мукофотларининг ушбу мамлакат аҳолисининг сонига нисбати кўрсаткичидир. Ушбу кўрсаткич асосида мамлакат аҳолиси ўртасида суғурта хизматларининг қанчалик оммалашганлигини билиш мумкин. Суғурта мукофотларининг ялпи миллий маҳсулотдаги улуши кўрсаткичининг ўсиш суръатига нисбатан бу кўрсаткичнинг ўсиш суръати бирмунча юқори эканлигини кўриш мумкин. Ривожланган мамлакатлардаги ушбу кўрсаткич билан таққосланганда киши бошига тўғри келаётган суғурта мукофотлари миқдори мамлакатимизда кичик миқдорни ташкил этмоқда (2012 й. - 10 992 сўм, 2014 й.- 14 638 сўм), чунки бу кўрсаткич АҚШда 2000 АҚШ доллари, Японияда 4000 АҚШ доллари, Европа мамлакатларида ўртача 1600 АҚШ долларини ташкил этади.

Ўзбекистон суғурта компаниялари капиталлашуви талаб даражасида эмаслиги, миллий қайта суғурталаш бозорини ривожлантиришга кам эътибор берилаётганлиги, қайта суғурталашга хорижий суғурта компаниялари жалб этилишига сабаб бўлмоқда

Ўзбекистон Республикасида суғурта бозори ривожланишининг асосий кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси (Суғурта мукофотлари ва суғурта тўловларида 2006 йил кўрсаткичи шартли равишда юзга тенг деб олинган)²⁷

Кўрсаткичлар	Йиллар							
	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2014
Суғурта ташкилотлари сони, жами	25	29	31	32	33	37	33	31
шу жумладан:								
умумий суғурта ташкилотлари	23	27	29	29	30	34	31	29
Ҳаёт суғурта ташкилотлари	1	1	1	2	2	2	2	2
қайта суғурталовчи ташкилотлар	1	1	1	1	1	1	-	-
Ихтисослаштирилган брокерлар	2	2	3	3	3	3	3	4
Актуар ташкилотлар	-	-	-	1	2	2	2	2
Суғурта мукофотлари, %	100,0	148,1	119,7	166,0	120,1	132,0	135,0	192,88
Суғурта мукофотларининг ЯИМдаги улуши, %	0,24	0,26	0,24	0,3	0,28	0,26	0,29	
Суғурта тўловлари, %	100,0	126,1	178,2	133,5	133,3	163,4	103,0	148,9

Мамлакатимиз суғурта бозорида ахборотлар тизимининг тараққий этмаганлиги натижасида суғурталанувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан уларнинг талабига мос, молиявий барқарор ва тўловга лаёқатли суғурта компанияларини танлаш имкониятлари чегараланиб қолмоқда. Мамлакатимизда ҳаёт суғуртасининг ҳиссаси энг кичик кўрсаткичга эга бўлиб, 2007 йилда ушбу кўрсаткич 0,3 фоизни ташкил этди. Ушбу ҳолатнинг қўйидаги сабаблари мавжуд: ушбу тармоқда фаолият кўрсатаётган суғурта

²⁷ Давлат суғурта назорат инспекциясининг йиллик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

компанияларининг сон жиҳатидан камлиги ва уларда малакали кадрларнинг етишмаслиги, инфляция даражасининг нисбатан юқорилиги, аҳоли тўлов қобилиятининг пастлиги ва компанияларга бўлган ишончсизликнинг мавжудлигидир.

Республика суғурта бозорида тузилмавий сиёсатнинг асосий жиҳати ихтиёрий ва мажбурий суғурта турлари ўртасидаги нисбатни мақбуллаштиришдан иборатдир. Бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бозор муносабатларининг тикланиши ва суғурта маданиятининг паст даражаси шароитида мажбурий суғурта турларини амалга ошириш муқаррардир, бундай шароитда мажбурий суғурта турларини амалга ошириш бозор капиталлашувини тезлаштиришга хизмат қилади. Суғурта мукофотлари тақсимотининг таҳлили маҳаллий суғуртачиларнинг суғурта портфелида асосий ўринни ихтиёрий суғурта турлари эгаллаганлигини кўрсатмоқда. Тараққий этган мамлакатлар тажрибасига кўра, мажбурий суғуртанинг улуши ўртача 30 фоизни ташкил этиши керак.

Суғурта фаолиятининг моҳияти суғуртачи ва суғурталанувчи ўртасида суғурта шартномаси тузилгандан кейин шартномада кўзда тутилган ҳолатлар юз берганда суғурталанувчининг кўрган зарарини суғуртачи томонидан қоплаб берилишидан иборатдир. Йиғилган маблағларнинг аксарият қисми ушбу мақсадларга сарф қилиниши керак. Мамлакатимиз суғурта компаниялари томонидан йиғилган суғурта мукофотларининг мақсадга йўналтириш ҳолатини 2-жадвал орқали кузатиш мумкин.

Юқоридаги маълумотларга асосан маълум бўладики кўриниб турибдики, йиғилган суғурта мукофотлари ҳисобидан тўлаб берилган суғурта қопламалари миқдори кичик ҳажмни ташкил этиб, ушбу нисбат таҳлил қилинаётган давр давомида ўртача 16,6 фоизни ташкил этади. Ушбу кўрсаткич 2011 йилда Россияда 53,7 фоизни ташкил қилган бўлса, бошқа ривожланган Америка, Япония ва Европа мамлакатларида 70-90 фоизни ташкил этади.

**Ўзбекистонда суғурта компанияларининг умумий суғурта
мукофотлари таркибий тузилмаси, фоизда²⁸**

Суғурта компаниялари	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2014
“Ўзбекинвест” ЭИМСК	23,6	22,3	10,1	13,9	13,6	13,8	15,1	18,9
“Ўзагросуғурта” ДАСК	19,6	18,5	20,5	18,6	16,5	16,2	17,7	13,8
“Кафолат” ДАСК	6,8	6,6	7,2	6,9	6,8	7,2	7,3	9,6
“Мадад” СА	0,6	0,7	1,0	0,5	0,5	0,4	0,2	0,4
“Капитал Суғурта” ОАЖ	1,0	2,7	4,9	5,2	4,8	5,1	4,8	6
“ALFA INVEST” ЁАЖ	1,5	1,9	3,0	5,8	5,4	5,1	3,7	5,8
“Ишонч” СК	1,2	1,2	2,3	1,1	0,9	1,0	1,2	1,2
“Алском” СК	2,9	2,8	3,5	4,0	4,1	4,2	4,6	5,6
“Standart Inshurans Group” СК	16,5	12,7	0,4	0,5	0,8	1,0	----	----
“TransInsurance Plus” СК	----	1,7	2,8	2,4	3,0	5,5	6,5	----
“Uvt insurans” ШК СК	14,9	13,2	11,0	8,5	10,0	6,1	4,9	3,9
“Asia Inshurans” СК	2,4	2,8	3,4	4,0	5,0	8,4	10,2	5,2
Таҳлил қилинаётган компанияларнинг умумий бозор ҳажмидаги улуши	91,0	87,0	70,1	71,4	71,4	74,0	76,2	65

Миллий суғурта бозорида суғурта ташкилотларини қўллаб қувватлаш мақсадида давлат томонидан уш молия институтларига катта этибор берилмоқда. Бунга яққол мисол қилиб, Президентимизнинг 2002 йил 31 январдаги “Суғурта бозорини янада ривожлантириш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари туғрисида” ги фармонида биноан суғурта компаниялари мулк шаклидан катъий назар 3 йил муддатга даромад (фойда) солиғи тулашдан озод килинганлиги ва шунинг хисобидан ҳосил бўлган пул маблағлари суғурта компанияларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, минтақаларда агентлик тармоқларини ташкил қилишга, ҳамда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга сарфланиши кераклиги аниқ белгилаб қуйилганлиги диққатга

²⁸ Давлат суғурта назорат инспекцияси, UzReport.com ва суғурта компаниялари маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоблари.

сазovor булди. Ушбу ўтган уч йил давомида Ўзбекистондаги суғурта компаниялари ўзларини моддий жихатдан анчагина тиклаб олганликларини Ўзбекистон Республикаси суғурта ташкилотларининг ялпи низом сармояси 2007 йилнинг захирида 21,8 млрд. сўми ва 67,3 млн. АҚШ долларини ташкил этганлигини, бу курсаткич 2003 йилда 62,3 млн. АҚШ долларида иборат бўлганлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Президентининг юқоридаги фармони асосида 1997 йилдаги “Товарлар экспортини қўллаб-қувватлашнинг қушимча тадбирлари” тўғрисидаги фармонига ўзгартириш киритилиб, 2002 йил 1 февралдан бошлаб хўжалик субъектлари валютага экспорт қилаётган товарларни сотиб олувчининг банки кафиллиги ёки суғурта полиси булган тақдирда олдиндан тўловларсиз сотишга рухсат берилгандан кейин, экспорт контрактларини сиёсий ва тижорат рискларидан суғурталаш турига бўлган талаб бирмунча ошди. Бундай суғурта маҳсулотларини аксарият қисмини экспортчиларимиз учун “Ўзбекинвест” компанияси амалга ошириб келмоқда.

Ҳозирги кунда республика суғурта тизимида фаолият кўрсатаётган турли мулкчилик шаклидаги суғурта компанияларининг активлари ҳам турличадир. Бу компаниялар ичида давлат суғурта компанияларининг салмоғи каттадир. Давлат суғурта компанияларининг активлари ва суғурта жамғармалари бошқа фаолият юритувчи суғурта компанияларидан сезиларли даражада устун. Бундан ташқари уларнинг таъсис муассасалари давлат идоралари бўлганлиги учун уларга бўлган ишонч ўз-ўзидан анча юқоридир. Ҳозирда республикада 1 та йирик давлат суғурта компанияси «Ўзбекинвест» ЭИМСК, ҳамда давлат улушига эга булган “Кафолат” ДАСК, “Ўзагросуғурта” ДАСК ва “Мадад” СА ва “Ишонч” суғурта компаниялари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу компаниялар Президентнинг ташаббуси ва фармонлари, ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ташкил этилиб, улар мижозларга суғурта хизматларини тақлиф этиб келмоқдалар.

Суғурта компаниялари инвестиция соҳасида икки йуналишда фаолият злиб борадилар, биринчиси инвесторларга улар томонидан инвестицияга

Луналтирилган маблагларни суғуртавий химоялаш булса. иккинчидан узларининг инвестор сифатидаги фаолиятдан иборатдир. Шунинг учун ҳам суғурта компаниялари инвестиция соҳасининг муҳим унсурларидан шисобланади.

Суғурта компанияларининг инвестор сифатидаги фаолиятига тўхталадиган бўлсак, улар ихтиёрида суғурта шартномасининг амал қилиши мобайнида қушимча даромад олиш мақсадида инвестициялаш мумкин булган, вақтинчалик мажбуриятдан ҳоли бўлган маълум миқдордаги буш маблаглар тўпланади. Суғурталовчилар бу маблагларни қушимча даромад олиш мақсадида турли объектларга инвестиция қилишлари мумкин. Суғурта компаниялари инвестиция маблагларини юқори даромадли, ишончли манбаларга жойлаштириш орқали ўз маблагларининг қувватлилигини ошириб, иқтисодий салоҳиятини кучайтиради.

Ўзбекистон республикаси Молия вазирлигининг 2006 йил 8 февралдаги 10 сонли буйруғи асосида тасдиқланган низомга кўра суғурта компанияси ўз маблагларини қуйидагиларга йуналтириши мумкин:

- давлат қимматли қоғозларига;
- корпоратив облигацияларга;
- акционерлик жамиятларининг қимматли қоғозларига;
- банкларнинг депозитларига;
- кўчмас мулкларга;
- суғурта полислари билан таъминланган займларга;
- улушдош сифатида қатнашишга.

Ушбу соҳалардан олинган даромадлар суғурта компанияларининг суғурта захираларини шакллантириш орқали харажатлар қисмини қоплашда фойда олиш манбаи бўлиб хизмат қилади, шу билан бирга инфляция ўсишини камайитириб, иқтисодиётнинг барқарорлашишига ижобий таъсир кўрсатади.

Суғурта компанияларининг инвестицион имкониятларини қуйидаги эмиллар белгилайди:

1. Мижозлар сони ва суғурта муқофоти ҳажмига боғлиқ бўлган

вақтинчалик бўш маблағлар миқдори.

2. Маблағлардан фойдаланиш мумкин бўлган муддатлар.

Суғурта қилувчилар томонидан молиявий ресурсларининг тўпланиши суғуртани фаол инвестиция сиёсати йўли билан иқтисодий ривожлантиришнинг асосий омилига айлантиради. Суғурта компаниялари томонидан инвестицияга йуналтириладиган маблағларга қуйидагилар киради:

- компанияларнинг ўз маблағлари;
- жалб қилинган маблағлар;
- вақтинчалик бўш бўлган маблағлар;
- суғурта захиралари;
- бошқа маблағлар.

Суғурта компанияси инвестиция портфелининг таркиби унинг молиявий барқарорлигини таъминлаши лозим ва у одатда давлат суғурта назорати меъёрлари билан белгиланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида суғурта компаниялари ҳам ўз - маблағларини фойда берадиган соҳаларга йуналтириб банклар билан рақобатлашадиган тизим барпо қилганликлари туфайли Республика молия бозорининг фаол иштирокчиларига айланиб бормокда.

Суғурта компаниясининг инвестиция портфели таркибини тартибга солиш одатда киритилган маблағларнинг турлари бўйича минимум ва максимумни белгилаш орқали амалга оширилади. Дунёнинг етакчи суғурта компаниялари тажрибаларига кўра, компаниялар инвестиция портфелининг кўчмас мулкларга ва корхоналар устав капиталларига инвестициялари 15 фоиз, қимматли қоғозларга инвестициялари 25-60 фоиз, тижорат банклари депозитларига қўйган маблағлари 1-12 фоиздан ошмайди.

Юқоридаги ҳолатни мамалакатимиздаги суғурта компанияларининг инвестиция таркиби билан солиштирадиган бўлсак, компаниялар инвестиция портфелининг кўчмас мулкларга ва корхоналар устав капиталларига инвестициялари миқдори сезиларли даражада кам, яъни бу курсаткичлар 2013 йилда мос равишда 3,7 ва 5 фоизни ташкил этганлигини куриш мумкин.

Вахоланки мамлакатимизда уз эгасини топа олмаётган канча кучмас мулклар ва етарлича устав капиталини туплай олмаётган корхоналар мавжуд.

Қуйидаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2014 йилда 2003 йилга нисбатан банк депозитларига йўналтирилган инвестициялар саккиз баробар ошганлигини маълум бўлади. Жадвалдаги рақамлар шуни маълум қиладики, барча инвестиция йўналишлари бўйича катта ўсиш суръатларига эришилган, бошқа инвестицияларни бундан мустасно. Бу кўрсаткич шуни англатадики, инвестициялар йўналишлари йилдан йилга ўзининг аниқ йўналишларини топмокда. (4 - жадвал).

Жадвални тахлил қилган ҳолда инвестиция фаолияти бўйича қуйидаги ҳулосаларни билдирамиз:

1.Суғурта компаниялари инвестиция портфелининг кўп қисмини бошқа инвестиция объектларига нисбатан ликвидлиги юқори бўлганлиги учун тижорат банкларига қуйилган депозитлар ташкил этади. Лекин, бугунги кунга келиб тижорат банкларига қуйилаётган депозит маблағларининг фоизлари даражаси тушиб кетди. Шунинг учун инвестиция маблағларини ликвидли ва юқори даромад берадиган облигацияларга жойлаштириш мақсадга мувофиқдир.

2. Малакатимизда молия бозори тўлақонли яратилмаганлиги, айниқса қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозори яхши ривожланмаганлиги суғурта компанияларининг инвестиция фаолиятини чеклаб қуймокда. Ушбу бозорни ривожлантириш молия бозорининг ривожланишига ва ўз ўрнида суғурта компанияларининг инвестицион фаолиятининг кенгайишига олиб келади

4-жадвал

Суғурталовчилар томонидан амалга оширилган инвестициялар²⁹ (млн. сумда)

Инвестициялар, шу жумладан:	2003	2005	2007	2013	2014
Банк депозитлари	36 356,1	49 296,4	71 199,2	237922,2	293 908,4
Қимматли қоғозлар	86 983,1	108 119,0	122 206,1	234068,7	250 559,8
Займлар		132,9	605,6	4 945,8	6 697,0
Кўчмас мулкни сотиб олиниши	103,9	9,6	419,4	19 199,0	27 845,7
Корхоналар низом жамғармасида қатнашиш	802,1	1 915,5	6 661,8	26 337,1	43 523,9
Бошқалар	2 242,5	4 163,9	6 847,7	4 194,3	1 178,7
Жами инвестициялар	126 487,7	163 637,2	207 939,8	526667,1	623 713,5

3. Ҳозирги кунда суғурта компаниялари ўз маблағларини туғридан-туғри қимматли қоғозларга жойлаштириш имкониятига эга эмас. Суғурта компанияларига дилерлар иштирокисиз бевосита қимматли қоғозларни сотиб олиш учун шарт-шароит яратиш мақсадида қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатидаги фаолиятини йулга қуйиш зарур (2008 йилда “Суғурта фаолияти туғрисида”ги қонунга киритилган ўзгартириш асосида бунинг ҳукукий асоси яратилди.).

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, суғурта компаниялари инвестиция фаолиятини янада кенгайтириш учун республикада ҳаёт суғуртасини ривожлантиришга эътиборни қаратиш керак. Бу кўрсаткичнинг салмоғи умумий суғурта хизматлари салмоғида жуда паст бўлиб, статистик маълумотларга эътибор қиладиган бўлсак, 2003 йилда ҳаёт суғуртаси буйича

²⁹ Молия вазирлиги қошидаги суғурта назорати давлат инспекцияси маълумоти асосида муаллиф томонидан тайёрланган

йигилган суғурта бадаллари микдори умумий бадаллар микдорига нисбатан 0,2 фоизни ташкил этганлигини, 2007 йилда 0,3 фоиз, 2014 йилда эса аввалги даврларга нисбатан сезиларли ўсиб 4,3 фоизни ташкил этганини кўришимиз мумкин. Шунини алоҳида такидлаш лозимки, суғурта фаолияти ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 65 фоизгача етади. Инвестиция учун йуналтириладиган маблағларнинг асосий қисми айнан шу суғурта тури маблағларидан ташкил топишини эътиборга оладиган бўлсак, бу суғурта турини ривожлантириш қанчалик зарур эканлигини англаш мумкин.

1.3. Суғурта фаолиятини ривожлантиришда, ривожланган хориж давлатларининг суғурта фаолиятидаги тажрибаларидан фойдаланиш

Суғурта соҳаси ҳар қандай иқтисодий тизимнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнларининг узлуксиз боришини таъминлайди ҳамда иқтисодий ривожланишга инвестиция қўйилмаларининг муҳим манбаи бўлиб хизмат қилади. Жаҳон тажрибаси шунини кўрсатмоқдаки, суғурта соҳасининг ресурслари ўз ҳажми жиҳатидан фақат банк ресурсларидангина кам бўлиб, бир қатор мамлакатларда улар ЯИМ нинг 13-15 фоизини (5-жадвал) ташкил қилади.

Шу билан бирга, бу соҳа интеграция алоқаларини мустаҳкамлаш, ҳамда янги табиий, техноген, сиёсий ва бошқа хавфлар вужудга келиши билан боғлиқ глобал иқтисодий жараёнлар жадал ривожланаётган соҳалардан биридир. Суғурта сектори маълум ижтимоий вазифани бажаргани ҳолда, деярли барча меҳнатга лаёқатли аҳолини - тадбиркорлик сектори ва уй хўжалигини қамраб олади, бу эса унинг муаммоларини тадқиқ этиш масаласининг ўта долзарблигини белгилаб беради.

Мамлакатлар иқтисодиётида суғуртанинг ўрни йиғиладиган суғурта бадалларининг ЯИМга нисбати ва суғурта компаниялари инвестицияларининг ЯИМга нисбати билан белгиланади.

Суғурта мукофотларининг давлатлар ЯИМ даги улуши, %³⁰

Давлатлар	Йиллар						
	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2014
АҚШ	8,80	8,90	8,70	8,00	7,90	8,17	8,18
Канада	7,00	7,00	7,00	7,40	7,30	6,79	6,74
Буюк Британия	16,50	15,70	15,70	12,90	12,40	11,40	11,27
Франция	11,00	10,30	9,20	10,30	10,50	9,48	8,92
Россия	2,30	2,40	2,30	2,50	2,30	2,33	1,33
Япония	10,50	9,60	9,80	9,90	10,10	10,74	11,44
Жанубий Корея	11,10	11,80	11,80	10,40	11,20	11,18	12,12
Хиндистон	4,80	4,70	4,60	5,20	5,10	4,23	3,98
БАА	1,70	1,90	2,00	2,50	2,10	1,92	1,98
Ўзбекистон	0,24	0,26	0,24	0,30	0,28	0,26	0,29
ЖАР	16,00	15,30	15,30	12,90	14,80	12,99	14,16
Марокаш	2,90	3,40	2,90	2,80	2,80	2,86	2,95

Ўзбекистонда суғурта мукофотларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2006-2014 йилларда барқарор сақланиб, ўртача 0,28 фоизни ташкил этди. Суғурта бозори ривожланган мамлакатларда эса, бу кўрсаткич ўртача 6-10 фоизни ташкил этади.

Суғурта мукофотлар тушумининг қитъалар бўйича ўзгариш босқичларини кўриб чиқадиган бўлсак, бунда 2008 йилги жаҳон молиявий инқирозигача бўлган даврда ривожланиш яққол кўзга ташланади, инқироздан кейинги даврда ўсиш суръатлари бирмунча пасайди, Осиё қитъасида жаҳон молиявий инқирози оқибатлари катта йўқотишларга олиб келмади. Бундай ўсиш тенденциясини Ўзбекистон суғурта бозори мисолида ҳам кўришимиз мумкин, айниқса инқирознинг иккинчи йилида (2009 й.) суғурта бозорида энг катта кўрсаткич 166% га ўсишга эришилди. Суғурта мукофотининг 2009 йилда катта суръатларда ўсиши мажбурий суғуртанинг амалдаги турлари ислоҳ қилинганлиги ҳамда янги турлари жорий этилганлиги туфайли суғуртанинг мажбурий турлари бўйича суғурта мукофотлари хажми ошганлиги билан изоҳланади.

³⁰ SwissRe ташкилотининг SIGMA журнали ва Давлат суғурта назорати инспекцияси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Ўзбекистоннинг ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтиши ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодийни модернизациялашда хўжалик субъектлари ва барча иқтисодий жабҳаларнинг хавфсиз фаолият юритишларини таъминловчи омил сифатида миллий суғурта бозорини ривожлантириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматининг суғурта хизматлари бозорини чуқурлаштириш, ривожлантириш ва ислоҳ қилишга оид чора-тадбирлар юзасидан қабул қилган қарорлари натижасида 2006 йилда мамлакат суғурта бозорида 27 та суғурта компанияси хизмат кўрсатган бўлса, 2011 йилга келиб уларнинг сони 37 тага етди, жумладан, иккитаси ҳаётни суғурталаш, 34 таси умумий суғурта, биттаси қайта суғурталаш фаолияти билан шуғулланган. 2015 йил апрел ойи ҳолатига 31 та суғурта ташкилоти фаолият юритиб, ундан 28 таси умумий суғурта, 3 таси ҳаётни суғурталовчиларга тўғри келади.

6-жадвал.

Суғурта мукофотларининг ўзгариш динамикаси, % (2006 йил кўрсаткичи шартли равишда юзга тенг деб олинган)³¹

Қитъалар	Йиллар						
	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Америка	100,0	106,5	101,5	93,7	103,8	106,6	104,3
Европа	100,0	118,5	96,6	95,1	100,4	102,5	94,4
Осиё	100,0	108,5	115,0	107,8	114,5	109,4	105,3
Океания	100,0	118,3	113,0	85,8	123,3	118,9	102,2
Африка	100,0	105,2	99,4	94,1	116,1	109,1	103,8
Бутун жаҳон бўйича ўрта ҳисобда	-----	111,4	105,1	95,3	111,6	109,3	102,0
Ўзбекистон	100,0	148,0	118,3	166,0	120,1	132,0	135,0

³¹ SwissRe ташкилотининг SIGMA журнали ва Давлат суғурта назорат инспекцияси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат суғурта назорат инспекциясининг “2013 йил учун суғуртага оид фаолиятни тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича йиллик ҳисобот”ига асосан 2013 йилда келиб эса 31 та компания, улардан, икkitаси ҳаётни суғурталаш, 29 таси умумий суғурта. Шунингдек, суғурта бозорида 4 та суғурта брокери, 2 та актуарий ташкилоти, 18 та ассистанс, аджастер ва сюрвейер ташкилотлар, 5,5 мингдан ортиқ суғурта агентлари фаолият олиб бормокда. Ҳаёт суғуртаси тармоғида тўрт класс бўйича, умумий суғурта тармоғида 17 класс бўйича хизмат турлари таклиф қилинмокда.³²

Дунё мамлакатларида амал қилувчи суғурта бозорлари мураккаб интеграциялашган тизим бўлиб, у ўз ичига турли ташкилий қисмларни олади. Умумий ҳолда уни қўйидагича тасвирлаш мумкин (2-расм).

Жаҳон суғурта бозорида катта молиявий имкониятга эга бўлган АҚШ суғурта компаниялари молиявий барқарор ва дунё миқёсида фаолият кўрсатадиган суғурта компаниялари ҳисобланади. Америка суғурта монополиялари индустриал жиҳатдан ривожланган мамлакатлар тизимининг тахминан 50 фоизини бошқаради. АҚШда 8000 дан зиёд мулкӣ суғуртага ва 2000 га яқин ҳаёт суғуртасига ихтисослашган компаниялар фаолият кўрсатмокда. Ҳар бир штат ўзининг суғурта қонунчилигига ва назорат органига эга. Суғурта фаолиятини назорат қилиш федерал даражада умумий тартибга солувчи ва назорат қилувчи орган суғурта комиссарлари миллий ассоциацияси томонидан амалга оширилади. Ҳар бир штат капиталнинг минимал даражасига, таклиф этилаётган суғурта турларига ўз талабларини қўяди, назоратдаги суғурта компанияларини тафтиш қилади, ушбу компанияларга, суғурта агентликлари ва брокерлик ташкилотларига лицензия бериш орқали суғурта фаолиятини умумий назорат қилади.

Бундан ташқари АҚШда 2 турдаги суғурта компаниялари фаолият юритади: Акциадорлик жамиятлари ва ўзаро суғурталаш жамиятлари. Давлат

³² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27 ноябр 2002 йилдаги №413-сонли “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорининг “Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг фаолиятини лицензиялаш тартиби” тўғрисидаги низомига №1 Илова

суғурта ташкилотлари мавжуд эмас. Андеррайтерлар ва суғурта брокерлари фаолияти кенг ривожланган. Барча суғурта компаниялари бўйича ташкил қилинган маълумотларнинг электрон банки мавжуд бўлиб, ушбу электрон банкнинг мавжудлиги қалтисликлар бўйича, суғурта мукофотлари қиймати бўйича маълумотларни умумлаштириш имконини беради.

АҚШ да суғурта компанияларининг самарадорлик даражасига уларнинг даромади ошиши ёки пасайиши, фойда коэффициенти, инвестициялар бўйича дебиторлик қарзларига қараб баҳо берилади.

АҚШ миллий суғурта бозорида ва халқаро бозорда фаолият кўрсатаётган Американинг йирик суғурта компанияси “Американ интернэшнл групп” ёки “АИГ” нефт, газ, химия ва фармацевтика саноатини турли табиий, иқтисодий ва ишлаб чиқариш ходисаларидан суғурталашни амалга ошириб келмоқда. Компания халқаро суғурта бозорида ҳам фаол иштирок этаётганлигини унинг 130 та бўлимлари дунёнинг турли мамлакатларида фаолият кўрсатиб, катта миқдордаги суғурта бадалларини йиғишга муяссар бўлаётганлигида ҳам куриш мумкин. Бу суғурта компанияси Ўзбекистон суғурта бозорида ҳам фаол иштирок этиб, унинг бу иштироки 1994 йилда “Ўзбекинвест” компанияси билан биргаликда “Ўзбекинвест интернэшнл” қўшма суғурта компаниясини ташкил қилиш билан бошланган эди.

Кўпгина мамлакатларда қишлоқ хўжалигида кўрилган йирик зарарларни ҳукумат томонидан қоплаб беришдан чекиниб, бунда суғуртадан восита сифатида фойдаланишни афзал курмоқдалар. Бунда қайси мамлакат тажрибасидан фойдаланиш керак деган саволга жавоб бериш учун бир рақамга эътиборни қаратмоқ керак, яъни дунё суғурта бозоридаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта суғурталашдан олинаётган ўртача 8млрд. АҚШ доллари миқдоридаги маблағнинг 5,5 млрд. АҚШ долларини, яъни 69 фоизини Шимолий Америка хиссасига тўғри келаётганлигини таҳлил қилиш кифоядир. Шунинг учун асосий эътибор Америка ва Канада бозорларига қаратилиши лозим.

Ҳозирда Шимолий Америкада полисларнинг уч тури таклиф қилинмоқда: мултириск, дўлдан суғурталаш ва айрим экин турлари суғуртаси. Мултириск суғуртаси суғурта мукофотлари умумий суғурта мукофотининг асосий қисмини ташкил этади ва қишлоқ хўжалик экинларига барча турдаги табиий офатлар (шу билан бирга қурғоқчилик ва сув босиши) етказган зарарларни қоплаб беради. Дўлдан суғурталаш - дўл етказган зарарларни қоплаб беради. Айрим экин турлари суғуртаси айрим экин турларига нисбатан қўлланилиб, бунда айрим ходисалар кўзда тутилади. Қайси экин тури ва қайси ходисаларни суғурталаш ҳар бир ҳудуднинг табиий хусусиятидан ва доимий экиладиган экин турларидан келиб чиқиб белгиланади.


Бу суғурта маҳсулотларининг энг асосий фарқли томонлари шундаки, мултириск Америкада федерал ҳукумат томонидан субсидияланади, Канадада эса федерал ҳукумат ва провинция ҳукумати томонидан субсидияланади. Хизматлар тижорат суғурта компаниялари томонидан кўрсатилганлигига қарамасдан суғурта шартномалари ва тарифлари давлат органлари томонидан назорат қилинади.

Буюк Британияда энг эркин суғурта тизими барпо этилган. Бу ерда ҳаттоки, суғурта компанияларини назорат қиладиган махсус орган ҳам йўқ. Назорат саноат департаменти томонидан амалга оширилади. Суғурта бадалларини ўрнатиш ва суғурта қилиш қоидалари эркинлигига қарамасдан, кўрсатилаётган хизмат сифати бошқа мамлакатлардагидан анча юқори, нархлари эса, паст даражада.

Англияда суғурта компанияларининг энг йирик вакили “Ллойд” суғурта корпорацияси бўлиб, бу корпорация хусусий компания сифатида дастлаб мамлакатнинг ичида ўзининг суғурта бўйича салоҳиятини ошириб борган. Жумладан суғурталашнинг турли соҳаларига ихтисослашиб, миллий суғурта бозорида суғурталанувчиларга суғурта хизматларини курсатиб, айнан ички бозорда уз миждозларини купайтира бошлаган ва ҳозирги пайтга келиб қўплаб суғурта компаниялари ва хусусий суғуртачиларни ўзида бирлаштирган йирик корпорацияга айланди. Бу суғурта компаниясининг ўз ходимларига нисбатан

куядиган талаблари мавжуд. Улардан бири, бу ташкилотга фаолият юритмоқчи бўлган суғуртачи ўз хисобидан компания хисобига 3 минг фунт-стерлинг ўтказиши керак. Ушбу ходим компанияда иш бошлагандан кейин, агар иш фаолиятида компанияга ўзининг хатти-ҳаракати билан қандайдир зарар келтирса, у тўлаган пулдан ушбу зарар қопланади. Бу усул ходимларда ўз иши учун моддий жавобгарликни кучайтиради ва иш учун маъсулиятини оширади. Бироқ, Лондон бозорида ҳукмронлик қилувчи Lloyd's суғурта компанияси охириги йиллардаги қийинчиликлардан фақатгина жиддий ташкилий ислохотларни амалга ошириш билан чиқмоқда.

Англияда суғурта тизими дастлаб XVI-XVII асрларда шаклланиб, суғурта компаниялари миллий суғурта бозорида ва халқаро бозорда турли йуналишлар бўйича фаолият кўрсатиб келганлар. Улар ҳозирги даврда ҳам халқро суғурта бозорида пешқадамлик қилиб келмоқдалар. Англиянинг суғурта компаниялари дунёнинг турли мамлакатларида 600 дан ортиқ бўлимларига эга бўлиб, улар орқали хорижий фуқароларнинг миллиардлаб капитали Англия иқтисодиётига кириб келади.



2-расм. Хориж мамлакатларида суғурта бозорининг ташкилий тузилиши³³

³³ Қ.М. Қўлдошев «Суғурта бозорини ривожлантириш ва бошқариш муаммолари» мавзусида ёзилган иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация Автореферати. Тошкент -2009, 18-бет.

Хрзирги пайтда Англия суғурта компанияларининг 400 га якин филиали АҚШда, 100 га якин филиали Францияда ва 100 дан ортиқ филиали Швейцарияда фаолият кўрсатиб келмокда. Ўз ўрнида Англия суғурта тизими интернационаллашган бўлиб, бу мамлакатда 143 та хорижий суғурта компаниялари Англия эркин қонунлари асосида фаолият юритишмокда. Жумладан, “Ўзбекинвест” суғурта компанияси ҳам Англия суғурта тизимининг иштирокчиси бўлиб, у етакчи суғурта марказлари билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилиб келмокда. Бу республикамиз суғурта тизимининг ривожига келажакда катта тажриба ва фойда келтиради.

Англия суғурта компанияларининг инвестиция фаолияти буйича тажрибаларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Англияда ҳар бир суғурта ташкилоти инвестиция дастурларига эга. Молиявий бозорларнинг ривожланиши натижасида суғурта ташкилотларининг инвестиция сиёсатида жиддий ўзгаришлар юз берди. Шундай бўлишига қарамасдан, ҳозирги пайтда Англия суғурталовчилари ўз инвестиция фаолиятларини амалга оширишда ўтган асрнинг 40-йиллари охирида Лондон актуарийлар институтга томонидан ишлаб чиқилган тамойилларга асосланади. Унга кўра узок муддатли ҳаёт суғуртаси билан шуғулланувчи компаниялар қуйидаги тамойилларга риоя этишлари лозим:

- менежмент фаолиятининг мақсади капитални сақлашни кафолатлаган ҳолда, юқори даражада даромад олишдан иборат бўлиши лозим;

- компания маблағлари турли-туман объектларга жойлаштирилиши ва бунда иктисодий ва сиёсий омилларнинг салбий таъсирини мумкин бўлган даражада камайтиришни ҳисобга олиш;

- суғурта ташкилоти келгусида иктисодиётда ва сиёсатда эҳтимол тутилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ўз менежмент дастурларини ишлаб чиқиши лозим;

- суғурта ташкилотининг инвестиция фаолияти истиқболли иқтисодий ва ижтимоий лойихаларга мўлжалланган бўлиши зарур.³⁴

Германияда суғурта бозори давлат томонидан қаттиқ тартибга солинади. Унинг хос жиҳати шундаки, суғурта бизнеси йирик саноат капитали билан яқин алоқада. Капиталда ва бошқарувда ўзаро иштирок этиш кенг тус олган. Тахминан 50 нафар киши барча йирик немис суғурта компанияларини назорат қилади. Шунинг учун ҳам рақобат асосан сотиш тармоқлари ўртасида мавжуд.

Германия суғурта бозорида ҳукмронлик қилувчи компаниялардан бири «Allianz» холдингидир. У ҳаётни суғурталаш соҳасининг 42 фоизини ва бошқа суғурта соҳаларини 38 фоизини эгаллаб олган. «Allianz» оборотининг тахминан 55 фоизига яқини ички бозор, қолгани хорижий фаолият билан боғлиқ. Икки француз компаниялари «АХА Group» ва «ИАР» бирлашишидан олдин «Allianz» - Европадаги энг йирик суғурта компанияси эди.

«R+V Insurance AG» суғурта компанияси катталиги жиҳатидан Германияда иккинчи ўринда туради. Ушбу компания кооператив таркибга эга бўлиб у асосан қишлоқ аҳолиси ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини суғурталашга ихтисослашган.³⁵

Хорижий капиталга нисбатан қонуний чекловларнинг мавжуд эмаслигига қарамасдан, немис суғурта бозори нисбатан ёпиқ ҳисобланади. Бу аҳолининг: «немислар ўз суғуртачиларини афзал биладилар», деган дунёқараши билан боғлиқ. Бундан ташқари, бу ерда агентлар тармоғи жуда зич. 50 мингга яқин агентлар суғурта компанияларида агент бўлиб тўлиқ иш куни ишлашса, тахминан 270 минг киши ўриндошлик асосида фаолият юритади. Агентлар билан мижозлар ўртасидаги муносабат дўстона ва узоқ муддатли асосда шаклланган.

³⁴ Т. Ахвледиани. Страхование. М.: ЮНИТИ - 2006 - 521 с

³⁵ А. Ваҳобов, Н. Жумаев, У. Бурханов, Халқаро молия муносабатлари, “ШАРҚ” НМАК, Тошкент 2003, 348-бет

Германияда қишлоқ хўжалик суғуртаси биргаликда суғурта қилиш ассоциациялари томонидан амалга оширилади. Бундай ассоциация биринчи бўлиб 1797 йилда ташкил қилинган. Германияда фақат битта суғурта тури - дўл уришдан суғурталаш амалга оширилади. Бу суғурта тури билан умумий қишлоқ хўжалик экинларининг 80 фоиздан ортиғини суғурталанади. Суғурталанган фермерлар бундай ассоциацияларнинг аъзоси ҳисобланади. Бундан ташқари ассоциацияга аъзо бўлмаган крестьянлар ҳам суғурталаниш ҳуқуқига эгадирлар. Бу суғурта тури немис крестьянлари орасида катта ишончга эга бўлиб, рискни бошқаришнинг муҳим усули ҳисобланади. Мониторинг ва суғурта ходисаларини баҳолаш ассоциация аъзолари томонидан, яъни фермерларнинг ўзлари томонидан амалга оширилади. Бунда баҳолашнинг ҳудудлараро тизимидан фойдаланилади, яъни баҳоловчилар албатта бошқа ҳудуддан бўлиши керак. Бу эса суистеъмолликларнинг олдини олади. Ортиқча тўпланиб қолган маблағлар умумий йиғилиш қарорига асосан аъзолар ўртасида тақсимланади. Суғурта резервларини ташкил қилиш учун йуналтирилган маблағлар маълум миқдоргача солиққа тортилмайди.

Француз суғурта бозори эса ҳаётни суғурталаш ва автомобил суғуртасига ихтисослашган. Айниқса, автомобил ва автотранспорт эгалари жавобгарлигини суғурталаш кучли даражада ривожланган. Ҳаётни суғурталаш бўйича энг йирик суғурта компанияси – «CNP Assurances S.A.» ҳисобланади.

Францияда ижтимоий суғуртанинг роли катта. Яхши йўлга қўйилган ижтимоий таъминот, пенсиялар бўйича давлат кафолатлари, ҳаётни суғурталашни бу ерда бошқа Европа мамлакатлариникига нисбатан паст даражада ривожланишига сабаб бўлди. Аммо, кейинги йилларда ижтимоий таъминот ва пенсия фондининг бюджетлари тақчилликка эга бўлиши кузатилмоқда.

Давлат ҳаётни суғурталашни рағбатлантириш бўйича қатор тадбирларни амалга оширди ва охириги 10-15 йил ичида Франция ушбу масалада қўшниларидан илгарилаб кетди. Бу соҳадаги асосий тадбирлардан бири

сифатида ҳаётни суғурталаш бўйича жиддий солиқ имтиёзлари берилишини кузатиш мумкин. Ушбу имтиёзлардан биринчиси: суғурта шартномасига кўра, тўланган тўлов фоизларидан солиқ олинмайди. Бу суғурта шартномасини, банк омонатидан ҳам фойдалироқ қилиб қўйди. Ушбу имтиёз суғурта шартномасининг муддати бир йил бўлганда амал қилади. Иккинчидан, суғурта қилдирувчи вафот этганда суғурта шартномасига асосан, олинадиган капитал меросидан солиқ тўланмайди. Бундан ташқари, суғурталаш мерос қилинадиган мулк таркибига киритилмайди ва бошқа меросхўрлар билан бўлиб олинмайди. Шундай қилиб, ҳаётни суғурталаш – ўз меросхўрларига, меросдан солиқ тўламасдан пул қолдиришнинг энг қонуний йўли ҳисобланади. Бундан ташқари, ҳаётни суғурталаш шартномалари, ҳатто, почта орқали сотилади. Қишлоқ жойларда ва кичикроқ шаҳарларда почта бўлимлари нафақат почта хизматлари, балки суғурта, банк хизматларини кўрсатади. Улар банк ҳисоб варақаларини юритадилар, жамғарма ҳисоб варақаларини очадилар ва аҳолининг бой бўлмаган қатлами учун ўзига хос банкирлар ҳисобланадилар. Банк суғуртаси Францияда яхши ривожланган.³⁶

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатиб турибдики, мустақил суғурта воситачиларининг сони суғурталовчилар сонидан анча кўп бўлиши керак. Масалан, Буюк Британияда 9000 нафар брокер фаолият юритмоқда, Чехияда 40 та суғурталовчига 400 нафар суғурта брокери тўғри келади. Ривожланган мамлакатларда юридик шахсларни суғурта қилиш операцияларининг 80 фоизи ва қайта суғурта қилиш операцияларининг асосий улуши брокерлар ёрдамида амалга оширилади, яъни брокерлар суғурта ва қайта суғурталашни ташкил этиш ишида етакчи бозор институти сифатида иштирок этади.


Европа бўйича Испанияда қишлоқ хўжалик суғуртаси кенг тарқалган бўлиб, бунга сабаб бу мамлакатда қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг асосий тармоғи эканлигидир. Испанияда деярли барча хатарлар суғуртага тортилади. Бу мамлакатда суғурта компанияларининг асосий қисми ассоциацияларга бирлашган бўлиб, ассоциациялар маъмурият суғурта талаблари буйича

³⁶ А. Ваҳобов, У. Бурханов, Н. Жумаев, Чет мамлакатлар молияси, т.1:-Янги аср авлоди, 2003, 211-бет.

ишлар ва стратегиялар ишлаб чиқишни амалга оширади. Суғурта мукофотлари давлат томонидан 20 фоиздан 40 фоизгача тўлаб берилади. Қайта суғурта бўйича хизматларни ҳам давлат амалга оширади. Табиий катастрофалар юз берганда эса давлат ҳеч қандай копланаларни амалга оширмайди, чунки деярли барча хатарлар суғурталанган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш иқтисодиётини бошидан кечираётган мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бозор муносабатларининг тикланиши ва суғурта маданияти ривожининг паст даражаси шароитида мажбурий суғурта турларини амалга ошириш муқаррардир, бундай шароитда мажбурий суғурта турларини амалга ошириш бозор капитализациясини тезлаштиришга хизмат қилади(3-расм).

Суғурта бозори ривожланишининг жаҳон тажрибаси шундан далолат бериб турибдики, суғурта бозорининг юзага келган (рақобатчилик, олигополистик, монополистик) тузилмасига мувофиқ суғурта фаолиятини давлат томонидан назорат қилишнинг ўрта асосий тури шаклланади: либерал тизим, бозор механизмларининг қисман чекланиши, давлат суғурта таъминоти. Бундан ташқари, давлат назоратининг у ёки бу модели шаклланишига ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётлари моделлари ҳам тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Жаҳон амалиёти суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солишнинг иккита муҳим ёндашувини ишлаб чиқди. Ҳар бир ёндашув ҳуқуқнинг мўайян – «континентал» ёки «инглиз-америкача» тизими доирасида амалга оширилади. «Континентал» ҳуқуқ тизими (Германия, Франция, Италия, Испания, Япония ва бошқа мамлакатларда мавжуд бўлган «кодланган» тизим) бозор субъектлари фаолиятининг қонунчилик билан қатъий регламентланишига асосланган бўлиб, бунда қонунлар ва кодекслар ҳуқуқнинг асосий манбалари ҳисобланади.



3-расм. Мажбурий ва ихтиёрий суғурта турларини нисбати

Ҳуқуқнинг континентал тизими доирасида суғурта ишини қатъий тартибга солиш модели амал қилади. У суғурталовчилар фаолияти барча томонларининг пухта регламентланиши ва суғурта операцияларини амалга оширишда қонунчиликка риоя этилишининг мунтазам назорат қилиниши билан тавсифланади.³⁷

I боб бўйича хулосалар

1. Ўзбекистонда суғурта бозорида йиғилган суғурта мукофотларининг ҳажми ЯИМга нисбати ўртача 0,29 фоизлигини ҳисобга олсак, ушбу кўрсаткич ривожланган давлатлар кўрсаткичларидан 10 баробардан ҳам паст кўрсаткич. Фикримизча, ушбу кўрсаткични ошиши биринчи навбатда аҳолининг даромадини ошиши билан мутаносиб равишда ошади, шунингдек мамлакатда суғурта маданиятини ошириш лозим.

2. Суғурта фаолиятининг профессионал иштирокчилари бўлмиш актуарийлар (2 та), суғурта брокерлари (4 та), аджастер, сюрвейерлар ва

³⁷ С.А. Умаров Ўзбекистонда суғурта фаолияти ривожланишини бошқариш. Т.: Фан, 2009 й. 124-бет

ассистанс (18 та), суғурта агентлари (5 500 зиёд)³⁸ камлиги ва ривожланмаганлиги бу соҳаларнинг ривожланиши учун тўртки бўладиган конун хужжатлари ишлаб чиқилмаганида деб ўйлаймиз.

3. Йиғилган суғурта мукофотлари ҳисобидан тўлаб берилган суғурта қопламалари миқдори кичик ҳажмни ташкил этиб, ушбу нисбат олти йил давомида ўртача 15,5 фоизни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич 2011 йилда Россияда 53,7 фоизни ташкил қилган бўлса, бошқа ривожланган Америка, Япония ва Европа мамлакатларида 70-90 фоизни ташкил этади. Мамлакатимизда суғурта қопламаларининг миқдорини суғурта мукофотларига нисбатини кичик ҳажмда вужудга келишига учта асосий сабаб таъсир кўрсатмоқда. Булар биринчидан, компаниялар ўртасидаги ўзаро рақобатнинг сустлиги, иккинчидан компаниялар томонидан қўлланилаётган тариф ставкаларининг юқорилиги ва учинчидан, юз берган суғурта ходисалари бўйича кўрилган зарарларни компаниялар томонидан тўлаб бермаслик ҳолатларининг мавжудлигидир.

³⁸ Давлат суғурта назорат инспекциясининг 2013 йил яқунларига бағишланган йиллик маълумотларидан фойдаланилди.

II Боб. Суғурта фаолияти давлат томонидан тартибга солиниши ҳамда суғурта ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказишда қўйиладиган талаблар

2.1. Суғурта фаолиятини амалга оширишда давлат идораларини тутган ўрни

Ҳар соҳа давлат томонидан тартибга солингани каби, суғурта фаолияти ҳам назорати остидаги фаолиятлардан биридир. Ушбу соҳани ривожланишида давлат - жамият ҳамда миллий иқтисодиётни ривожини кўзлаб тўғридан тўғри қатнашади ва тартибга солади. Хорижий мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, иқтисодий жихатдан ривожланган мамлакатларнинг барчасида суғурта бозори давлатнинг ваколатли идоралари томонидан тартибга солиб борилади. Масалан, Буюк Британияда суғурта ишини Савдо ва саноъат департаменти, Японияда Молия вазирлигининг суғурта бўлими, АҚШда эса махсус суғурта комиссариатлари назорат қилиб боради.

Давлат суғурта бозорида давлат суғурта компаниялари орқали ва суғурта фаолиятини турли қонун ва меъёрий ҳужжатлар орқали тартибга солиш йўли билан қатнашади.

Чет мамлакатлар суғурта бозоридаги илдам ўзгаришлар ўша давлатларнинг суғурта қонунчилигини пухта тайёрланганлигини ва амалиётда қўлланилиши учун барча шароитлар яратилганлигини кўрсатади. Қонунлар ва қонун ости ҳужжатлар суғурта соҳасининг ривожланишини асосий омилидир.

Жамиятда Фуқаролар ва уларнинг жамоаси ўз фаолиятлари жараёнида бир-бирлари билан тегишли ижтимоий муносабатда бўладилар. Ушбу муносабатларни бир қолипга солиш учун уларни тартибга келтириш яъни фуқаролар ва ташкилотларнинг хатти-ҳаракати доирасини белгилаш зарур. Баён этилганлар тўлалигича суғуртага ҳам таалуклидир. Суғурта ижтимоий-иқтисодий қонуният сифатида ҳуқуқий томондан мустаҳкамланишни талаб

этади. Суғурта фондини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш жараёнида пайдо бўладиган муносабатлар давлат томонидан ҳуқуқий тартибга солинади.

Ўзбекистонда суғурта ташкилотларининг институтционал аломати бўйича қўйидагича таснифланади (4-расм):



4–расм. Ўзбекистонда суғурта ташкилотларининг институтционал аломати бўйича таснифланиши³⁹

Юқоридаги расмдан кўриниб турибдики давлат суғурта фаолиятида давлат ва давлат –акционер компаниялари орқали иштирок этади. Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш механизмини эса:

- суғурта фаолиятини қонунчилик томонидан таъминлаш;
- мажбурий суғурта турларини ўрнатиш;
- махсус солиқ сиёсатини ўтказиш;
- суғурта фаолиятини назорат қилиш;
- монополиядан чиқариш ва рақобатлилиқни таъминлаш каби вазифаларда кўришимиз мумкин.

Суғурта соҳасида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлар Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар таркибига киради. Бундай муносабатлар Фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолатини, мулк ҳуқуқи ва бошқа

³⁹ М.А. Мирсодиқов, Д.М.Абдусатторова, “Страховое дело” журнали. – Т.:TKS. 2009 г., 96-бет.

ашёвий ҳуқуқларнинг, шартнома мажбуриятларини, шунингдек, мулкӣ ҳамда шахсий номулкӣ муносабатларни тартибга солади.

Суғурта соҳасидаги Фуқаролик-ҳуқуқӣ муносабатлар қўйидаги йўналишларда намоён бўлади:

- фуқаролар ва суғурта ташкилотлари ўртасида шаклланадиган Фуқаролик-ҳуқуқӣ муносабатлар;
- суғурта ташкилотлари ўртасида юзага келадиган ўзаро муносабатлар;
- фуқаролар ва махсус давлат органлари ўртасида пайдо бўладиган Фуқаролик-ҳуқуқӣ муносабатлар;
- суғурта ташкилотлари ва махсус ваколатли давлат органи ўртасида пайдо бўладиган Фуқаролик-ҳуқуқӣ муносабатлар.⁴⁰

Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солувчи қонун ҳужжатларини уч босқичга бўлиш мумкин:


- суғурта фаолиятини тартибга солувчи умумий қонунлар;
- суғурта фаолиятини тартибга солувчи махсус қонунлар;
- суғурта фаолиятини тартибга солувчи вазирликлар қарорлари, меъёрий ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2002 йилнинг 5 апрелида қабул қилинган ва шу йилнинг 28 майида амалиётга жорий этилган “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуни суғурта фаолиятини тартибга солувчи махсус қонун ҳисобланади. “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонун 29 та моддадан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси суғурта фаолиятини тартибга солувчи умумий фуқаролик қонунчилигига мансуб бўлиб, Кодекснинг 52-боби суғуртавий ҳуқуқӣ муносабатларга бағишланган. Унда жами 47 та модда мавжуд. Кодекс суғурта ташкилотлари билан

⁴⁰ Т.С. Маликов, Н.Х. Ҳайдаров, МОЛИЯ: умумдават молияси, Ўқув қўлланма.-Т: IQTISOD-MOLIYA, 2009, 428-бет.

суғурталанувчилар ўртасидаги, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонун суғурта ташкилотлари ва давлат ўртасидаги муносабатларни тартибга солади.



5 - расм Суғурта фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари гуруҳланиши⁴¹



(6-расм)⁴² Суғурта фаолиятини назорат қилишни шартли равишда 3 та турга бўлиш мумкин

⁴¹ М.А. Мирсадыков, Д.М.Абдусатторова, “Страховое дело” журна. – Т.:TKS. 2009г., 96-бет.

⁴² Х. Шеннаев “Ўзбекистон суғурта бозори” Т.: Иктисод-Молия 2013 й. 130-131 бетлар

Чизмада кўрсатилганидек, суғурта фаолиятини тартибга солишда суғурта назорати махсус ваколатли давлат органи, солиқ органлари, алоҳида конунлар асосида мажбурий суғурталашни жорий қилиш йўли билан амалга оширилади.

Суғурта фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотларга лицензиялар бериш суғурта назорати хизматининг энг асосий вазифаларидан биридир. Лицензия бериш жараёнида суғурта назорати суғурталовчининг бўлажак фаолиятини дастлабки текширувдан ўтказди.

Шунингдек, амалдаги қоидага кўра назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши ҳар йили республика бўйича фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан суғурта ташкилотлари фаолиятини текшириш бўйича режа графигини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди. Ушбу графикка асосан барча хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан суғурта ташкилотлари икки йилда камида бир марта текширувдан ўтказилади. Тасдиқланган режа график асосида бошқа текширувчи давлат органлари билан бир қаторда Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта назорати давлат инспекцияси вакиллари ҳам икки йилда бир марта суғурта ташкилотлари фаолиятини текширишдан ўтказди.

Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1998 йил 8 июлда “Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш тўғрисида” 286-сонли қарорни қабул қилди. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг марказий аппаратида республика молия органлари ходимларининг умумий сони доирасида 15 нафардан иборат Суғурта назорати давлат инспекцияси ташкил этилди (*махсус ваколатли орган*). Суғурта назорати давлат инспекциясининг фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг тегишли ўринбосари мувофиқлаштириб боради. Ҳозирги пайтда Суғурта назорати давлат инспекцияси ташкилий тузилмаси қуйидаги кўринишга эга.(7-расм)



7-расм Суғурта назорати давлат инспекцияси ташкилий тузилмаси

Суғурта назорати давлат инспекциясига суғурта фаолияти масалалари бўйича ўз ваколатлари доирасида давлат бошқарув органлари, юридик шахслар ва уларнинг бирлашмалари учун бажарилиши мажбурий бўлган норматив хужжатлар қабул қилиш ҳуқуқи берилган. Ушбу инспекция Ўзбекистон суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солиш бўйича қуйидаги вазифаларни бажаради:

- суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) ягона давлат реестрини юритиш;
- суғурта ташкилотлари томонидан суғурта тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларига риоя этилишини назорат қилиш;
- суғурта тўғрисидаги қонун хужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва киритиш;
- бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ташкил этишнинг бир хиллигини таъминлаш.

Суғурта назорати Давлат инспекцияси ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

- суғурталовчилар томонидан суғурта фаолияти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига риоя қилинишини ва уларнинг ҳисоботлари ишончлилигини, шунингдек улар учун белгиланган тўловга лаёқатлилиқ кўрсаткичлари ва молиявий барқарорликнинг бошқа талаблари таъминланишини текшириш;

- суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш;
- ўз ваколатлари доирасида суғурталовчилар ишини методик таъминлаш;
- суғуртанинг мажбурий турлари бўйича суғурта қилиш қоидалари (шартлари) ва суғурта тарифлари белгилаш бўйича таклифлар тайёрлаш;
- Давлат инспекцияси томонидан тасдиқланган пайтдан бошлаб суғурта муносабатларининг барча қатнашчилари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини амалга ошириш бўйича норматив ҳужжатлар ва методик материалларни ишлаб чиқиш;
- суғурта фаолияти масалалари бўйича қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун вазирлик раҳбариятига киритиш;

2002 йилнинг 5 апрелдаги “Суғурта фаолияти тўғрисидаги”ги қонуннинг 10 моддасида Суғурта назорати Давлат инспекциясининг ҳуқуқдари келтирилган.⁴³ Улар қуйидагилар:

- ижро этилиши мажбурий бўлган тўловга қобилиятлилик нормативларини ҳамда уларни аниқлаш тартибини, айрим таваккалчиликлар бўйича суғурталовчилар мажбуриятларининг йўл қўйиладиган энг кўп ёки энг кам миқдорини ва мажбуриятлар жамининг йўл қўйиладиган кўп ёки энг кам миқдорини ҳисоблаб чиқариш услубини, суғурталовчиларнинг тўловга қобилиятини акс эттирувчи ахборотларни тақдим этиш тартиби ва муддатларини белгилайди;

- суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этишини, тўловга қобилиятлиликнинг белгиланган нормативлари ва молиявий барқарорликнинг бошқа талаблари бажарилишини назорат қилади;

- суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялайди;

⁴³ “Суғурта фаолияти тўғрисидаги”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни//”Халқ сўзи” газетаси 2002 йил 28 май

- суғурталовчиларнинг суғурта захиралари маблағларини шакллантириш ҳамда жойлаштириш тартиби ва шартларини, шунингдек бундай маблағлар ҳисобини юритиш ҳамда улар бўйича ҳисоботлар тузиш тартибини белгилайди;

- суғурталовчининг, суғурта брокерининг ҳамда улар алоҳида бўлинмаларининг раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талабларини белгилайди;

- суғурталовчилар томонидан тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларнинг ва эълон қилинадиган йиллик молиявий ҳисоботнинг шаклини, шунингдек уни тақдим этиш ҳамда эълон қилиш тартиби ва муддатларини белгилайди;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг фаолиятини текширади ва уларга аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритади;

- суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шу жумладан белгиланган иқтисодий нормативлар суғурталовчи томонидан бузилганлиги учун суғурталовчининг устав фонди энг кам миқдорининг 0,1 фоизигача миқдорда белгиланган тартибда жарима солади;

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суғурталовчилар ва суғурта брокерлари лицензияларининг амал қилишини тўлиқ ёки айрим суғурта турларига (классларига) нисбатан тўхтатиб қўяди, шунингдек уларнинг фаолиятини тугатиш тўғрисида судга мурожаат қилади;

- жинойт фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда, суғурталовчилар ва суғурта воситачиларига нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар ва санкцияларни қўллайди;

- ҳар бир молия йили тугаганидан кейин олти ой ичида суғурта фаолиятини тартибга солиш ва уни назорат қилиш борасидаги фаолият

тўғрисида йиллик ҳисоботларни, шунингдек суғурта бозорининг молия йили мобайнидаги фаолияти тўғрисида статистика маълумотларини эълон қилади;

- суғурталовчиларнинг инвестиция фаолиятини амалга ошириш, шунингдек суғурта ходисалари юз беришининг олдини олиш ва огоҳлантириш чора-тадбирларини суғурталовчилар томонидан молиялаштириш тартиби ҳамда шартларини белгилайди;

- актуар хизматлари кўрсатиш тартибини белгилайди;

- актуарий малака сертификатини олиш учун ўқув дастурларини ҳамда малака имтиҳонлари топшириш тартибини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, мазкур сертификатни олиш ҳуқуқи учун малака имтиҳони ўтказди;

- белгиланган тартибда актуарий малака сертификати беради, унинг амал қилишини тугатади ва уни бекор қилади, малака сертификатига эга бўлган актуарийлар реестрини юритади;

- суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларидан қонун ҳужжатларида белгиланган ахборотни сўраб олади;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

Тижорат асосида фаолият кўрсатувчи барча хўжалик юритувчилар каби суғурта ташкилотлари ҳам солиқ қонунчилигида белгиланган солиқларни тўлайди. Маълумки солиқлардан иқтисодиётни тартибга солувчи механизм сифатида кенг фойдаланади. Мустақиллик йиллари давлатимиз томонидан бозор муносабатлари талабларига мос миллий суғурта тизимини шакиллантириш ва унинг барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди. Натижада бугунги кунда юридик ва жисмоний шахсларга кенг кўламли суғурта хизматларини кўрсатишга қодир молия секторининг муҳим бўғини вужудга келди.

Ҳозирги кунда суғурта ташкилотлари давлат бюджетига қуйидаги солиқларни тўлайдилар:

1. юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;
2. сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

3. мол-мулк солиғи;
4. ер солиғи;
5. ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи.

Солиқ кодексида бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан бир каторда солиқларга тенглаштирилган бошқа мажбурий тўловларни ҳам тўлайдилар:

1. ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар:
 - ягона ижтимоий тўлов;
 - фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари;
 - бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар;
2. Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар;
3. давлат божи;
4. божхона тўловлари.

Суғурта ташкилотлари солиқ тўловчи сифатида қуйидаги ҳуқуқларга эга:⁴⁴

- давлат солиқ хизмати органлари ва бошқа ваколатли органлардан амалдаги солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги ўзгаришлар ҳақида ахборот олиш;
- ўз солиқ мажбуриятларини бажариш юзасидан давлат солиқ хизмати органлари ҳамда бошқа ваколатли органлардаги мавжуд маълумотларни олиш;
- солиқ муносабатлари масалалари юзасидан ўз манфаатларини шахсан ёки ўз вакили орқали ифода этиш;
- Солиқ Кодексида, бошқа қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида белгилаб қўйилган асослар мавжуд бўлган

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 30 моддаси

тақдирда ҳамда тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлардан фойдаланиш;

- солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар, пеня ва жарималарнинг ортиқча тўланган ёки ундирилган суммаларини ҳисобга олиш ёки қайтариб олиш;

- Солиқ Кодексида ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган шартларда ва тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш;

- солиқ солиш объектини ҳисобга олишда, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлашда ўзлари йўл қўйган хатоларни мустақил равишда тузатиш;

- солиқ текширувлари материаллари билан танишиш ва текширув далолатномаларини олиш;

- солиқ текширувларини амалга ошираётган давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бажаришга доир масалалар юзасидан тушунтиришлар бериш;

- давлат солиқ хизмати органларининг, бошқа ваколатли органлар ва улар мансабдор шахсларининг ушбу Кодексга ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлмаган ҳужжатлари ҳамда талабларини бажармаслик;

- давлат солиқ хизмати органларининг ва бошқа ваколатли органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан белгиланган тартибда шикоят қилиш;

- давлат солиқ хизмати органларининг ва бошқа ваколатли органларнинг қонунга ҳилоф қарорлари ёки улар мансабдор шахсларининг қонунга ҳилоф ҳаракатлари туфайли етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш.

Солиқ тўловчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Солиқ тўловчининг солиқ муносабатларида шахсан иштирок этиши уни вакилга эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди, худди шунингдек вакилнинг

иштирок этиши солиқ тўловчини бундай муносабатларда шахсан иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

Солиқ тўловчи вакиллариининг мазкур солиқ тўловчиниинг солиқ муносабатларидаги иштироки муносабати билан содир этилган ҳаракати (ҳаракатсизлиги) солиқ тўловчиниинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) деб эътироф этилади.

Суғурта ташкилотларининг солиқ тўловчи сифатидаги мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:⁴⁵

- ўз солиқ мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариши;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритиши, молиявий ва солиқ ҳисоботини тузиши;
- давлат солиқ хизмати органларига ва бошқа ваколатли органларга имтиёзлар олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши;
- солиқ текширувлари ўтказилаётган вақтда давлат солиқ хизмати органларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш билан боғлиқ ҳужжатлар ҳамда маълумотларни тақдим этиши;
- давлат солиқ хизмати органларининг ва бошқа ваколатли органларнинг ҳамда улар мансабдор шахсларининг қонуний талабларини бажариши, шунингдек мазкур органларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги шарт.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 150 моддасида суғурта ташкилотларининг даромадларига солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари белгиланган. Унга мувофиқ, суғурта ташкилотларининг хизматларни реализация қилишдан олинган даромадларига қуйидагилар киради:

1) суғурта қилиш, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта мукофотлари (бадаллари). Бунда биргаликда суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта мукофотлари (бадаллари) суғурталовчиниинг (биргаликда суғурта қилувчиниинг) даромадлари таркибига

⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 31 моддаси

фақат унинг биргаликда суғурта қилиш шартномасида белгиланган суғурта мукофотидаги улуши миқдорида қўшилади;

2) аввалги ҳисобот даврларида шакллантирилган суғуртавий техник захираларни камайтиришнинг (қайтаришнинг) қайта суғурта қилувчиларнинг суғурта захираларидаги улуши ўзгариши ҳисобга олинган ҳолдаги суммалари;

3) суғурта қилиш, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича пул мукофоти, шунингдек қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича танъемалар (фойдадан олинадиган ҳақ);

4) қайта суғурта қилишга ўтказилган таваккалчилик бўйича суғурта тўловлари улушининг ўрнини қайта суғурта қилувчилар томонидан қоплаш суммалари;

5) қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича мукофотлар депосига ҳисобланган фоизлар суммалари;

6) суғурта қилдирувчининг (наф олувчининг) етказилган зарар учун жавобгар шахсларга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқини реализация қилишдан олинадиган, қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчига ўтган даромадлари;

7) суғурта шартномалари шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жарима ва пеня тарзида олинган суммалар;

8) суғурта агенти, брокер, воситачи хизматларини кўрсатганлик учун мукофот;

9) суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларига хизматлар кўрсатганлик учун суғурталовчи томонидан олинган пул мукофоти;

10) суғурта хизматлари кўрсатишдан ва қўшимча суғурта фаолиятидан олинган бошқа даромадлар.

Юқоридаги чизмада кўрсатилганидек, қонун асосида мажбурий суғурта қилиш йўли билан ҳам суғурта фаолияти тартибга солинади. Ҳозирга кунда мамлакатимизда қуйидаги мажбурий суғурта турлари амал қилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 27 июндаги 379-сонли қарорига мувофиқ “Умумий фойдаланиладиган ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобил транспорт йўловчиларининг мажбурий суғуртаси” амалиётга жорий этилган.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 январдаги 38-сонли қарори асосида ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий мажбуриятли шахсларнинг оддий аскарлар ҳамда бошлиқларнинг таркибига кирувчи шахслар мажбурий суғуртаси жорий этилган.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат солиқ органлари ходимларининг мажбурий суғуртаси тўғрисида” 1994 йил 10 декабрдаги 631-сонли қарори солиқ органлари ходимлари мажбурий давлат суғуртаси Республика бюджети ҳисобидан амалга оширилади. Бу суғурта тури бўйича суғурта суммасининг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 80 бараварини ташкил этади.
4. 2008 йил 22 октябрдан мамлакатимизда “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги қонун кучга кирди ва амалиётга жорий қилинди.
5. 2009 йил 16-октябрдан “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” қонун амалиётга жорий қилинди.
6. 2015 йил 26 майда “Ташувчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” қонун қабул қилинди.

Ўзбекистонда суғурта назорати давлат инспекцияси фаолияти таҳлили шуни кўрсатдики, қонунчилик билан тартибга солинадиган меъёрий база, унинг услубий воситалари бугунги кунда суғурта бозоридаги сифат жиҳатидан ўзгаришлар талабларидан биров ортида қолмоқда. Бизнингча, бу кўп жиҳатдан назорат функцияларини такомиллаштиришнинг услубий вазибаларини бажарувчи назорат органи ривожланган тизимининг мавжуд эмаслиги, назорат технологияси ахборот таркибий қисмининг паст даражаси, шунингдек давлат суғурта назоратига хос бўлмаган функциялар: бир вақтнинг ўзида ҳам суғурта қилдирувчилар, ҳам суғурта компаниялари

хуқуқларини ҳимоя қилиш, суғурта компаниялари ходимларининг малакасини оширишга кўмаклашиш ва бошқа функцияларни бажариш билан боғлиқ.

Суғурта фаолиятида тартиб бўлиши учун Суғурта назорати давлат инспекцияси жарима санкцияларини қўллаш ҳуқуқига эга. 2008 йил 18 августда Адлия Вазирлигидан руйхатдан ўтган №1842-сонли «Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисида» ги низом бунга мисолдир. Бунда суғурталовчилар ҳар бир ножўя ҳаракатлари учун низом жамғармаларининг маълум қисми кўринишида жарима тўлашга мажбур қилинган. Лекин бизнинг фикримизча, жарима санкцияларини қўллашда жарима миқдорлари низом жамғармасига нисбатан фоиз кўринишида эмас, балки қилинган хатоликларни қанчалик оқибатларига қараб тўлаганлари маъқул. Чунки ҳар хил низом жамғармасига эга бўлган компаниялар бир хил турдаги хатоликларни содир этганда низом жамғармаси миқдори рол ўйнайди. Бу эса компанияларга нисбатан одилона чора кўришни таъминламайди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан суғурта компаниялари иштирокида суғурта фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда ислоҳ қилиш мақсадида ишлаб чиқилган ва Президентнинг №ПҚ-618 сонли “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чоратadbирлари туғриси”даги қарори билан 2007 йил 10 апрелда тасдиқланган. Мазкур қарорга асосан 2007-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш дастури тасдиқланди. Бу дастур суғурта фаолиятини ва суғурта назоратининг қонунчилик базасини халқаро амалиётга мувофиқ янада такомиллаштириш, суғурта хизматлари, айниқса тадбиркорлик фаолиятини, экспорт-импорт операциялари, ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш ҳажмини кенгайтириш, республика суғурта бозорини халқаро суғурта бозорларига интеграциялашувини таъминлаш каби вазифаларни бажариш кўзда тутилган. Шунингдек, ушбу

ислохотларнинг мантикий давоми сифатида 2010 йилда Ўзбекистон суғурта бозори ривожланишида муҳим ўрин тутган воқеалардан бири 2010 йилнинг 26 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” ПҚ-1438 қарорининг қабул қилиши бўлди. Бу дастур қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Республика молия-банк тизимининг фаолиятини баҳолаш учун “Фитч рейтингс”, “Мудис” ва “Стандарт энд Пурс” халқаро рейтинг компаниялари томонидан қўлланиладиган халқаро нормалар, мезонлар ва стандартларни қўллаш.

- Республика тижорат банклари ва бошқа молия институтлари фаолиятини баҳолаш тизимини халқаро рейтинг компаниялари стандартлари ва мезонларига мувофиқлаштириш мақсадида халқаро молия институтлари ҳамда рейтинг агентликларининг техник кўмаги ва экспертларни жалб этиш чораларини кўриш.

- “Ташувчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонунини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

- 2015 йилда умумий суғурта соҳасида суғурталовчиларнинг устав капитали энг кам миқдорида ўрнатилган талабни 1,5 млн еврога ва ҳаётни суғурталаш соҳасида фаолият кўрсатувчи суғурталовчиларнинг устав капитали энг кам миқдорида ўрнатилган талабни 2,0 млн еврога, мажбурий суғурта бўйича суғурталовчиларнинг устав капитали энг кам миқдорида ўрнатилган талабни 3,0 млн еврога, қайта суғурталаш соҳасида мазкур талабни 6,0 млн еврога етказиш чораларини кўриш.

- ҳаётни суғурталаш соҳасини, жумладан узоқ муддатли ва жамғарилиб боровчи ҳаётни суғурталаш турларини янада ривожлантиришга қаратилган меёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

- суғурта бозори профессионал иштирокчилари, шу жумладан, аджастерлар, сюрвеёрлар ва ассистанс хизмати кўрсатувчи компанияларнинг фаолиятини кенгайтириш орқали суғурта бозори инфратузилмасини янада ривожлантириш.

Суғурта фаолиятини амалга оширишда давлат ўз назоратини ўрнатишдан кўзланган мақсад - суғурта фаолиятини ривожланишида суғуртачилар, суғурта қилдирувчилар ва давлат манфаатлари балансини кўзда тутди ва назорат иқтисодий ва маъмурий методлар орқали амалга оширишдан иборат. Маъмурий тартибга солиш методи суғурта қонунчилиги асосларига таянади, унинг марказий бўғини бўлиб суғурта назорати органи ҳисобланади. Бошқаришнинг иқтисодий методларида давлат бошқаруви билвосита воситалар орқали амалга оширилади, яъни солиқ сиёсати, Марказий банк сиёсати кабилар бунга мисолдир.

Суғурта фаолиятини самарали тарзда назорат қилиш ва бошқариш механизминини яратиш ҳукуматнинг асосий мақсадларидан биридир.

Суғурта муносабатларининг бошқариш жараёни ўз ичига:

- суғурта фаолиятини амал қилишининг меъёрий – ҳуқуқий базасини таъминлаш;
- суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларининг танлаш;
- суғурта муносабатларининг барча иштирокчилари қонунчилик талабларининг тўғри бажаришларининг устидан назорат қилиш;
- мулкӣ манфаатларнинг суғурта ҳимояси тизимининг ривожланишида давлатнинг иштирокини таъминлаш;
- суғурта фаолияти устидан давлат назоратининг олиб бориш кабиларни қамраб олади.

Суғурта қонунчилиги талабларига риоя қилиниши, суғурта қилдирувчиларнинг, манфаатдор шахслар ва давлатнинг қонуний манфаатларининг ҳимоя қилиниши, суғурта ишининг самарали ривожланиши мақсадида суғурта фаолияти устидан давлат назорати қонунийлик, ошқоралик, ташкилий бирлик тамойиллари асосида олиб борилади.

Фожеали зарарлар эҳтимолини қисқартириш ва суғурта ташкилотлари ўртасида тақсимлаш ўтиш даври иқтисодиётининг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун Ўзбекистон ҳукумати суғурта соҳасини ривожланишига катта аҳамият бермоқда. Давлат дастурларида суғурта соҳасини молия соҳасининг ёрдамчи йўналиши деб ҳисобга олинишига чек қўйилиб, иқтисодиётнинг ривожланишида муҳим йўналишлардан бирига айланди. Ўтиш даври иқтисодиёти – ижтимоий ўзгаришларнинг тез ўзгариши, янги институционал тузилмаларнинг амалдаги ижтимоий муҳитга қўникиши, аҳоли онгида эски иқтисодий тизим «сарқитларининг» сақланиб қолганлиги билан боғлиқ зиддиятларнинг алоҳида тўпламига эга иқтисодиётдир. Давлат бундай шароитда алоҳида ижтимоий ролни бажаради. У халқ хўжалиги тизимининг барча секторларининг хўжалик юритиш шароитларини тубдан ўзгартириш ташаббускори ва ижтимоий барқарорлик кафолатига айланади. Бундай шароитда давлат бошқаруви таъсир этишнинг жамият ижтимоий-иқтисодий соҳасини ислоҳ қилиш моделига асосланган бошқа усуллари ва воситаларига таяна бошлайди. Масалан, ўтиш даври сиёсатининг Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов томонидан илгари сурилган 5 та тамойилига асосланган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини қуришнинг ўзбек модели белгилари ҳаммага маълум. Ушбу тамойиллар ичида энг муҳими – таркибий-инвестиция сиёсати ва чет эл маблағларини жалб қилиш иқтисодий воситалар ва рағбатлардан фойдаланиш орқали иқтисодиётни тартибга солиш, ишончли ижтимоий кафолатларни таъминлашнинг устувор йўналишларини танлашда давлатнинг бош ролини сақлаб қолишдан иборат.

Ўзбекистон суғурта бозорининг таниқли олим-таҳлилчиси С.А.Умаровнинг таъкидлашича «Давлат бошқаруви давлатнинг таркибий ўзгаришлар асоси бўлиб хизмат қиладиган инвестиция фаолиятида ҳам, янги бозорларнинг пайдо бўлишида ҳам ўз ифодасини топади. Хусусан, Ўзбекистонда суғурта фаолияти давлатнинг тўғридан-тўғри иштирокида

шаклланган. Мамлакатнинг йирик суғурта компаниялари давлат маблағлари асосида ташкил қилинган.^{46»}

Суғурта бозорини ривожлантириш иқтисодийни модернизация қилиш жараёнининг ажралмас қисми бўлиб қолмоқда. У ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш мақсадида янги иқтисодий институтлар ва хўжалик юритиш шароитларини яратишда давлатнинг етакчи ролини назарда тутувчи туб ўзгаришларнинг миллий моделига мувофиқ равишда амалга оширилмоқда. Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг барча босқичларида давлат даражасида суғурта хизматлари бозорининг шаклланиши ижтимоий барқарорлаштириш, бизнес инфратузилмасини яратиш ва ривожлантириш чора-тадбирларининг таркибий қисми сифатида кўриб чиқилди, у қўйидаги йўналишларда амалга оширилди: суғурталовчилар ва суғурта қилдирувчилар мулкани ҳуқуқий таъминлаш ва суғурта хизматлари бозорини фаолият кўрсатиши, суғурта фаолиятини давлат томонидан бошқариш механизмларини ўз ичига олувчи ривожланган жаҳон бозори тизимига мос келувчи янги суғурта институтларининг шаклланишини назарда тутувчи ўзига хос янги миллий суғурта тизими яратилди.

Давлат томонидан тартибга солиш соҳасида суғурта қилдирувчилар ҳуқуқлари, суғурта компаниялари томонидан ўз мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш механизмларининг яратилишига алоҳида аҳамият берилди:

- давлатнинг тўғридан тўғри иштироки ва кўмагида ривожланаётган хусусий бизнес ва аҳолининг қалтисликларини ўз бўйнига олишга қодир бўлган янги суғурта компаниялари шаклланди;

- янги хусусий суғурта ташкилотларининг ривожланиши ва ҳудудий филиаллар тармоғини ташкил этилиши рағбатлантирилди;

- аҳолининг янги суғурталовчилар ва суғурта хизматларига бўлган ишончини ошириш, суғурта маданиятини ошириш чора-тадбирлари кўрилди.

⁴⁶ С.А. Умаров Ўзбекистонда суғурта фаолияти ривожланишини бошқариш. Т.: Фан, 2009 й. 33-бет.

Суғурта фаолиятида тартиб бўлиши учун Суғурта назорати давлат инспекцияси жарима санкцияларини қўллаш ҳуқуқига эга. 2008 йил 18 августда Адлия Вазирлигидан руйхатдан ўтган №1842-сонли «Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисида» ги низом бунга мисолдир. Бунда суғурталовчилар ҳар бир ножўя ҳаракатлари учун низом жамғармаларининг маълум қисми кўринишида жарима тўлашга мажбур қилинган. Лекин бизнинг фикримизча, жарима санкцияларини қўллашда жарима миқдорлари низом жамғармасига нисбатан фоиз кўринишида эмас, балки қилинган хатоликларни қанчалик оқибатларига қараб тўлаганлари маъқул. Чунки ҳар хил низом жамғармасига эга бўлган компаниялар бир хил турдаги хатоликларни содир этганда низом жамғармаси миқдори рол ўйнайди. Бу эса компанияларга нисбатан одилона чора кўришни таъминламайди.

2.2. Ўзбекистон Республикасида суғурталовчилар фаолиятини лицензиялашнинг ўзига хос хусусиятлари

Суғурта фаолияти молия тизимининг ажралмас бўғинидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йили чоп этилган “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарида ҳам молия-банк тизимини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, унда “Жаҳон иқтисодий инқирози кучайиб бораётган ҳозирги шароитда банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлаш ва сифат жиҳатдан яхшилаш алоҳида муҳим аҳамият касб этади”⁴⁷, деб баён қилинган.

Ўзбекистон Республикасида 2002 йил 5 апрелдаги “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 15 моддасида суғурта фаолиятини лицензиялаш

⁴⁷ Каримов И. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари./Т.:Ўзбекистон, 2009. 27-28 бетлар

масалалари кўрсатилган. Унга асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда махсус ваколатли давлат органи томонидан лицензиялар берилиши белгиланган.

Лицензия суғурталовчига ҳаётни суғурта қилиш соҳасида ёхуд умумий суғурта соҳасида суғурта фаолиятини амалга ошириш учун берилади. Ҳаётни суғурта қилиш соҳасида суғурта фаолиятини амалга ошираётган суғурталовчи умумий суғурта соҳасида суғурта фаолиятини амалга оширишга ҳақли эмас, умумий суғурта соҳасининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг белгилайдиган айрим турлари (класслари) бундан мустасно. Умумий суғурта соҳасида суғурта фаолиятини амалга ошираётган суғурталовчи ҳаётни суғурта қилиш соҳасида суғурта фаолиятини амалга оширишга ҳақли эмас.

Лицензияда суғурталовчи амалга оширишни назарда тутаётган суғурта турлари (класслари) кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорига асосан суғурта фаолияти классификатори тасдиқланган. Унда ҳаётни суғурта қилиш тармоғи 4 та классдан, умумий суғурта 17 та классдан иборат эканлиги кўрсатилган. Қуйидаги жадвалда суғурта классларининг мазмуни ва уларга қўйиладиган талаблар келтирилган. (7-8 жадваллар)

7-жадвал.

Ҳаётни суғурта қилиш тармоғи⁴⁸

Класс тартиб рақами	Класснинг номи	Мазмуни ва суғурта қилиш шартлари бўйича талаблар
I класс	Ҳаёт ва аннуитетлар	Қуйидаги ҳолларда суғурта суммалари тўлаш бўйича суғурталовчининг мажбуриятларини назарда тутувчи, бир йилдан ортиқ муддатга амал қилувчи ҳаётни суғурта қилиш турлари жами: - суғурта қилинувчининг суғурта муддати тамом бўлгунгача ёки суғурта шартномасида белгиланган ёшгача яшаши; - суғурта қилинувчининг вафот этиши; шунингдек суғурта шартномаси амал қилиши давридаги

⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сон қарорига 1-илова

		жорий тўловлар (аннуитетлар), III класс бундан мустасно
II класс	Никоҳ ва туғилиш	Никоҳга киришда ёки бола туғилганда суғурта суммаси тўланишини таъминловчи, бир йилдан ортиқ муддатга амал қилувчи ҳаётни суғурта қилиш турлари жами
III класс	Ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш	Умрбод рента тўланиши билан биргаликда ҳаётни суғурта қилиш турлари жами
IV класс	Соғлиқни суғурта қилиш	Кўрсатиб ўтилган суғурта даври камида беш йилдан кам бўлмаган муддатга ёки суғурта қилинувчининг пенсия ёшига етгунига қадар белгиланиши шarti билан бахтсиз ҳодиса ёки муайян турдаги бахтсиз ҳодиса ёки касаллик ёки касалланиш туфайли қаттиқ шикастланиш натижасида меҳнатга лаёқатлилиқни йўқотганда суғурта суммалари тўланишини таъминловчи ҳаётни суғурта қилиш турлари жами. Бунда шартномада кўрсатилган суғурта даври суғурталовчи томонидан бир томонлама тартибда бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин эмас

8-жадвал.

Умумий суғурта тармоғи⁴⁹

Класс тартиб рақами	Класснинг номи	Мазмуни ва суғурта қилиш шартлари бўйича талаблар
1-класс	Бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёт шарт суғурта қилиш	Куйидаги ҳолларда: а) бахтсиз ҳодиса ёки муайян турдаги бахтсиз ҳодиса натижасида соғлиқнинг қаттиқ шикастланиши, ёхуд; б) бахтсиз ҳодиса ёки муайян турдаги бахтсиз ҳодиса натижасида вафот этган тақдирда, ёхуд; в) касаллик ёки муайян турдаги касаллик натижасида меҳнат қобилиятини йўқотиш, шу жумладан ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касалликлари, бироқ 2-класс ва IV класс бўйича суғурта шартномаларини истисно қилган ҳолда, суғурта қилинган шахсга суғурта таъминотининг белгилаб қўйилган пул суммаси ёки пул компенсацияси тўланишини таъминловчи суғурта турлари жами
2-класс	Касалликдан эҳтиёт шарт суғурта қилиш	Суғурта таъминотининг белгилаб қўйилган пул суммаси тўланишини ёки касаллик ёки соғлиқнинг издан чиқиши муносабати билан суғурта қилдирувчининг пул компенсацияси (ёки унинг ҳам, бунинг ҳам комбинацияси)ни таъминловчи суғурта турлари жами, бироқ ҳаётни суғурта қилиш тармоқларининг IV класс бўйича шартномаларни истисно қилган ҳолда
3-класс	Ер усти транспорт воситаларини суғурта қилиш	Транспорт воситалари, ўзи юрар машина ва механизмлар, ҳаракатланадиган темир йўл таркиби бундан мустасно, йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғурта турлари жами

⁴⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сон қарорига 1-илова

4-класс	Ҳаракатланадиган темир йўл таркибини суғурта қилиш	Ҳаракатланадиган темир йўл таркиби йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари жами
5-класс	Авиация суғуртаси	Ҳаво кемаси, ҳаво кемасининг машина асбоб-ускуналари, жихозлари, инвентари, эҳтиёт қисмлари йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари жами
6-класс	Денгиз суғуртаси	Денгиз ва ички дарё кемалари, кемаларнинг машина асбоб-ускуналари, асбоб-ускуналари, инвентари, эҳтиёт қисмлари йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари жами
7-класс	Йўлдаги мол-мулкни суғурта қилиш	Транспортнинг ҳар хил турлари билан ташишда юklar, багаж ва бошқа мол-мулк йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари жами
8-класс	Мол-мулкни оловдан ва табиий офатлардан суғурта қилиш	Ёнғин, портлаш, бўрон, довул, жала, кўчки, тупрокнинг чўкиши, емирилиш, ер ости сувлари, сел, яшин уриши, зилзила, ядро энергияси таъсири натижасида мол-мулк (3 ва 7- классларда кўрсатилганлар бундан мустасно) йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари жами
9-класс	Мол-мулкни зарардан суғурта қилиш	8-классда кўрсатилмаган дўл, қалин қор ёғиши ёки қаттиқ совуқ тушиши, бузиб кириб ўғирлик қилиш ва бошқа воқеалар натижасида мол-мулк (3 ва 7-классларда кўрсатилгандан бошқа) йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари жами
10-класс	Автофуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш	Ер усти транспорт воситалари ва бошқа ўзиюрар машиналар ва механизмлардан фойдаланиш оқибатида, ташувчиларнинг жавобгарлиги ҳам шу жумлага киради, учинчи шахсларга (жисмоний ва юридик шахсларга) зарар етказилган тақдирда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғурта турлари жами
11-класс	Авиация суғуртаси доирасидаги жавобгарликни суғурта қилиш	Ҳаво кемасидан фойдаланиш оқибатида, авиаташувчиларнинг жавобгарлиги ҳам шу жумлага киради, учинчи шахсларга (жисмоний ва юридик шахсларга) зарар етказилган тақдирда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғурта турлари жами
12-класс	Денгиз суғуртаси доирасида жавобгарликни суғурта қилиш	Денгиз ва ички кемалардан фойдаланиш оқибатида, денгиз ташувчисининг жавобгарлиги ҳам шу жумлага киради, учинчи шахсларга (жисмоний ва юридик шахсларга) зарар етказилган тақдирда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғурта турлари жами
13-класс	Умумий фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш	10, 11 ва 12-классларда кўрсатилмаган таваккалчиликлар оқибатида учинчи шахслар (жисмоний ва юридик шахслар) олдида фуқаролик жавобгарлиги пайдо бўлган тақдирда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғурта турлари жами

14-класс	Кредитларни суғурта қилиш	Суғурта қилдирувчининг дебитори ночорлиги (банкротлик) ёки дебиторнинг суғурта қилдирувчи олдидаги қарзларни қайтариш мажбурияти бажарилмаслиги (ночорликдан ташқари) натижасида суғурта қилдирувчи зарар кўрганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғурта турлари жами
15-класс	Кафилликни (кафолатларни) суғурта қилиш	Суғурта қилдирувчининг ўзига берилган кафолатни бажариши мажбурияти натижасида суғурта қилдирувчи зарар кўрганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғурта турлари жами
16-класс	Бошқа молиявий таваккалчиликлардан суғурта қилиш	Куйидаги ҳолларда: а) суғурта қилдирувчининг бизнеси (хўжалик фаолияти) узилиб қолиши ёки суғурта қилдирувчи томонидан амалга оширилаётган бизнес (хўжалик фаолияти) қўлами камайиши натижасида суғурта қилдирувчи зарар кўрганда; б) олдиндан назарда тутилмаган харажатлар натижасида суғурта қилдирувчи зарар кўрганда (17-классда кўрсатилгандан ташқари); в) шартномалар тузилиши ва бажарилиши билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш натижасида мазкур даражанинг а) ва б) бандларида кўрсатилгандан бошқа нобудгарчиликларга учраганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғурта турлари жами
17-класс	Ҳуқукий ҳимоя қилиш билан боғлиқ харажатларни суғурта қилиш	Суд муҳокамаси билан боғлиқ қўрилган харажатлар натижасида суғурта қилдирувчи зарар кўрганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғурта турлари жами

Суғурталовчиларнинг лицензияси амал қилишининг тўхтатиб турилиши унинг янги суғурта шартномалари тузиши тақиқланишига, шу жумладан, амалдаги суғурта шартномалари узайтирилишининг тақиқланишига сабаб бўлади. Бунда суғурталовчи илгари тузилган суғурта шартномалари бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни белгиланган тартибда бажаришга мажбур. Лицензиянинг амал қилиши тугаган кундан эътиборан беш кун ичида махсус ваколатли давлат органи суғурталовчини тугатиш тўғрисидаги ариза билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мурожаат этиши шарт.

Суғурталовчиларнинг илгари амал қилган бошқарув органларининг ваколатлари тўхтатиб турилади ва махсус ваколатли давлат органи томонидан тайинлаган суғурталовчининг муваққат маъмуриятига ўтади. Муваққат маъмурият суд қарор чиқаргунига қадар бўлган даврда ўз фаолиятини амалга оширади. Суғурталовчи муваққат маъмуриятнинг

ҳисоботи махсус ваколатли давлат органига ҳамда суғурталовчини тугатиш тўғрисида махсус ваколатли давлат органининг аризаси йўлланган судга тақдим этилади. Суғурталовчининг муваққат маъмурияти ўз фаолияти даврида харажат операцияларини амалга оширишга ҳақли эмас, суғурталовчининг бошқарув харажатлари (маъмурий харажатлари), суғурталовчига тушаётган пуллар ҳисобга ёзиш ва илгари тузилган суғурта шартномалари бўйича суғурта ҳодисалари юз берганда суғурта товони (суғурта пулини) тўлаш билан боғлиқ ҳоллар бундан мустасно. Суғурталовчи муваққат маъмуриятнинг ишлаш тартиби махсус ваколат давлат органи томонидан белгиланади. Ушбу модданинг қоидалар суғурталовчининг аризасига биноан лицензия бекор қилинган ҳолларга, шунингдек, унинг муассисларининг ёки таъсис ҳужжатларида шундай ваколат берилган суғурталовчининг бошқарув органи қарорига биноан қайта ташкил этилиши ёхуд тугатилишига тааллуқли эмас.

Суғурталовчилар устав фондининг энг кам миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2002 йил 27 ноябрда қабул қилинган қарорига кўра, суғурта компаниялари устав капиталига талаблар қўйилган. Суғурталовчи устав фондининг камида тўқсон фоизи муассисларнинг пул маблағларидан шакиллантирилади. Суғурталовчининг устав фонди лицензия олинадиган пайтга қадар суғурталовчининг муассислари томонидан тўланган бўлиши керак.

Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарори билан “Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш тўғрисида” низом тасдиқланди. Унга кўра, суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади. Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензия талабгорлари бўлишлари

мумкин. Суғурталовчи ва суғурта брокерининг суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензиянинг амал қилиш муддати қоидага кўра, чекланмайди. Лицензиянинг амал қилиши лицензия берилган кундан бошланади.

Суғурта ташкилотлари лицензия олишлари учун қуйидаги талаб ва шартларга жавоб беришлари зарур.

- Ўзбекистон Республикасининг суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш;

- суғурта фаолиятини амалга оширишда олинган ахборотларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ махфийлигини таъминлаш;

- лицензияловчи орган талабига кўра суғурта фаолиятини амалга оширишга доир қонун ҳужжатларида белгиланган ахборотларни тақдим этиш;

- лицензия талабгори раҳбари олий маълумотга ҳамда суғурта фаолиятида икки йиллик иш стажига эга бўлиши;

- лицензия талабгори раҳбари бошқа суғурта ташкилотларида раҳбар лавозимини эгаллашга ҳақли эмас.

а) суғурталовчилар учун:

устав фондининг қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдорининг мавжуд бўлиши;

б) суғурта брокерилар учун:

- суғурта брокерининг суғурта фаолиятини амалга оширишда шартнома мажбуриятларига риоя этилишини таъминлаш;

- суғурта шартномасининг лицензиант мижози учун қулай шартларда тузилиши ва бажарилиши;

- суғурталашга доир воситачилик фаолиятини асосий фаолият тури сифатида амалга ошириш.

Лицензия олиш учун суғурта компанияси лицензияловчи органга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этади:

а) суғурталовчилар учун:

- юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб рақами, юридик шахс амалга оширишни мўлжаллаётган лицензияланадиган фаолият тури ҳамда кўрсатиб ўтилган фаолият тури амалга ошириладиган муддат кўрсатилган лицензия бериш тўғрисида ариза;

- юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

- раҳбар тўғрисидаги маълумотлар (олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси ва меҳнат дафтарчасидан кўчирма);

- лицензия талабгори томонидан лицензия талабгорининг аризаси лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун еғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

- устав фондининг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган устав капитали тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

- суғурта фаолиятининг иқтисодий асосланиши, унга суғурталаш операциядарини ривожлантириш прогнозини, эҳтимол тутилган қайта суғурталаш битишувлари режасини, суғурта захираларининг ҳисоб-китоб режасини ўз ичига олувчи лицензияланаётган суғурта класс бўйича бизнес режа киради;

- суғурталашнинг лицензия талаб қилинадиган турлари бўйича қоидалар, лицензияда қуйидагилар бўлади: суғурталаш субъектлари доирасини белгилаш ва суғурта шартномаси тузиш бўйича чеклашлар, суғурта объектларини белгилаш ва суғурта шартномаси тузиш бўйича чеклашлар, суғурта объектларини белгилаш, суғурта ҳодисалари рўйхатини белгилаш – ушбу ҳолатлар рўй берганда суғурталовчининг суғурта тўловлари бўйича мажбуриятлари пайдо бўлади, масалан, мол-мулк зарарланганда суғурталовчи бу зарарни қоплайди: суғурта мукофотлари тарифлари (ставкалари), суғурталашнинг энг кўп (энг кам) муддати, суғурта шартномаларини тузиш ва суғурта мукофотларини тўлай тартиби, томонларнинг суғурта шартномаси бўйича ўзаро мажбуриятлари ва суғурта

шартномалари бўйича тўловни рад этишнинг мумкин бўлган ҳолатлари суғурта шартномаси бўйича эътирозларни кўриб чиқиш тартиби. Қоидаларга суғурта шартномалари намуналари илова қилиниши керак. Лицензия талабгори раҳбар томонидан тасдиқланган суғурталаш қоидалари (шартлари) икки нусхада тақдим этилади, уларнинг бетлари тикилган ва рақамланган бўлиши керак. Фаолият тури фақат қайта суғурта қилишдан иборат бўлган лицензия талабгорлари мазкур бандда кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни тақдим этадилар.

Лицензия талабгорининг аризаси чиқилганлиги учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида еғим ундирилади. Ариза кўриб чиқилганлиги учун еғим суммаси лицензияловчи органнинг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади. Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган еғим суммаси қантарилмайди.

Суғурталовчилар ва суғурта брокерининг суғурта фаолиятини лицензиялаш белгиланган схемага мувофиқ амалга оширилади. Белгиланган схемага асосан, суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш жараёни 6 та босқични ўз ичига олиб, дастлаб лицензия талабгори зарур ҳужжатларни тайёрлайди ва уни кўриб чиқиш учун Молия вазирлигига тақдим этилади. Кейинги босқичда ҳужжатлар Молия вазирлиги томонидан қабул қилинади ва кўриб чиқиш учун эксперт комиссиясига берилади. Эксперт комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни батафсил ўрганиб чиқиб, суғурталовчига ёки суғурта брокерига лицензия бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда суғурта назорати давлат органига юклатилган суғурта фаолиятини лицензиялаш ваколати, пировардида, барча суғурталанувчиларнинг, яъни суғурта компаниялари мижозларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Бундай тизим нафақат давлат манфаатлари балки, суғурталовчилар ҳамда суғурталанувчилар манфаатларига мос келади.

2.3. Суғурта ташкилотларини давлат томонидан бошқаришда ривожланган мамлакатлар тажрибалари

Доимий равишда ислохотларни талаб қилув молия бозорининг ажралмас қисми ҳисобланган суғурта бозорининг ҳам ички ҳам ташқи бозордаги фаолиятини ривожланиши, давлатнинг ушбу тизимни бошқаришига бевосита боғлиқдир. 1994 йилда ташкил қилинган «Суғурта назорати органлари халқаро ассоциация»си доирасида суғурта хизматлари савдосини назорат қилишнинг халқаро стандартлари ишлаб чиқиладиган бўлди, бу стандартларда ҳар бир мамлакатнинг миллий сиёсатидан келиб чиққан ҳолда суғурта бозорини назорат қилишда маъмурий ёки иқтисодий методлардан қай бирини қўллаш мумкин эканлигини танлаш мақсад қилиб олинган.

Назорат ва бошқарув функцияларини ўзида мужассам этган ижро ҳокимиятининг органи мақомига эга бўлган давлат суғурта назорати органлари суғурта фаолиятини бошқаришда асосий ўринни эгаллайди. Турли мамлакатларда суғурта назорати органи турли вазирликлар ёки идоралар қошида очилган бўлишига қарамасдан мустақил равишда ҳаракат қилиши ва қарорлар қабул қилиши даражасида бўлади.

Кўпгина мамлакатларда суғурта назорати органи тўлиқ мустақилдир. АҚШ да – ҳар бир штатда алоҳида суғурта муомалалари назорати комиссарлари фаолият юритади, Германияда – суғурта фаолияти назорати Федерал молия идораси томонидан, Францияда суғурта фаолияти устидан назорат ва бошқарув суғурта назорати Комиссияси томонидан, Швецияда – суғурта инспекторлиги томонидан, Буюк Британияда эса – бу функциялар савдо ва саноат Департаментига юклатилган, Канадада – суғурта фаолияти назорати Молия вазирлиги қошидаги ташкилотлар томонидан амалга оширилади, Россияда эса – давлат суғурта назорати Молия бозорлари бўйича федерал хизмати органи томонидан олиб борилади.

Юқоридаги айрим мамлакатларнинг суғурта назорати органлари ҳақида хусусий ҳолатда тўхталсак.

АҚШ да суғурта фаолиятини давлат томонидан бошқарилиши. АҚШда суғурта соҳаси ҳар бир федерал штатнинг ўз назорати остида олиб борилади. Бутун мамлакат миқёсида фаолият юритмоқчи бўлган компания ўз фаолиятини 50 та штатнинг федерал қонунлари, Колумбия умумдават округи ва Пуэрто-Рико қонунларига мос ҳолга келтириши зарур. Шундан келиб чиқадики Суғурта компанияси 50 та федерал ҳокимиятдан, Колумбия округи ва Пуэрто-Рико ҳокимиятларидан, яъни умумий ҳисобда 52 та рухсатнома олиши керак бўлади.⁵⁰

Ҳозирги вақтда Сенат ва Вакиллар Палатаси комитети томонидан доимий изланишлар олиб борилади ва суғуртани давлат назорати муаммолари, саволлари бўйича йиғилишлар ўтказилиб турилади.

Федерал штат ҳудудида *Ички даромадлар федерал хизмати- ИДФХ* (Internal Revenue Service) суғурта компаниясининг ташкилий-ҳуқуқий шакли, инвестицион фаолият йўналиши ва тизими, солиқ сиёсати орқали суғурта компанияларининг суғурта захиралари миқдорига таъсир қилиб туради, суғурта хизматларининг нархи ва ҳаёт суғуртаси шартномаларини ишлаб чиқиши устидан назорат ва кузатув олиб боради.

Суғурта соҳасини бошқаруви билан шуғулланувчи яна бир муҳим орган *Депозитлар суғуртаси федерал корпорацияси – ДСФК* (Federal Deposit Insurance Corporation) ҳисобланади. Бу корпорациянинг вазифаси турли кредит институтларини суғуртасини олиб борилиши устидан назорат қилиш ва мамлакатнинг молиявий бозорини барқарорлигини қўллаб қувватлашдан иборат. Айнан ДСФК биринчи навбатда суғурта назорати билан шуғулланади.

Фонд биржалари ва қимматли қозғозлар бўйича комиссия – ФБҚҚК суғурта хизматларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни назорат қилади, шу жумладан ҳаёт суғуртаси ва рентани қамраб олади. Давлат капитали иштирок этган суғурта компанияларини назорат қилиш ҳам шу Комиссияга

⁵⁰ Н.Г. Адамчук «Мировой страховой рынок на пути к глобализации» М: Российская политическая энциклопедия, 2004. 420 – бет.

юклатилган. Давлат капитали иштирок этган компаниялар Комиссияга молиявий ҳисоботларини ва ишчи-ходимлар ҳақидаги маълумотларни қамраб олган хужжатларни тўпламини топширади. Шу билан бир қаторда Комиссия қимматли қоғозлар билан боғлиқ ноқонуний операциялар, фирибгарликларга қарши курашишга жавобгардир.

Федерал ҳокимиятнинг бошқа органлари ҳам суғурта фаолиятини бошқаришда катнашади. Масалан, Савдо департаменти, АҚШ Савдо ваколатхоналари давлат департаменти ҳаракатларининг натижаси бўлиб Америка суғурта компаниялари Шимолий Америка Эркин Савдо Зонаси доирасида Канада ва Мексика бозорларига кириш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Федерал заҳира тизими – ФЗТ (Federal Reserve System), Президент томонидан тайинланадиган *Валюта назоратчиси* (Controller of the Currency), *Суғурта қонуноносларининг миллий конференцияси* - СКМК, бутун АҚШ ҳудудида ўз комиссарларига эга бўлган *Суғурта комиссарлари миллий ассоциация* – СКМА (National Association of Insurance Commissioners) лари ҳам суғурта фаолиятини бевосита бошқаришда иштирок этади.

Барча 50 та штат, Колумбия округи, Пуэрто-Рико, Гуамадаги суғурта комиссарлари Суғурта комиссарлари миллий ассоциациясига (СКМА) аъзодир. Комиссарлар даврий йиғилишларида ўзаро маълумотлар билан алмашишади, фаолият назоратини жамлайди, қонунчилик ва турли штатлар сиёсатига ўз таклифларини ишлаб чиқади. СКМА суғурта фаолиятини тартибга солувчи ва мувофиқлаштирувчи орган бўлиши билан бир қаторда штатлар устидан назорат қилувчи ҳам ҳисобланади. Бу ассоциация бошқаришнинг ягона стандартларини ва қонунларини (Model Acts) ишлаб чиқади, СКМА миллий йиғилишида қабул қилингандан кейин штатлар қонунчилигига ўзгартиришлар киритиш керак бўлади. Бу қарорлар тавсия кучига эга бўлиб, штатлар қабул қилмаслик ҳуқуқига эга. Лекин шу пайтгача бундай ҳолат кузатилмаган.

Мамлакат миқёсида барча суғурта компаниялари СКМА таклиф қилган йиллик ҳисобот шаклларида фойдаланади, инвестиция шаклида йўналтирилмоқчи бўлган қимматли қоғозларни баҳолашнинг ягона қоидаларини қабул қилади, компанияларни молиявий текширувларини ягона тизимини ишлаб чиқади, штатлардаги суғурта компанияларини тўлов қобилиятини назорат қилишни кучайтириш бўйича давлат сертификация дастурларини яратади.⁵¹

Германияда суғурта фаолиятини давлат томонидан бошқарилиши. Германияда суғурта фаолияти кўп йиллар ҳукумат томонидан қаттиқ назоратга олинган эди. Бу ҳолат ҳаёт суғуртаси ва ҳаёт билан боғлиқ бўлмаган суғурта соҳасида европа йўриқномасининг «учинчи буғини» қабул қилинишигача давом этди. Европа йўриқномаси амал қилиши бошлангандан кейин суғурта тарифлари либераллашди, шартномаларнинг бош шартларини маъмуриятдан дастлабки рухсат олишга эҳтиёж қолмади. Суғурта компаниялари ўртасидаги рақобат шартлари қайишувчан ҳолатга келди, лекин капитални узоқ муддатга жойлаштириш ва ҳисобини юритиш бўйича давлат назорати қаттиқлигича қолмоқда. Суғурта фаолиятида эркинлик тамойили эълон қилинган бўлсада, Германия ҳудудида фаолият юритадиган хориж суғурта компаниялари ўз юртларида лицензияга эга бўлсаларда, бу ҳудудда маълум талабларни бажаришлари керак.

Германияда суғурта иши қаттиқ назорат қилинадиган соҳадир. 1983 йилда қабул қилинган «Давлат суғурта назорати тўғрисидаги» қонун (Versicherungsaufsichtsgesetz - VAG)⁵² ҳозирги кунда суғурта муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларини ўзида жам қилган асосий қонун ҳисобланиб, унга 1985 йил декабрида, 1990 йил октябрида ўзгартиришлар киритилган.

Суғурта фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган юридик шахс 1 май 2002 йилда ташкил қилинган, Федерал Молия Вазирига ҳисобот

⁵¹ Н.Г. Адамчук «Мировой страховой рынок на пути к глобализации» М: Российская политическая энциклопедия, 2004. 423 – бет.

⁵² Ўша манба. 115 – бет.

топширадиган «Суғурта фаолияти назорати Федерал молия идораси» (Federal Financial Supervisory Authority ёки BaFin)дан лицензия олиши керак. Назорат органи суғурта компанияларининг тадбиркорлик фаолиятини молиявий ва ҳуқуқий назорат доирасида бошқариб боради. Давлат томонидан суғурта соҳасини бошқариш бўйича 1994 йилда рўй берган баъзи бир ўзгаришлардан кейин Назорат органининг ваколатлари бир мунча камайди, бу ўзгаришлар Европа Иттифоқининг суғурта хизматларини хилма хиллигини ошириш, соғлом рақобатни юзага келтиришга қаратилган сиёсати натижасидир. Бироқ суғурта компанияларнинг суғурта қилдирувчилар манфаатларига таҳдид соладиган ҳаракатларини олдини олиш ҳали ҳам Федерал назорат органи вазифаси ҳисобланади. Шу муносабат билан *BaFin* нинг вазифалари қўйидагилардан иборатдир:

- суғурта ва қайта суғурта фаолияти билан шуғулланишга лицензия бериш;
- жорий назоратни амалга ошириш;
- суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини ва тўлов қобилиятини текшириб бориш;
- суғурта қилдирувчиларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш;
- рақобат курашининг махсус қоидаларига риоя қилишлари устидан назорат олиб бориш;
- суғурта қилдирувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш шулар жумласидандир.

Немис суғурта назорати қонунчилиги бўйича тўғридан-тўғри суғурта шартномалари тузиш учун суғурта компанияси мулкчилик шаклининг акционерлик жамияти, биргаликда суғурталаш жамияти, жамоа корпорацияси ёки муассасаси бўлиши лозим. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики бир шахсга тегишли бўлган, шахсий ширкат, маъсулияти чекланган жамиятлари кўринишидаги ташкилотлар фаолиятига йўл қўйилмайди. Қайта суғурта фаолияти билан шуғулланадиган компанияларга бундай чегаралар мавжуд эмас, бироқ немис бозорида фаолият юритаётган аксарият қайта

суғуртачилар акционерлик жамиятлари шаклига эга. Ҳаттоки қайта суғурта компаниялари назорат органидан махсус рухсатнома олишлари ҳам шарт эмас, биргаликда суғурталаш жамиятлари бундан мустаснодир. Назорат органига қайта суғурта фаолияти билан шуғуллунмоқчи эканлиги ҳақида билдирги хат бериб қўйса шунинг ўзи кифоя. Қайта суғуртачиларга VAG нинг фақатгина айрим бандлари тегишлидир, масалан, компаниянинг ташқи ва ички бухгалтерия ҳисобот тизими тўғрисидаги банд. Қонуннинг суғурта компаниясини ўз маблағлари заҳиралари ва тўловга лаёқатлилиги маржаси банди ҳам қайта суғуртачиларга тадбиқ қилинмайди. BaFin нинг қароргоҳи Берлинда жойлашган бўлиб, Германиядаги барча миллий ва хорижий суғурта компаниялари устидан мажбурий давлат назоратини олиб боради.

Францияда суғурта фаолиятини давлат томонидан бошқарилиши.

Дунёнинг барча мамлакатларида бўлгани каби Францияда ҳам суғурта фаолияти давлат томонидан қаттиқ назоратга олинган соҳадир. Суғуртанинг жамоатчиликка фойдасини ва суғурта компанияларини иқтисодий ёлғизликдан ҳаракатлантирувчи кучлардан бири эканлигини ҳис қилган ҳолда давлат суғурта бизнесини ривожини рағбатлантиришни ўз зиммасига олган. Француз Суғурта Кодексининг L 310.1 моддасида шундай келтирилган: «Суғурта устидан давлат назорати суғурта қилдирувчиларнинг ва наф олувчиларнинг суғурта шартномалари ва капитални жойлаштириш манфаатларидан келиб чиқиб амалга оширилиши даркор»⁵³.

Францияда суғуртани тартибга солиш Молия ва иқтисодий вазирлиги қошидаги Ғазначилик бошқармасига қарашли суғурта бизнесини назорат қилиш Бошқармаси томонидан амалга оширилади. Ушбу Бошқарманинг вазифалари суғурта бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқиш, хусусан, қонуний, иқтисодий ва солиқ жиҳатларини қамраб олган ҳолда албатта. Суғурта компаниялари устидан назоратни 1989 йилда ташкил қилинган суғурта бизнеси устидан назорат қилувчи Комиссия олиб боради. Комиссия

⁵³ Н.Г. Адамчук «Мировой страховой рынок на пути к глобализации» М: Российская политическая энциклопедия, 2004. 130 – бет.

Молия вазирлиги томонидан тайинланадиган бешта аъзоларидан иборатдир, уларга: Давлат маслаҳатчиси, Кассацион суд магистри, Ҳисоб палатаси аъзоси, қолган иккита аъзо суғурта ва молия соҳасидаги мутахассислардир. Комиссия амалий ишларни олиб бориши учун назоратчи-комиссарлар гуруҳига эга. Ўз иши давомида Комиссия бухгалтерия операцияларини, техник захиралар назорати, тўловга лаёқатлилигини таҳлили, инвестицияларни назоратини асосий мақсад қилиб олади. Комиссия фақатгина тўғридан тўғри суғуртачиларни назорат қилади.

Францияда бошқа мамлакатларда бўлгани каби суғурта ташкилотларининг икки хил юридик шакли қонунчилик билан кўзда тутилган:

- акционерлик жамиятлари, тижорат ташкилотларига тегишли қонунчилик асосида фаолият юритадиган;

- биргаликда суғурталаш жамиятлари, суғурта қилдирувчиларнинг тижоратга асосланмаган жамиятлари.

Қонунчилик билан суғуртачиларнинг энг кам низом жамғармаси даражасига ҳам талаблар белгилаб қўйилган. Акционерлик жамиятлари ва биргаликда суғурталаш жамиятларининг фаолият соҳасига қараб (life, non-life) низом жамғармасига қўйидагича талаблар мавжуд (9-жадвал). Комиссия суғурта компаниясининг молиявий ҳолати устидан диққат билан кузатиб боради, агарда ҳолати ёмонлашса суғурта компаниясига огоҳлантириш беради ёки маълум вақт ичида молиявий ҳолатини яхшилаш талабини қўяди. Суғуртачининг ҳаракати суғурта қилдирувчиларнинг манфаатларига зид эканлиги хулосасига келса Комиссия компаниянинг молиявий фаолияти режасини талаб қилади ёки активларини музлатиб қўйишгача боради. Назорат органи ҳал қилувчи қарор сифатида лицензияни қисман ёки тўлиқ тўхтатиб қўяди.

Францияда Суғурта компанияларининг Низом жамғармасыга талаблар⁵⁴

Юридик шакли	Низом жамғармасы LIFE (ҳаёт) (млн.евро)	Низом жамғармасы NON-LIFE (умумий) (млн.евро)
Акционерлик жамиятлари	3,0	1,5
Биргаликда суғурталаш жамиятлари	5,0	2,5

Буюк Британияда суғурта фаолиятини давлат томонидан бошқарилиши.

Буюк Британияда суғурта фаолияти устидан назоратни Давлат котиби томонидан бошқариладиган Ғазначилик департаментининг (Tresuary) зиммасига юклатилган. Департаментнинг зиммасига суғурта фаолиятини лицензиялаш, суғуртачиларнинг молиявий барқарорлиги устидан назорат қилиш, суғурта шартномаларини тузиш ва мажбуриятларни бажарилишини текшириш каби вазифалар юклатилган.

1982 йилда қабул қилинган Қонун (Lloyd’s Act) га асосан Қироллик ҳудудида қўйидаги компаниялар суғурта фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга:

- 1982 йилгача очилган ёки Қонуннинг 3-моддасига муфовиқ лицензия олган суғурта компаниялари;
- Lloyd’s андеррайтерлари;
- руйхатга олинган биргаликда суғурталаш жамиятлари (Friendly Societies);
- иш ташлаш рискларидан ҳимоя қиладиган - тадбиркорлар ассоциацияси ва касаба уюшмалари.⁵⁵

Буюк Британия ҳудудида фаолият юритмоқчи бўлган компания руйхатга олинган бўлиши керак. Суғуртанинг ҳар бир тури учун алоҳида лицензия

⁵⁴ SwissRe ташкилотининг SIGMA журнали маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

⁵⁵ Н.Г. Адамчук «Мировой страховой рынок на пути к глобализации» М: Российская политическая энциклопедия, 2004. 104 – бет.

олиниши зарур. Ўз вақтида лицензия бериш тўғрисидаги хулоса 6 ой муддат ичида қабул қилинади ва эълон қилинади. Давлат котиби суғуртачининг раҳбарлари (директорлари, менеджерлари, бош вакиллари, асосий суғурта агентлари) касбий талабларга жавоб бермайди деган хулосага келса лицензия беришдан бош тортиш ҳуқуқига эга. Бироқ инглиз қонунчилигида ходимнинг эгаллаб турган лавозимига лойиқлигини баҳолаш мезонлари мавжуд эмас. Давлат котибининг қарорига норозилик билдириш муомалалари қонун билан келтириб ўтилмаган.

II боб бўйича хулосалар

Суғурта қонунчилиги талабларига риоя қилиниши, суғурта қилдирувчиларнинг, манфаатдор шахслар ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиниши, суғурта ишини самарали ривожланиши мақсадида суғурта фаолияти устидан давлат назорати қонунийлик, ошкоралик, ташкилий бирлик тамойиллари асосида олиб борилади

Дунёнинг барча мамлакатларида суғурта фаолияти давлат томонидан қаттиқ назоратга олинган соҳадир. Суғуртанинг жамоатчиликка фойдасини ва суғурта компанияларини иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи кучлардан бири эканлигини ҳис қилган ҳолда давлат суғурта бизнесини ривожини рағбатлантиришни ўз зиммасига олган. Суғурта устидан давлат назорати суғурта қилдирувчиларнинг ва наф олувчиларнинг суғурта шартномалари ва капитални жойлаштириш манфаатларидан келиб чиқиб амалга оширилади. Суғуртачиларнинг фаолияти суғурта хизматлари турининг ҳар бирига алоҳида лицензиялаш тартибида олиб борилади.

Ўзбекистонда суғурта назорати давлат инспекцияси фаолияти таҳлили шуни кўрсатдики, қонунчилик билан тартибга солинадиган меъёрий база, унинг услубий воситалари бугунги кунда суғурта бозоридаги сифат жиҳатидан ўзгаришлар талабларидан биров ортида қолмоқда. Бу кўп жиҳатдан назорат функцияларини такомиллаштиришнинг услубий вазифаларини бажарувчи назорат органи ривожланган тизимининг мавжуд эмаслиги, назорат технологияси ахборот таркибий қисмининг паст даражада.

**III Боб. Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятининг меъёрий-
ҳуқуқий асосини давлат томонидан янада такомиллаштириш,
шунингдек ушбу фаолиятни бошқаришдаги муаммолар**

**3.1. Республика суғурта бозоридаги мавжуд муаммолар ва уларни
бартараф этиш истиқболлари**

Ҳозирги вақтда суғурта жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига бозор иқтисодиёти шаклланган мамлакатларда кузатиладиган даражада сезиларли таъсир кўрсатмаяпти. Бундай ҳолатнинг асосий сабаби шундан иборатки, республикамызда суғурта фаолиятининг ривожланишига тўсқинлик қилувчи омилларнинг таъсири ҳамон кучли. Шулардан энг муҳимлари, қўйидагилардан иборат:

1) ўсиш муаммолари – суғурта хизматларининг маълум сегментига боғланиб қолиш, ҳаётни суғурта қилиш ва аҳолининг кенг қатламларини камраб олувчи йўналишларнинг ривожланмаганлиги, менежментнинг паст даражаси, рақобат асосларининг ривожланмаганлиги;

2) суғурта хизматлари истеъмолчиларининг муаммолари – аҳоли катта гуруҳларининг суғурта компанияларининг ишончлилигига шубҳа билан қараши, суғурта маданиятининг тегишли даражаси, аҳоли даромадлари, инфляцион кутишлар билан боғлиқ суғурта хизматларига бўлган талабларнинг пастлиги ва бошқалар.

Суғурта бозори ҳозирги ҳолатининг таҳлили қўйидаги ҳам ижобий, ҳам салбий тенденцияларни ажратиш имконини берди. Сўзсиз, ижобий ҳолатлар жумласига суғурта хизматларининг ҳажми ва суғурта компаниялари капиталлашувининг доимий равишда ўсиши киради. Масалан, таҳлил қилинаётган даврнинг охирига келиб суғурта мукофотлари ҳажмининг ўсиши тахминан 6,5 мартани ташкил қилди (10 - жадвал).

Шу билан бирга, ушбу даврда умумий суғурта мукофотлари ўсиш суръатларининг ҳар йили ўртача 25-40 фоизга ўсишига қарамасдан суғурта мукофотларининг ЯИМдаги улуши пастлигича қолди ва унинг ҳажми 0,3

фоиздан ошмади. Бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда суғурта бозорининг 55-60 фоизини ташкил қиладиган ҳаётни суғурта қилиш улуши ҳозирги даврда жуда паст.

10 - жадвал

Суғурта мукофотларининг суғурта қопламалари учун йўналтириш кўрсаткичлари⁵⁶

Йиллар	Суғурта мукофотлари (млн.сўм)	Суғурта қопламалари (млн.сўм)	Мукофотга нисбатан қоплама (фоиз хисобида)	Ўсиш ёки камайиш (фоиз хисобида)
2006	49 700,0	6 900,0	13,9	+2,6
2007	73 600,0	8 700,0	11,8	-2,1
2008	88 000,0	15 500,0	17,6	+5,8
2009	146 130,0	20 700,0	14,2	-3,4
2010	175 500,0	27 600,0	15,7	+1,5
2011	231 600,0	45 100,0	19,5	+3,8
2012	286 000,0	46 006,0	16,1	-3,4
2013	338 480,0	66 920,0	19,7	+3,6
2014	439 134,1	74 632,6	17	-2,7

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофотларининг барқарор ўсиши қайд этилган бўлсада 1 743,85 сўмдан 14 165,6 гача, суғурта мукофотларининг жисмоний ҳажми жуда кам бўлиб, уни мукофотларнинг жаҳон амалиётида тан олинадиган энг кам миқдори билан таққослаб бўлмайди.

⁵⁶ Давлат суғурта назорат инспекциясининг йиллик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Мустақил экспертларнинг баҳолашича, республикамизда ҳозирги вақтда эҳтимолий суғурта объектларининг 1 фоиздан ками суғурта қилинган, иқтисодий ривожланган мамлакатларда эса бу кўрсаткич 90-95 фоизни ташкил қилади. Бундан ташқари, суғурталовчилар таклиф қилаётган суғурта хизматларининг доираси кам, буни эса хорижий суғурталовчилар таклифи билан солиштирилганда етарлича ривожланмаган, бу ҳам мамлакатимиз суғурта бозорининг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Бироқ, ҳозирги вақтда Ўзбекистон суғурта бозорида сифат жиҳатидан ижобий ўзгаришлар ҳам кўзга ташланмоқда. Улар асосан суғурта бозорининг ривожланишидаги бўлғуси сифатли ўзгаришларининг асоси ҳисобланган унинг институтционал базасининг ривожланиши билан боғлиқ. Институтционал ўзгаришлар: суғурта компанияларининг йириклашуви, суғурта фаолиятини ўзини-ўзи бошқариш жараёнининг вужудга келиши (Суғурта бозори профессионал иштирокчилари Уюшмаси), давлат назорати тизимининг ривожланиши каби тенденцияларни тавсифлайди.

Суғурта соҳасининг жадал ривожланиш йўлига ўтиши, аваламбор, минтақавий суғурта тузилмаларини ривожлантириш истикболлари, янги суғурта шу жумладан, интернет – суғуртанинг ривожланиши ва бошқарув технологиялари бўлган жараёنли ёндашув, компьютер технологиялари асосида ишлаб турган суғурта компаниялари фаолияти самарадорлиги, корпоратив бошқарув самарадорлигининг ошиши, кадрлар таркиби сифатининг яхшиланиши, шунингдек суғурта бозорида рақобатнинг ривожланиши билан боғлиқ.

Суғурта бозорининг барқарор ривожланиши учун менежментнинг янги сифати, компанияларнинг иқтисодиётдаги ўзгаришларга тезда мослашиши қобилиятлари билан боғлиқ ўзгаришлар ҳам муҳим ҳисобланади. Бунда бошқарувни такомиллаштириш жараёни компаниялар фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларининг ишлаб чиқилган тизимига асосланиши

керак, уларнинг энг асосийлари суғурта хизматларининг сифати билан боғлиқ кўрсаткичлари бўлиши мумкин.

Суғурта компаниялари ўз фаолияти ва ривожланишининг турли шароитлари туфайли намунавий бошқарув ёндашувларидан фойдалана олмайди. Бироқ, у ёки бу компанияни бошқаришга нисбатан умумий ёндашув бошқарувнинг истеъмолчилар эҳтиёжларига, менежментга нисбатан тизимли ёндашувга, жараёنли ёндашувдан имкон қадар кўпроқ фойдаланишга, ходимларни стратегик вазифаларни ҳал этишга фаол жалб қилишга эътиборни кучайтириш билан боғлиқ менежмент фалсафасига асосланиши керак.

Рақобат шароитларини такомиллаштириш Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, ижроия ҳокимият органлари, суғурталовчилар жамиятлари ва Савдо-саноат палатаси томонидан ҳал этиладиган кўп қиррали вазифа ҳисобланади. Суғурта бозорида соғлом рақобат муҳитининг шаклланиши монополияга қарши қонунчиликни янада такомиллаштирилиши билан ҳам, давлат суғурта компанияларини хусусийлаштириш жараёнлари билан ҳам боғлиқ. Суғурта бозорида фаолият юритишнинг тенг ҳуқуқли шароитлари суғурта хизматлари сифатининг яхшиланишига, улар руйхатининг кенгайиши ва нархининг пасайишига, суғурта компанияларининг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини ошишига кўмак беради.

Суғурта ҳуқуқи ривожланган тизимининг шаклланиши суғурта операциялари ҳуқуқий базасининг янги моделини тузишни, суғурта қилдирувчилар ва суғурталовчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни, суғурта фаолияти иштирокчиларининг истеъмолчилар манфаатлари билан боғлиқ фаолиятини фаоллаштириш учун янги имкониятларни яратишни назарда тутди.

Очиқ ахборот муҳитини таъминлаш суғурта ҳисоботларининг халқаро

стандартларини миллий суғурта бозорининг амалиётига уйғунлаштириш чора-тадбирлари мажмуини назарда тутди. Суғурта статистикасининг стратегик прогноз қилиш ва андеррайтинг фаолиятининг сифатини, суғурта бозорининг иштирокчилари тўғрисидаги маълумотларнинг тўлиқлигини таъминловчи кенгайтирилган тизимини ташкил этиш зарур.

Мажбурий суғурта тизимининг ривожланиши унинг янги турларини пайдо бўлиши билан ҳам, суғурта субъектларининг кенгайиши билан ҳам боғлиқ. Мажбурий суғурта тизими бўйича суғурта мукофотларининг миқдори тахминан камида уч марта оширилиши керак, бу эса биринчи галда, давлат улушига эга бўлган суғурталовчиларни капиталлаштиришнинг камида 2 марта ошишини таъминлайди, шунингдек биргаликда суғурта қилишда суғурта ресурсларини бирлаштириш сиёсатини амалга ошириш учун шароит яратиш имконини беради. Ҳозирги суғурта бозорида мажбурий суғуртанинг янги маҳсулотлари пайдо бўлиши суғурта соҳаси экстенсив ўсишининг чораси бўлсада, республикамызда суғурта ривожланишининг ҳозирги босқичида ушбу чора мамлакатимиз суғурта компанияларининг ресурс базасини ва ижтимоий қалтисликларнинг суғурта таъминотини ошириш учун зарур. Бунда давлатнинг мажбурий суғуртани ривожлантиришдаги иштирокидан асосий мақсад мажбурий суғурта ва унинг амалга оширилишини назорат қилиш ва тартибга солиш тизимининг самарали фаолият юритиши таъминотларини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат бўлиши керак.

Ихтиёрий суғурта. Суғуртанинг ихтиёрий турлари яқин ва узоқ истиқболда суғурта соҳасининг асосига айланиши лозим. Аҳоли даромадларини ошириш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, асосий эътибор ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш тизимини ривожлантиришга қаратилиши керак. Суғуртанинг ушбу тури узоқ муддатли инвестиция ресурсларининг манбалари ҳисобланадиган маблағларни жалб қилишда алоҳида рол ўйнайди. Ихтиёрий шахсий суғурта ижтимоий кафолатлар родини пасайтирувчи восита бўлибгина қолмасдан уни ўрнини босиши ҳам

мумкин. Суғурта компанияларининг ёрқин ва ишончли брендларини шакллантириш бўйича бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш, суғуртанинг афзалликлари, шу жумладан банк депозитларига нисбатан унинг устунликлари тўғрисида доимий равишда тушунтириш ишларини олиб бориш зарур.

Аҳолининг туғилишининг юқори суръатлари сақланиб қолинаётган шароитда пенсия тизими ижтимоий йўналтирилганлигининг ҳозирги даражасини сақлаб туришда мунтазам суғурта тўловларини пенсиялар ва аннуитетларни суғурта қилиш орқали таъминлаган ҳолда, ҳаётни суғурта қилиш турларини ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади. Ижтимоий вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган ихтиёрий суғурта турлари уй-жой, соғлиқни сақлаш, пенсия таъминотига бўлган эҳтиёжларнинг қондирилганлик даражаси билан белгиланади. Хусусан, суғуртанинг янги турлари: уй-жой қурилиши ва уй-жойнинг бут сақланиши, тиббий суғурта, пенсияларнинг жамғарилиб бориладиган қисми, таълим, шунингдек оилавий тантаналар, тўйлар, фарзанд туғилиши, паспорт олиши каби янги суғурта турларини пайдо бўлишига туртки берилади.

Бир қалтисликнинг бир неча суғурта компанияси томонидан биргаликда суғурта қилиниши, яъни суғурта пули ёки суғурта шерикчилиги орқали суғуртага йирик ва янги қалтисликларни қабул қилиш имконини беради. Суғурта ва қайта суғурта қилиш пулларида мажбурий суғуртанинг янги турларини ҳам, ихтиёрий суғурта турларини ҳам қалтисликларини қабул қилиш учун фойдаланиш мумкин.

Қайта суғурта қилиш суғурта компанияларининг молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилияти даражасини ошириш воситаси бўлиб, у мазкур компания учун юқори қалтисликларни қабул қилиш борасида қўшимча имкониятлар беради. Қайта суғурта қилиш чет эл инвесторлари, қўшма корхоналар ҳамда иқтисодиётнинг реал секторидаги йирик объектларнинг фаолияти билан боғлиқ соҳаларда ўз ролини сақлаб қолиши

керак. Бирок, чет элга топширилаётган қайта суғурта қилиш операцияларининг ҳажми миллий қайта суғурта компаниялари фаолиятининг ва суғурта пуллари айланмасини фаоллашуви ҳисобига камайтирилса бўлади.

Суғурта тармоғи инфратузилмасининг ривожланиши суғурта қилиниши лозим бўлган объектлар ва қалтисликларни, суғурта ҳодисаси юзага келиши натижасида етказилган зарар миқдорини аниқ баҳолаш зарурати билан боғлиқ. Суғурта хизматлари сифатининг яхшиланиши ва истеъмолчиларга суғурта хизматларининг кўрсатилиши актуарийлар, суғурта воситачилари, суғурта брокерлари, сюрвейерлар, авария комиссарлари, аджастерлар каби суғурта бозори иштирокчиларнинг ролини кучайтиради.

Суғурта амалиётида актуар ҳисоб-китобларнинг қўлланиши суғурта мукофотларини тўғри ҳисоблаш ва суғурта заҳираларини шакллантириш имконини берган ҳолда, молиявий натижаларнинг объектив таҳлил қилинишини таъминлайди. Актуар назорат тўлов қобилияти ва бухгалтерия ҳисобини юритиш стандартларига нисбатан замонавий халқаро ёндашувга асос қилиб олинган. Актуарийнинг ўрни ва ролини аниқлаш, актуар баҳолаш тизими, ушбу касб мутахассисларини тайёрлашга нисбатан ёндашувларни ишлаб чиқиш суғурта ҳамжамияти ва давлат томонидан алоҳида эътибор қаратиладиган масалага айланиши керак.

Юқорида келтирилган қоидаларни амалга оширилиши натижасида Ўзбекистонда суғурта бозорининг янада ривожланиши рўй беради. Суғуртанинг айрим турларини ривожлантириш, давлат органларининг суғурта компаниялари билан суғуртани ривожлантиришнинг умумий вазифаларни ҳал этиш борасидаги ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш ҳисобидан шартномалар сони, суғурта мукофотлари ҳажмининг янада ошиши юз беради.

Суғурта мукофотлари ҳажмларининг ортиши суғурталовчиларга республикамиз иқтисодиётига молиявий маблағларни инвестиция қилиш манбаи бўлиб хизмат қилувчи қўшимча молиявий маблағларни жамлаш

имконини беради. Суғурталовчилар мажбуриятлари ҳажмининг ортиши, рақобатнинг кескинлашуви суғурта компаниялари устав жамғармалари ҳажмини ошириш зарурлигини тақозо этади.

Суғурта қилдирувчиларнинг суғурта компанияларининг фаолияти ҳақида хабардорлигини ошириш, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, аҳолининг суғурта маданияти даражасини тобора ошириш суғурта тизимида молиявий маблағлар ҳажмининг ошишига, фуқаролар ва юридик шахсларнинг кенг доирасига суғурта ҳимоясининг тақдим этилишига кўмаклашади.

1994 йилнинг декабр ойида Ўзбекистон Жаҳон Савдо Ташкилотининг тўла ҳуқуқли аъзосига айланиш учун мурожаатнома топширди. 1994 йилнинг 21 декабридаги Жаҳон Савдо Ташкилотининг Бош кенгашида Ўзбекистоннинг мурожаати ижобий тарзда кўриб чиқилди ва Ўзбекистонни ташкилотга аъзолигига тайёрлаш учун ишчи гуруҳи тузиш ҳақида қарор қабул қилинди. Орадан 4 йил ўтиб 1998 йилнинг сентябр ойида Ўзбекистоннинг ташқи савдоси тизими ҳақида Жаҳон Савдо Ташкилотининг (ЖСТ) кундалик ташкилий-ижрочилик ишларини олиб боровчи бўлимида расмий тақдимоти бўлиб ўтди, тақдимотда ташкилотга аъзо бўлиш замирида чиқарилаётган қонун ва қонунчилик ҳужжатларидан нусхалар тақдим этилди. Ўзбекистоннинг ЖСТ га аъзо бўлишига тайёрлаш учун ташкил қилинган ишчи гуруҳнинг биринчи йиғилиши Женевада 2002 йилнинг 17 июлида бўлиб ўтди. Ишчи гуруҳининг йиғилишида ЖСТга аъзо бўлиш замирида Ўзбекистон томонидан ижтимоий-иқтисодий масалалар ривожланиши ва ҳолати ҳақида маъруза қилинди. Мамлакатимизни ЖСТга аъзо бўлиш фикрини ташкилотнинг доимий аъзоларидан бўлган 14 мамлакат қўллаб қувватлади. Бу ишчи гуруҳнинг иккинчи йиғилиши 2004 йилнинг 29 июнида, учинчи йиғилиши 2005 йилнинг октябр ойларида ўтказилди. Ҳар бир йиғилишда ўтган йиғилишлардан кейин мамлакатимизга нисбатан берилган саволларга жавоблар эълон қилинди. Учинчи учрашувда Ўзбекистон

томонидан чет эл тадбиркорларини мамлакатимизнинг хизматлар бозорига кириши учун ўзига хос нархлар мажмуи ва таклифлари тақдим қилинди. Барча расмийчиликлар тугагандан сўнг, Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши жараёни яққол кўзга кўриниб қолади. Бундан 15 йиллар муқаддам ташкилотга аъзолик жараёни мамлакатимиздаги Суғурта фаолияти иштирокчиларини ҳаддан ташқари ташвишлантирган эди. Бунда асосан кичик суғурта компаниялари Ўзбекистонга кириб келадиган чет эл суғурта компаниялари билан рақобатдан чучишган эди, чунки маҳаллий суғурта компанияларимиз суғурта бозоридаги ўрнини шундоқ ҳам аранг ушлаб туришган эди. Лекин шу ўтган давр ичида кичик суғурта компанияларимиз ўз молиявий мавқеларини анча тиклаб олишди, айримлари кичик суғурта компаниялардан ўрта ва йирик суғурта компанияларига ҳам айланишга улгуришди. Бу орада бозорда пайдо бўлган чет эл инвестициялари иштирокидаги суғурта компаниялари билан бўлаётган рақобат ҳам мамлакатимизни ЖСТ га аъзо бўлганидан сўнг кириб келадиган хориж суғурта компаниялари филиаллари билан бўладиган рақобат муҳитига анча тайёр қилиб қўйди. Ҳозирда республикамызда хориж суғурта компаниялари ўз инвестициялари билан суғурта компаниялар фаолиятида иштирок этишлари мумкин, лекин Бош компания бошқа мамлакатда бўлиб туриб ўз филиалларини очишлари мумкин эмас. ЖСТ га аъзо бўлганимыздан сўнг хориж суғурта компаниялари филиалларига бизнинг бозорга йўл очилади. Шунинг учун Ўзбекистон ҳукумати ЖСТ га аъзо бўлишни глобал иқтисодий тизимга интеграциялашиш йўлида муҳим қадам деб ҳисоблайди. Айни пайтда ЖСТга аъзо бўлиш биринчи навбатда Ўзбекистон иқтисодиёти манфаатлари учун хизмат қилиши, маҳаллий суғурта компаниялари манфаатларини буғиб қўймаслиги, аҳолини бандлигига, божхона сиёсатига салбий таъсир кўрсатмаслиги даркор. Мамлакатимиз ташкилотга аъзолик фақатгина аъзо бўлиш учун эмас, балки иқтисодиётимизни ривожлантиришга туртки бўлиши учун ҳар бир қадамни чуқур ўйлаб, рўй бериши мумкин бўлган оқибатларини тарозига қўйиб ҳаракат қилмоқда.

Давлат назоратини суғуртада иштирокини иккита моделини ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчи моделда давлат хорижга қайта суғуртага узатилаётган рискларни ва маблағларни назорат қилади, иккинчи моделда – давлат ўз ҳудудига норезидент суғурта компанияларини кириб келишини чеклаб қўяди ва бу жараёнда қайта суғуртага узатилаётган рискларни умуман назорат қилмайди. Хусусан давлатни қайта суғуртага узатилаётган рискларни назорат қилмаслигида республикадан катта миқдорда валюта оқимлари чиқиб кетишига олиб келади.

Юқоридаги таҳлилларимиздан кўриб ўтдики мамлакат иқтисодиётида Ўзбекистон суғурта бозори салмоқли ўринни эгалламайди. Саноати ривожланган мамлакатларда ЯИМ да суғуртанинг улуши 8-10 фоиз даражада, Европада 5 фоиз, Россияда 3 фоиз бўлиб турган бир пайтда республикамызда бу кўрсаткич 0,3 фоиздан ошмайди. Таҳлилчиларнинг фикрича ЖСТ нинг шартлари билан хорижий суғурта компанияларига суғурта бозоримизга кенг йўл очиб берсак бу ҳолат миллий суғурта бозорига оғриқсиз бўлади. Яқин беш йилда Ўзбекистон ЯИМ да суғуртани улушини камида 3 фоизга оширишига тўртки бўлади.

Шундай бўлган тақдирда ҳам Ўзбекистон ЖСТ га аъзо бўлганда суғурта фаолияти иштирокчиларига салбий ҳолатни келтириб чиқарадиган ҳеч қандай ҳолат юз бермайди. Биринчидан, Ўзбекистон суғурта бозори хориж суғурта компаниялари учун шу вақтгача ҳам доим очиқ бўлган. Иккинчидан, хориж суғурта компанияларининг филиаллари ҳақиқатдан ҳам бозорга кириб кела бошласа, уларга нисбатан айрим талаблар қўйилади, масалан, солиқ тўлаш бўйича талаблар, заҳираларни шакллантириш, ўзлик капиталини ва низом жамғармасини шакллантириш бўйича талаблар шулар жумласидандир. Бу талабларни ҳеч қандай ажабланарли жойи йўқ, чунки чет эл мамлакатлари ҳудудида хориж суғурта компаниялари филиаллари фаолият юритса солиқ тўлашлари, бош компания руйхатдан ўтган мамлакатда эмас шу мамлакат ҳудудида заҳираларни шакллантиришлари зарур.

Ташкилотга аъзолик эълон қилингандан сўнг шак-шубҳасиз айрим суғурта қонунларига ўзгартиришлар киритиш лозим бўлади. Жумладан «Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун»га, ваҳоланки суғурта бозорининг ҳуқуқий муомалаларида янги иштирокчи «хориж суғурта компанияси филиали» пайдо бўлади, ҳозирда қонунчилигимизда бундай иштирокчининг ҳаракатлари ҳақида ҳеч нарса кўзда тутилмаган. Мамлакатимиз ҳудудида пайдо бўладиган хорижий янги суғурта иштирокчиларига қонунчилик билан бириктирилган ҳолда кенг йўл очиб берилиши зарур.

Айни пайтда Ўзбекистон ЖСТ га аъзо бўлганда суғурта бозорига кириб кела бошлаган хорижий иштирокчилар билан мамлакатимизда фаолият юритаётган суғурта компаниялардан 10 таси рақобатлаша олиши мумкин, қолганлари эса давлатнинг қўллаб қувватлашига мухтож бўлади.

ЖСТ га аъзо бўлганда Ўзбекистон суғурта бозори учун устунлик ва камчиликларини келтириб ўтамиз, жумладан устунликлари:

- капитализация даражасини ортиши ва хорижий инвесторларни кириб келиши билан миллий суғурта бозорини кўламини кенгайтириши;
- суғурта тизимини ривожлантиришга чет эл инвестицияларини жалб қилиш имкониятини ошириши;
- сотишнинг замонавий технологиялари «ноу-хау»нинг кириб келиши;
- суғурта хизматларини сифатини кўтарилиши, тақдим этилаётган суғурта хизматларида тўхталишларни камайтириши;
- миллий бозорда рақобатни кучайтириши ва маҳаллий иштирокчиларни фаолиятини жадаллаштириб юбориши;

Камчиликлари эса қуйидагилардан иборат:

- валюта захираларини қайта суғурта операциялари кўринишида хорижга чиқиб кетиши;
- суғурта орқали ички инвестицион захираларни катта қисмини халқаро молиявий бозорга чиқиб кетиши;

- суғурта заҳиралари ва инвестицион капитални устидан миллий назоратни йўқотилиши;

- йирик хорижий суғурта компанияларининг кириб келиши билан суғурта хизматлари нархида нархларнинг тушиб кетиши кузатилиши, бу эса миллий бозордаги айрим иштирокчиларни ночор аҳволга тушириб қўйиши мумкин;

- халқаро молиявий бозордаги ўзгаришлар ва спекулятив операцияларга юқори даражада таъсирчан бўлиб қолиши;

- маҳаллий компанияларда банд бўлган бошқарув ва ишчи ходимларни хориж компанияларига кўчиб ўтиши.

3.2. Суғурта фаолиятини давлат томонидан ривожлантириш ҳамда мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича таклифлар

Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек: “Суғурта назоратига кучли бозор, бозорга кучли суғурта назорати керак”⁵⁷. “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни⁵⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг йил 5 апрелда 359-II-сон Қарорига мувофиқ амалга киритилган, унда суғурталашнинг ҳуқуқий пойдевори шакллланган.

Ушбу, қонуннинг 10 моддасида “Махсус ваколатли давлат органи” бўйича алоҳида тўхталган. Унда, суғурта ташкилотларини фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш суғурта муносабатлари барча иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофаза этилишини таъминлашга қаратилгандир. Суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган махсус ваколатли давлат органи амалга оширади.

⁵⁷ Ислохотлар стратегияси - мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. Президент Ислам Каримовнинг 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузаси. Ўзбекистон, 2000. – 54 бет.

⁵⁸ Ўзбекистон Республикаси "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги қонуни - "Халқ сўзи", 2002 йил 28 май.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 июндаги 286 сонли “Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш чора тадбирлари тўғрисида”ги⁵⁹ ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли "Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги⁶⁰ қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига давлат суғурта назорати функцияси юклатилиб, унинг ҳузурида “Суғурта назорати давлат инспекцияси” ташкил қилинди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг суғурта фаолияти масалалари бўйича ваколатлари доирасида чиқарилган норматив ҳужжатлари давлат бошқарув органлари, юридик шахслар, бирлашмалар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади. Республикамизда суғурта ишининг ривожланиши, суғурта бозорини ислох қилишнинг бошланғич босқичи эканлигидан далолат беради. Бу борада республика суғурта бозорини ривожлантиришда давлат миқёсида чора-тадбирларни қабул қилиш учун объектив талаблар юзага келди.

Ўзбекистонда суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солиш мақсадлари, вазифалари ва йўналишлари қўйидагилардан иборат.

Мақсадлари:

- фуқароларнинг ва давлатнинг суғурта хизматларига бўлган талабларини максимал даражада қондириш;
- Ўзбекистонда суғурта бозорининг ривожланишини ва такомиллашишини жаддалаштиришга замин яратиш.

Ушбу мақсадларга эришиш учун қўйидаги вазифалар ҳал қилиниши шарт:

⁵⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 июндаги "Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш чора тадбирлари тўғрисида"ги 286-сон қарори. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 1998 йил, 7-сон, 24-модда.

⁶⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари тўплами. - Т.: 2002 йил 11-сон.

- Ўзбекистонда суғурта фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликни янада шакллантириш ва такомиллаштириш (биринчи навбатда қайта суғуртага ва ўзаро суғуртага, тиббий суғуртасига тегишли);

- Ўзбекистонда суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиниш норматив ҳуқуқий базасини янада ривожлантириш (хусусан суғурта компанияларни инвестицион фаолияти ва Ўзбекистон Республикасида чет эл суғурта компаниялари фаолият олиб бориши тўғрисида);

- суғурта ривожланишини солиқ қонунчилиги йўли билан рағбатлантириш (чет элга узатиладиган қайта суғуртада солиқни камайтириш);

- Ўзбекистон Республикасида суғурта бозори инфратузилмасини тезлашган ҳолда шакллантириш.

Республикада суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солиш асосий йўналиши эса - республикада суғурта бозорини ривожланишини янада жаддалаштиришдир.

Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг ягона давлат сиёсатини белгилашда асосан қўйидагиларни амалга ошириш лозим:

- суғурта муносабатларини тартибга солувчи амалдаги қонунчилик ва суғуртавий ҳуқуқ тизимини шакллантиришни такомиллаштириш;

- Ўзбекистон ҳудудида суғурта ташкилотларини назорат қилиш тамойилларини тартибга солиш ва такомиллаштириш механизмларини ишлаб чиқиш;

- мажбурий суғурта соҳасида фуқаролар, ташкилотлар ва давлат манфаатларини суғуртавий ҳимоялашнинг норматив ҳуқуқий базасини ривожлантириш.

Аҳолининг кенг қатлами ва турли хил мулкчилик шаклдаги ташкилотларни суғуртага жалб қилишни рағбатлантирувчи шароитларни яратиш мақсадида қўйидаги ишларни амалга ошириш керак:

- тиббий суғурта, узоқ муддатли йиғилиб боровчи ҳаёт суғуртаси, пенсия суғуртасини ривожлантириш учун меъёрий ҳуқуқий базасини шакллантириш;

- юқорида айтиб ўтилган суғурта турларини солиқ қонунчилиги билан рағбатлантириш;

- маблағларни жойлаштириш учун қўшимча кафолатлаш ўтказиладиган суғурта муомалаларининг рентабеллигини ошириш мақсадида суғурта ташкилотларининг маблағларини инвестиция қилишнинг самарали шакллари ишлаб чиқиш.

Суғурта бозорининг инфратузилмасини шакллантириш борасида эса кўйидаги ишларни амалга ошириш тақозо этилади:

- миллий суғурта бозорини ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи кадрларни тайёрлаш, ва қайта тайёрлаш, ўқув дастурларининг ягона тизимини яратиш;

- суғурта муаммолари жараёнига таъсир этувчи ва фуқаролар ҳам мулкчиликнинг барча шаклидан қатъий назар юридик шахслар манфаатларини акс эттирувчи давлат суғурта сиёсатини амалга оширишга ёрдам берувчи ёки йуналтирувчи институтларни ривожлантиришга ёрдам бериш.

Биз II-бобдада суғурта фаолиятини давлат томонидан бошқаришда қатнашадиган бир аъзоси Молия вазирлиги қошидаги Давлат суғурта назорати инспекциясини кўриб чиққан эдик. Ўзбекистонда суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилиш жараёнида эса яна бир қанча ташкилотлар ҳам қатнашади:

- Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси – монополияга қарши чоратadbирларни ишлаб чиқади ва бажарилишини назорат қилади;

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки – суғурта ташкилотларини банк билан боғлиқ фаолияти хусусиятларини назорат қилади;

- Суғурта фаолиятини давлат томонидан бошқариш жараёни ўз ичига бир қатор ҳаракатларни қамраб олади:

- Суғурта ташкилотларининг фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий базани ташкил қилиш;

- Суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларини танлаш, модомики, суғурта компанияси ва суғурта брокерини ўрнини ҳар қандай ташкилот ёки шахс эгаллай олмайди (лицензиялаш орқали);

- Суғурта бозорининг барча иштирокчилари (шу жумладан суғурта ташкилотлари) томонидан ҳаракат қилиш нормалари ва қоидаларини бажарилишини назорат қилиш;

- Ўрнатилган тартиб ва қоидаларни бажарилмаслиги ёки бажаришдан бош тортишда санкциялар тизимини қўллаш.

Суғурта иши субъектлари фаолиятининг суғурта назорати шакллари ва усуллариини такомиллаштириш суғурта ҳуқуқининг бузилиши юзасидан огоҳлантирувчи чора-тадбирларнинг самарали амалиётини ривожлантириш бўйича ялпи тадбирларни ўз ичига олади ва бу ҳаракатлар қўйидаги масалаларни ўз ичига олади:

Давлат назорати тизимини такомиллаштириш шуни назарда тутиши лозимки, у ушбу жараёнга суғурта операцияларини амалга оширишнинг профессионал шартларини киритган ҳолда давлат назоратининг кучли марказлашган тарзда тартибга солинадиган воситаларига эга бўлган давлат томонидан тартибга солиш модели доирасида амалга оширилади. Бунда суғурта бозори касбий бирлашмаларига суғурта ташкилотларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш функцияси топширилиши керак.

Давлат назорати институти қўйидагиларни таъминлаш имконини берувчи услубий тузилмалар билан кучайтирилиши лозим:

- ✓ Суғурта фаолияти шартларига нисбатан қўйиладиган талаблар даражаси (суғурта шартномаларини тузишнинг стандарт шакллариини жорий этиш, суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорлигини таъминловчи улар фаолиятини баҳолашнинг аниқ тизимини белгилаш асосида);

✓ Суғурта қилдирувчиларга суғурта тўловини кафолатловчи суғурта ташкилотлари ажратмаларининг ихтисослашган жамғармасини тузиш шартлари (суғурталовчи ёки суғурта ташкилотлари профессионал бирлашмаларининг тўловга қодирсизлиги ҳолатида);

✓ Суғурта ташкилотларининг капиталлашуви ва тўлов қобиляти, қалтисликлар табиати, эҳтимол қилинадиган зарар миқдори ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда қалтисликларни суғуртага қабул қилиш;

✓ Суғурта бозорини эркинлаштириш тенденцияларига мос келадиган назоратнинг истиқболли усуллари тизимини жорий қилиш: профессионал фикрлаш, қалтисликка йўналтирилган назорат;

✓ Суғурта иши субъектларидан лицензия қайтариб олинганидан кейин то банкротлик жараёни тугатилгунга қадар улар фаолиятини назорат қилиш имконини берувчи назорат усуллари ишлаб чиқиш.

Суғурта ташкилотларининг суғурта фаолиятига доир ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилишдаги жавобгарлигини ошириш мақсадида Давлат суғурта назорат инспекцияси томонидан суғурта операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг олиб қўйилишига қадар огоҳлантирувчи чора-тадбирлар сифатида қўлланиладиган суғурта жавобгарлигининг аниқ тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Суғурта фаолиятини қонунчилик йўли билан тартибга солишни такомиллаштириш йўналишларидан бири халқаро стандартлар, меъёрлар ва қоидалар (Европа Иттифоқи директивалари, Суғурта назорати органлари халқаро уюшмасининг суғурта назорати бўйича асосий тамойиллари ва стандартлари, Жаҳон Савдо Ташкилоти (ЖСТ)нинг халқаро хизматлар савдоси соҳасидаги қоидалар тўплами, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг тавсиялари, Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги форумининг қарорлари, МДХга аъзо давлатлар, Ягона иқтисодий минтақани шакллантириш жараёнининг иштирокчилари ҳисобланган давлатларнинг интеграцион ўзаро ҳамкорлиги доирасида қабул қилинадиган келишувлар)

билан босқичма босқич уйғунлаштиришдан иборат бўлиши керак. Бу суғурта ташкилотлари тўлов қобилятининг талаб этиладиган даражасини ҳам, узок муддатли чет эл инвестициялари бозорини ташкил қилиш манфаатлари йўлида қонунчиликнинг мослаштирилишини ҳам таъминлайди.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш. Ҳозирги вақтда суғурта килдирувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари фуқаролик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг нормалари билан ҳимояланган бўлиб, бунда низолар юзага келган ҳолларда улар Давлат назорати ва фуқаролик суди органларига ҳал этиш учун ўтказилади.

Тўловга кодир бўлмаган суғурта ташкилотларининг мижозларига суғурта тўловларини амалга ошириш учун суғурта турлари бўйича қафолатловчи жамғармалар тизимини яратиш истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмларидан бири ҳисобланади.

Кадрлар тайёрлаш ва суғурталовчилар малакасини ошириш тизимини ривожлантириш. Кадрлар тайёрлаш ва суғурталовчилар малакасини оширишнинг етарлича ривожланган тизими мавжуд эмаслиги кўрсатилаётган суғурта хизматларининг сифатида ўз аксини топади. Гуманитар йўналишдаги олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида суғурта ташкилотлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш зарур. Бунда ўқув муассасаларининг малакали профессор-ўқитувчилар таркибини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилиши керак. Ушбу мақсадда суғурта мавзуси бўйича илмий-амалий конференцияларни, социологик тадқиқотларни, диссертация ишларини тайёрлашни ташкил этиш зарур. Кадрлар тайёрлаш ва суғурталовчилар малакасини ошириш сифати суғурта назарияси амалиётини очиқ берувчи ўқув – услубий ва илмий адабиётларнинг яратилиши билан чамбарчас боғлиқ. Суғурта ташкилотлари раҳбарлари ва мутахассислари малакасини ошириш бўйича суғурта фаолиятининг турли масалалари юзасидан мунтазам семинарлар ўтказиш, чет эл суғурта компанияларида стажировкалар ўташ амалиётини сақлаб қолиш ва янада ривожлантириш зарур. Юқорида баён этилганлардан шундай

хулосага келиш мумкинки, таклиф этилаётган таклифлар миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда ўрта муддатли истиқболда давлатнинг суғурта соҳасидаги сиёсатини шакллантириш имконини беради. Шунингдек, улар суғурта ҳимоясининг самарали тизими бўйича катор дастурларни ишлаб чиқиш, суғуртанинг янги турлари, суғурта технологияларини жорий этишни фаоллаштириш, суғурта хизматларининг сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш, суғурта назоратининг шакллари ва усулларини такомиллаштиришга имкон беради.

III боб бўйича хулосалар

1. Мустақил экспертларнинг баҳолашича, республикамизда ҳозирги вақтда эҳтимолий суғурта объектларининг 1 фоиздан ками суғурта қилинган, иқтисодий ривожланган мамлакатларда эса бу кўрсаткич 90-95 фоизни ташкил қилади. Бундан ташқари, суғурталовчилар таклиф қилаётган суғурта хизматларининг доираси 50 хил атрофида, бунини эса хорижий суғурталовчилар таклифи билан солиштирилганда етарлича ривожланмаган, бу ҳам мамлакатимиз суғурта бозорининг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

2. Юқоридаги таҳлилларимиздан кўриб ўтдики мамлакат иқтисодиётида суғурта бозори салмоқли ўринни эгалламайди. Саноати ривожланган мамлакатларда ЯИМ да суғуртанинг улуши 8-10 фоиз даражада, Европада 5 фоиз, Россияда 3 фоиз бўлиб турган бир пайтда республикамизда бу кўрсаткич 0,3 фоиздан ошмайди. Таҳлилчиларнинг фикрича ЖСТ нинг шартлари билан хорижий суғурта компанияларига суғурта бозоримизга кенг йўл очиб берсак бу ҳолат Ўзбек суғурта бозорига оғриқсиз бўлади. Яқин 5-7 йилда Ўзбекистон ЯИМ да суғуртани улушини камида 3 фоизга оширишга тўртки бўлади.

3. Таклифларимиз миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг устувор йўналишларини ҳисобга олган

ҳолда ўрта муддатли истиқболда давлатнинг суғурта соҳасидаги сиёсатини шакллантириш имконини беради. Шунингдек, улар суғурта ҳимоясининг самарали тизими бўйича қатор дастурларни ишлаб чиқиш, суғуртанинг янги турлари, суғурта технологияларини жорий этишни фаоллаштириш, суғурта хизматларининг сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш, суғурта назоратининг шакллари ва усулларини такомиллаштиришга имкон беради.

ХУЛОСА

Миллий суғурта бозори ривожининг ҳозирги босқичи қатор объектив ва субъектив муаммоларни юзага чиқардики, аҳолининг суғурта хизматлари билан таъминлаш суръатлари, миқдори ҳамда сифати ана шу муаммоларнинг ҳал этилишига боғлиқ. Объектив муаммоларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- мамлакатимиздаги аксарият суғурта компанияларининг сармояси нисбатан кам бўлиб, суғурта фаолиятини талаб этилгандек амалга ошириш имконини бермайди;

- айниқса суғурта компаниясини бошқариш савиясидаги малакали кадрлар етарли эмас;

- аҳолининг суғуртага бўлган муносабати суст.

Субъектив муаммолари ичида қўйидагиларни ажратиб ўтиш мумкин:

- суғурталовчиларнинг бир-биридан ажралиб қолганлиги ва улар томонидан қўлланилаётган ғирром рақобат усуллари;

- аҳолининг суғурта маданиятини оширишга суғурталовчиларнинг кам эътибор бераётганлиги.

Суғурта бизнесини ривожлантиришнинг бошқа ҳар хил ташкилий иқтисодий шаклларида ҳам фойдаланиш мумкин. Уларнинг моҳияти суғурта сармоясини марказлаштириш эса, энг аввало, қатор вазифаларни ҳал этиш учун суғурта компанияларининг бошқарув фаолиятини ўзаро мувофиқлаштиришни назарда тутди. Бу вазифалар қўйидагилардан иборат:

- суғурта бозорининг ҳажмини таввакалчиликларни суғурталашни бир - бирига бериш ҳисобига, компания сармоясини марказлаштиришда иштирок этувчилар ҳаракат қиладиган қисмда ошириш;

- таваккалчиликларни яхшироқ танлаш эвазига маъсулият даражасини ҳамда суғурта захиралари жойлашувини ўзаро мослаш ҳисобига инвестиция сиёсатининг сармоядорлигини ошириш.

Суғуртанинг ҳар хил турларини мажбурий шаклда амалга оширилиши ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни таъминлашнинг муҳимлиги билан бир

каторда, ихтиёрий суғуртани амалга оширишни халқаро тажрибасини мамлакатимиз суғурталовчиларнинг мўайян манфаатларини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ривожланиб келаётган бозор иқтисодиёти талабларини инобатга олган ҳолда жорий этиш ҳамда тадбиқ қилиш учун қулай шарт шaroитлар яратилиши ҳам зарур. Маълумки, чет элда ихтиёрий суғуртанинг турлари ва хиллари чексиздир. Ихтиёрий суғурта ривожланиши учун муҳим шарт шaroит қўйидагилар:

- иқтисодий эркинликни ривожлантириш орқали жамият аъзоларининг маъсулияти даражасини ошириш;
- ривожланган ҳуқуқий тартибга солиш тизими томонидан таъминланган маданиятнинг юқори даражада тақсимланиши;
- жамият аъзолари ўзини тутишнинг фаол социал психологик русумини яратиш.

Суғуртанинг ихтиёрий турлари ривожланишининг асосий истиқболлари, шакл-шубҳасиз, унга республикаимиз аҳолисининг кенг жалб этилишидадир. Бу амалга ошириш учун аҳолининг пул маблағларини ошириш, фуқароларнинг таъминланган қатламлари кўпайиши зарур. Ҳаёт ва пенсиянинг узок муддатли суғуртаси аҳамиятга моликдир. Суғуртанинг бу турлари фуқароларнинг келажаги учун ишончли молиявий замин яратишдаги манфаатларини ҳамда давлатнинг пул маблағларини инвестиция мақсадларида фойдаланиш учун уларнинг узок муддатли асосида тўпланишидан манфаатдорлигини бирлаштиради. Суғуртанинг давлат томонидан қўллаб қувватланиши ҳал этиладиған вазифаларнинг аҳамияти ва устунлигини инобатга олган ҳолда қўйидаги йўналишларда амалга оширилмоғи лозим:

1. Миллий суғурта бозорини ҳимоя қилувчи қонун ҳужжатлари билан таъминлаш;
2. Суғурта фаолиятининг давлат томонидан назорат қилинишини такомиллаштириш.

Ҳозирги замон инсоният цивилизациясини суғурта тизимисиз тасаввур этиш қийин. Дарҳақиқат ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, суғурта корхона, ташкилотлар, ҳамда фуқароларни олдиндан кўриб бўлмайдиган тасодифий ҳодисалар оқибатида юзага келадиган талофатларни олдини олиб қолмасдан, балки йирик инвестиция манбаидир. Бу ҳолат суғуртани иқтисодий ривожланишидаги аҳамияти бекиёс эканлигини кўрсатади.

Биз диссертациямизда Ўзбекистонда суғурта бозорининг тадрижий тараққиётини илмий - назарий жиҳатдан ўрганиш натижасида қўйидаги хулосаларга келдик:

1. Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг ягона сиёсатини белгилаш:

- суғурта муносабатларини тартибга солувчи янги қонун ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштириш;

- давлат, ташкилот ва фуқароларнинг мажбурий суғурта соҳасидаги манфаатлари суғурта йўли билан ҳимояланишини таъминловчи меъёрий ҳуқуқий асосни такомиллаштириш.

2. Суғуртага аҳолининг кенг қатлами ва мулкчилик шаклларида қатъий назар, корхоналар жалб қилинишини рағбатлантирувчи шарт шароитни юзага келтириш:

- тиббий суғурта, узоқ муддатли ҳаёт суғуртаси, пенсия суғуртасини ривожлантириш учун ҳуқуқий меъёрий асос яратиш;

- суғурта ташкилотларининг тўплаган маблағларини инвестициялашнинг самарали шакллари ишлаб чиқиш орқали уларни жойлаштириш, амалга ошириладиган суғурта операцияларининг фойда келтиришини ошириш учун қўшимча кафолат яратиш.

3. Суғурта бозорининг инфратузилмасини такомиллаштириш ва ривожлантириш - фуқаролар ва мулкчиликнинг турли шаклларидаги юридик шахсларнинг манфаатлари йўлида суғурта муносабатлари жараёнига ҳамроҳ

бўлувчи ҳамда давлатнинг суғурта сиёсатини амалга оширишга ёрдам берувчи суғурта ташкилотлари ривожланишида кўмаклашиш.

4. Суғурта соҳасидаги халқаро ҳамкорликни тартибга солиш:

- хорижий суғурталовчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги фаолиятини тартибга солиш чора тадбирларини ишлаб чиқиш;
- халқаро суғурта муносабатларини (аваламбор қайта суғурта соҳасида) кенгайтирувчи меъёрий ҳуқуқий асоснинг ривожланишини таъминлаш.

Бизни таклифларимиз қўйидаги асосий вазифаларни ҳал этишга қаратилган:

Биринчидан – суғурта фаолиятини тартибга солувчи амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш. Бир меъёрий ҳужжатнинг бошқа бирига зид келишини олдини олиш.

Иккинчидан – суғурта ташкилотларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш.

Учинчидан – суғурта ва қайта суғурта бозорида жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга суғурта хизматини чиқарадиган қайта суғурта компанияларнинг ташқи суғурта ва қайта суғурта бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш ва суғурта хизматларини экспортини рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш.

Тўртинчидан – суғурта ва қайта суғурта соҳаларни рақобатдошлигини янада кучайтириш кўп жиҳатдан мавжуд ресурсларни қанчалик тежамли фойдалана олишимизга боғлиқ. Шу йўналиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 21.05.2008 йил ПҚ – 872 сонли Қарорига⁶¹ биноан суғурталовчилар қимматли қоғозлар бозорида инвестицион воситачи сифатида профессионал фаолиятни

⁶¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 21.05.2008 йил ПҚ – 872 сонли Қарори. “Ўзбекистон Республикаси еонун иужжатлари тўплами”, 2008 йил, 20-21-сон, 172-модда.

амалга ошириш ҳуқуқига эга. Бунда суғурталовчилар томонидан қимматли қоғозлар бозорида касб фаолиятини амалга ошириш учун лицензия олиши талаб қилинмайди. Бу ўз навбатида, суғурта ва қайта суғурта компанияларининг инвестиция фаолияти билан боғланган харажатларини камайишига олиб келади.

Бешинчидан - суғурта бозорида юридик шахслар томонидан ихтиерий суғурта хизматига талаб пасайиб бораётган бир шароитда, янги мажбурий суғурта турларини киритиш ва жисмоний шахсларни суғуртага бўлган талабини рағбатлантириш орқали ички суғурта бозорини ўсишининг юқори суръатларини сақлаб қолишда ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Суғурта хизматларига бўлган ички талабнинг ортиши, суғуртанинг давлат томонидан фаол қўллаб қувватланиши, инфратузилманинг ривожланиши ички бозорда ҳам, чет эл, энг аввало МДХ мамлакатлари бозорларида ҳам рақобатлаша оладиган йирик бақувват қайта суғурта компаниялари пайдо бўлишига имконият яратади. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг суғурта компаниялари ташқи бозорларига фаол кириб боришига, бинобарин, республикамзнинг иқтисодиётига инвестиция ресурслари оқиб келишига шарт-шароит яратади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 1992.

1. Ўзбекистон Республикаси "Фуқаролик кодекси"нинг 52-боби, -Т.: Адолат, 1996.

2. Ўзбекистон Республикаси "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги қонуни - "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2002 йил, 4-5-сон, 68-модда.

3. "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида" Ўзбекистон Республикаси қонуни - "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 41-сон, 405-модда.

4. Ўзбекистон Республикаси "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги қонуни. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2008 йил, 17-сон, 128-модда.

5. Ўзбекистон Республикаси "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Қонун. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2009 йил, 16-сон, 197-модда.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзагросуғурта" давлат акциядорлик суғурта компаниясини ташкил этиш тўғрисида» 1997 йил 25 февралдаги Фармони. - "Халқ сўзи", 1997 йил 26 февраль.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 26 июлдаги "Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни суғурта йўли билан ҳимоя қилувчи "Мадад" суғурта агентлигини ташкил этиш тўғрисида"ги 292-сон қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 июндаги "Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 286-сон қарори. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 1998 йил, 7-сон, 24-модда.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2002 йил 31 январдаги Фармони. - "Халқ сўзи", 2002 йил 1 февраль.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари тўплами. - Т.: 2002 йил 11-сон.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2007 йил 10 апрелдаги 618-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари тўплами. - Т.: 2007 йил 4-сон.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" 2007 йил 10 апрелдаги 872-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари тўплами. - "Халқ сўзи", 2008 йил 25 май.

13. И.А. Каримов, Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш - бош йўлимиз. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилда ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисидаги нутқ. Халқ сўзи, 2002 йил 15 феврал.

14. Ислохотлар стратегияси - мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. Президент Ислам Каримовнинг 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган

Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2003 йил 18 феврал.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилнинг биринчи ярмида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш якунлари ҳамда ушбу соҳаларда энг муҳим устувор йўналишлар бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларга бағишланган мажлисида Президент И.Каримовнинг маърузаси. - "Халқ сўзи", 2003 йил 19 июль.

16. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш-асосий вазифамиз. Президент И.Каримовнинг 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. - "Халқ сўзи", 2004 йил 10 февраль.

17. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим Президент И.Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузаси. - "Халқ сўзи" 2006 йил 11 феврал.

18. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш-асосий вазифамиздир. Президент И.Каримовнинг 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза.- "Халқ сўзи", 2007 йил 13 феврал.

19. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республика Конституцияси қабул қилинганинг 18-йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. - "Халқ сўзи", 2010 йил 6 декабр.

20. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Президент И.Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. -"Халқ сўзи", 2005 йил 29 январь.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

21. И.А. Каримов Ўзбекистон - келажаги буюк давлат. -Т.:Ўзбекистон, 1992.

22. И.А. Каримов "Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли", -Т.:Ўзбекистон, 1993.

23. И.А. Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.:Ўзбекистон, 1995.

24. И.А.Каримов, Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Асарлар, 5-жилд. Т."Ўзбекистон", 1997.

25. И.А. Каримов Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.:Ўзбекистон, 1999.

26. И.А. Каримов Ўзбекистон XXI асрга интилмоқиа. -Т.:Ўзбекистон, 1999.

27. И.А. Каримов Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. - Т.:Ўзбекистон, 1999.

28. И.А. Каримов Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. -Т.:Ўзбекистон, 2000.

29. И.А. Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.:Ўзбекистон, 2009.

IV. Асосий адабиётлар

30. Ш.З. Абдуллаева Банк рисклари ва кредитлаш. - Т.: "Молия", 2002.

31. Ассоциация страхового права. Страхования от А до Я (книга для страхователя) ИНФРАМ.

32. А.П. Архипов, В.Б. Гомелля, Основы страхового дела. Уч. пособие. - М.: "МаркетДС", 2002.
33. Д.А. Алимова, Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ғоявий асослари. -Т.: "Шарқ", 2001.
34. М.И. Басаков, Страховое дело в вопросах и ответах -Ростов-на-Дону.: изд. "Феникс", 1999.
35. В.С. Белых, Страховое право. - М.: «Инфра-М», 2001.
36. И.Т. Балабанов, Риск-менеджмент.— М.: «Финансы и статистика», 1996.
37. И.Т. Балабанов, А.И. Балабанов Страхование Санкт-Петербург: изд. Питер, 2002.
38. К. Бурроу, Основы страховой статистики. -М.: Анкил, 1996.
39. А.Ваҳобов, У. Бурханов, Н.Жумаев, Чет мамлакатлар молияси, Т.: -Янги аср авлоди, 2003.
40. А.Ваҳобов, Н.Жумаев, У. Бурханов, Халқаро молия муносабатлари, “ШАРҚ” НМАК, Т.: -2003.
41. К.Т. Воблий, Основы экономики страхования. -М.: Анкил, 1995.
42. А.А. Гвозденко, Основы страхования: Учебник. - 2-е изд., перераб. И доп. - М.: Финансы и статистика, 2003.
43. Н.Б. Грищенко, Основы страховой деятельности: Учеб. пособие. - М: Финансы и статистика, 2004.
44. Давид Бланд, Страхование: принципы и практика. Пер. с англ. - М.: Финансы и статистика, 1998. -С.23.
45. С.Л. Ефимов, Деловая практика страхового агента и брокера. - М.: Страховой полис, Юнити, 1996.
46. С.Л. Ефимов, Организация управления страховой компании: теория, практика, зарубежный опыт. -М.: Российский изд. 1995.
47. М.А. Климова, Страхование: Учеб. пособие. - М.: Издательство ПРИОР, 2004.

48. Ю.М. Журавлев, Словарь-справочник терминов по страхованию и перестрахованию.-М.:Анkil, 1994.
49. А.Н. Зубец, Страховой маркетинг. -М.:Анkil, 1998.
50. Ибодулла Эргашев. Қишлоқ сиёсий-ижтимоий жараёнлар тизимида. -Т.: "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни, 1998.
51. С.С. Корунов, Методическое обеспечение страхования по видам. - М.: "Анkil", 1996.
52. Т.С. Маликов, Н.Ҳ. Ҳайдаров, МОЛИЯ: умумдавлат молияси -Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2009.
53. А. Манэс, Основы страхового дело. -М.:изд. "Анkil", 1992.
54. Международная торговля: финансовые операции страхование и другие услуги. Торгово-изд. бюро. ВНУ. 1994.
55. М.А. Мирсадыков, Страховые риски: Словарь-справочник. – Т.: Ассоциация профессиональных участников страхового рынка Узбекистана, 2010 – 108с.
56. А.П. Пличков, А.П. Орлова, Очерки зарубежного страхования. - М.:Анkil, 1997.
57. К. Пфайфер, Введение в перестрахование. - М.: "Анkil", 2000.
58. С.Э. Саркисов, Личное страхование. -М.:Финансы и статистика. 1996.
59. Словарь страховых терминов. М.:Финансы и статистика, 1991.
60. В.В. Смирнов, Экономика страхования и перестрахования. - М.:Анkil, 1996.
61. Л.Г. Скамай, Страхование: Учебное пособие. -М.:ИНФРА-М, 2001.
62. Л.Г. Скамай, Т.Ю. Мазурина, Страхование дело: Учеб. пособие. - М.: ИНФРА-М, 2004.
63. Ю.А. Сплетухов, Е.Ф. Дюжиков, Страхование: Учебное пособие. - М.: ИНФРА-М, 2002.
64. Ҳ. Собиров Суғурта: 100 савол ва жавоб. -Т.:Меҳнат, 1998.

65. Страхование в промышленности. (опыт страхового рынка ФРГ) изд. Центр СО. -М.:Анкил, 1993.
66. Страхование финансовых гарантий. изд. Центр СО. -М.:Анкил, 1992.
67. Страховое дело. Учебник. Под редакцией профессора Рейтман Л.И., М. изд. Банковский и биржевой научно-консультационный центр. 1992.
68. К.Е. Турбина, Инвестиционный процесс и страхование инвестиций от политических рисков. -М.:Анкил, 1995.
69. К.Е. Турбина, Тенденции развития мирового рынка страхования. - Т.:Анкил, 2000.
70. К.Е. Турбина, Теория и практика страхования-М.изд.Анкил.2003.
71. С.А. Умаров, Ўзбекистонда суғурта фаолияти ривожланишини бошқариш. Т.: Фан, 2009 й.
72. Т.А. Федорова, Основы страховой деятельности. Учебник. - М.: "РСК",2001.
73. В.В. Шахов, Введение в страхование. -М.: Финансы и статистика, 1992.
74. В.В. Шахов, Страхование. Учебник для вузов.-М.: "ЮНИТИ", 2001.
75. В.В. Шахов, А.С. Миллерман, В.Г. Медведев, Теория и управление рисками в страховании. - М.: Финансы и статистика, 2002.
76. М.Я. Шиминова, Страхование: история, действующее законодательство переспективы. -М.:Наука, 1989.
77. Д.Д. Хэмптон, Финансовое управление в страховых компаниях. изд. Центр СО. -М.:Анкил, 1995.
78. Р. Юлдашев, Страховой бизнес. Словарь-справочник. - М.: "Анкил", 2000.
79. Р.Т. Юлдашев, Организационно-экономические основы страхового бизнеса. - М.: "Анкил", 2002.
80. С.С. Ғуломов, Х.И. Боев, Ж. Боева, Валюта, кредит, молия ва суғурта муаммолари.-Т.:Мехнат, 1998.

81. В.Д. Ронк Профессиональный риск: оценка и управление-М: изд. Анкил.2004.

V. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

82. Б.Б. Ашрафханов, М.А. Мирсадыков, Развитие страхового законодательства республики. "Рынок деньги и кредит". 11-12 2002.

83. М.Х. Ашуров, Хатарларни бошқариш - санъат. "Бозор, пул ва кредит". 6 - 2002.

84. Х. Боев, С. Мирзоев, Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва шахсий суғурта. "Бозор, пул ва кредит". 2 -2002.

85. Т.М. Боймуротов, Суғурта тизимида маркетинг ва мониторинг дастурлари ишлаб чиқилиши. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 4-5 - 2001.

86. Ш.Б. Имомов, Суғурта-жиддий иш. "Бозор, пул ва кредит", №11 1999.

87. Ш.Б. Имомов, Суғурта - иқтисодиётни ҳимоялаш ва ривожлантиришнинг муҳим омили. "Халқ сўзи", 2002 йил 27 ноябрь.

88. Т.С. Маликов, Х.М. Шеннаев, Суғуртанинг афзаллиги акс этсин. "Халқ сўзи", 2002 йил 4 апрель.

89. М.А. Мирсадыков, Б.Б. Ашрафханов, Современное состояние и тенденции развития страхового рынка Узбекистана. Страховое дело. № 11. 2001.

90. М.А. Мирсадыков, "Этапы реформирования страхового рынка республики как важнейшего элемента финансовой инфраструктуры страны". - Ўзбекистон Республикаси банк ва молия тизимларида ислохотларни чуқурлаштириш муаммолари (Халқаро илмий-амалий конференция.) - Т.: "Молия", 2005.125 б.

91. М.А. Мирсадыков, Развитие страхового рынка Узбекистана. Финансовый рынок. 2006 йил феврал. 2-сон. 32-35 бетлар.

92. Н.Б. Муҳаммадиев, "Суғурта фаолиятининг янги йўналишларини ташкиллаштиришда рисклилик даражасини баҳолаш", Тошкент Молия Институтини "Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молия бозорини

ривожлантириш истикдоллари” Республика илмий амалий конференцияси материаллари, 2012 йил 15 декабр, 340-бет.

93. Н.Б. Муҳаммадиев, “Суғурта ташкилотининг молиявий барқарорлигини аниқлаш йўллари”, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки, Ўзбекистон Банклари Ассоциацияси, Ўзбекистон Республикаси Банк-Молия Академияси “Ўзбекистон Республикасида молиявий институтларнинг инвестицион фаоллигини янада жадаллаштиришнинг долзарб масалалари” Республика илмий амалий конференцияси материаллари, 2013 йил 3 май, 224-бет.

94. Н.Б. Муҳаммадиев, “Суғурта ташкилотларини рейтинг баҳолаш: Ўзбекистон ва хориж тажрибаси”, Ўзбекистон Республикаси Банк-Молия Академияси Магистрантлар илмий амалий конференцияси Тезислар тўплами, 2013 йил 5 июль, 229-бет.

95. Ҳ.Р. Собиров, Ўзбекистон суғурта тарихидан. "Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси" журнали, № 10. 2000.

96. А.С. Тохиров, Суғурта компанияларининг инвестиция фаолияти. "Ўзбекистон Республикаси банк ва молия тизимларида ислохатларни чуқурлаштириш" мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Ўзбекистон Республикаси Банк-Молия Академияси, 2005. 15 июн. 146-147 в.

97. М. Умаралиев, Суғурта - бозор иқтисодиётининг муҳим шарти. Халқ сўзи. 2002 .31 май.

98. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги суғурта назорати давлат инспекцияси йиллик ҳисоботлари. 1999-2012 й.й.

99. " Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2011 год. //Т.: Госкомстат.,2012.

100.Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2012 год.//Т.: Госкомстат.,2013.

101.The BERNE UNION 2000. International Union of Credit and Investment Insurers.

102. Financial Times, 28 April 2013, World insurance industry.
103. General and Cologne Re, Topics №8, 2012.
104. Reinsurance, march, 2013.
105. Insurance industry in Central and Eastern Europe, p. 27. Sigma, №7, 2012.
106. American International Group, Inc. World Leaders in Insurance and Financial Services. 2005 Annual Report.

VI. Интернет сайтлари

107. [www. rating.uz](http://www.rating.uz).
108. [www. mf.uz](http://www.mf.uz).
109. [www. insurance2000.ru](http://www.insurance2000.ru).
110. [www. uzreport.com](http://www.uzreport.com)
112. [www. allinsurance.ru](http://www.allinsurance.ru).